

UZBEKISTAN

TURKMENISTAN

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ННТлар: РИВОЖЛАНИШГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ, БОШҚАРУВ ВА БАРҚАРОРЛИК

KYRGYZSTAN

KAZAKHSTAN



2026



**МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ
ННТЛАР: РИВОЖЛАНИШГА
ҚЎШГАН ҲИССАСИ,
БОШҚАРУВ ВА БАРҚАРОРЛИК**

2026

УЎК 327 (100-87) (ruscha versiyasi)

КБК 66.4 (0)

Н – 11

Муаллифлар жамоаси:

Бош муҳаррир – Н. ДОБРЕЦОВА, «Тараққиёт сиёсати институти» жамоат бирлашмаси бошқаруви раиси.

Етакчи муаллиф-таҳлилчи – М. СЕМЕНЯК.

Методология бўйича

маслаҳатчилар – А. МАМБЕТОВ, А. ҚУРБАНОВА, «Фуқаролик иштироки» жамоат фонди.

Марказий Осиё мамлакатларидаги ҳисоботнинг муаллиф-маслаҳатчилари:

Қозоғистон – А. ГЛАДКИХ, «АРГО» Фуқаролик жамиятини ривожлантириш ассоциацияси, Олмаота.

Қирғизистон – А. МАМБЕТОВ, А. ҚУРБАНОВА, «Фуқаролик иштироки» жамоат фонди.

Тожикистон – Х. РАСУЛОВА, «Барқарор ривожланиш учун баҳолаш» жамоат ташкилоти.

Туркменистон – С. АГАБАЛАЕВ, «Кейик Окара» жамоат ташкилоти.

Ўзбекистон – Н. КАРИМБЕРДИЕВА, «Юксалиш» ҳаракати.

Лойиҳанинг маъмурий

гуруҳи –

С. МУСТАФАЕВА, А. БУЗУРМАНҚУЛОВА, Ж. ИБРАГИМОВ.

Дизайн –

А. СГУРСКИЙ.

Н – 11 **Марказий Осиёдаги ННТлар: ривожланишга қўшган ҳиссаси, бошқарув ва барқарорлик.** – Бишкек: Тараққиёт сиёсати институти, 2026. – 92 бет.

ISBN 978-9967-11-929-1

Ушбу ҳисобот Марказий Осиё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига нотижорат ташкилотларнинг қўшган ҳиссасини баҳолашга бағишланган. Тадқиқотда ННТлар иқтисодий иштирокчилари, жамоатчилик учун аҳамиятли хизматлар кўрсатувчилари, давлатнинг ҳамкорлари, маҳаллий ривожланиш субъектлари, амалий эксперт билимлари манбаи ҳамда аҳоли ва ҳудудлардан келадиган қайтар алоқанинг ташувчилари сифатида кўриб чиқилади. Алоҳида эътибор одатда тўлиқ ҳисобга олинмайдиган ҳисса турларига: қаратилган: ННТларнинг бошқарув сифати, инвестиция муҳитига, хусусий сектор ривожланишига, эҳтиёжманд гуруҳлар учун тўсиқларни камайтиришга ва маҳаллий ҳамжамиятлар барқарорлигининг таъсирига қаратилган.

Ушбу ҳисобот Марказий Осиё мамлакатларидаги ННТлар фақат лойиҳалар ижрочилари ва хизмат кўрсатувчилар эмас, балки муҳим ривожланиш ресурси эканини кўрсатади. Улар иш ўринлари яратади, ресурсларни жалб қилади ва қайта тақсимлайди, эҳтиёжманд гуруҳларни қўллаб-қувватлайди, қарорларни ишлаб чиқиш ва мониторинг қилишда иштирок этади, маҳаллий ташаббусларни ривожлантиради, тадбиркорликни қўллаб-қувватлайди ҳамда инсонлар, ҳамжамиятлар ва бизнес учун муҳитни янада барқарор, шаффоф ва қулай қилишга кўмаклашади.

Ҳисобот асосида Марказий Осиёнинг беш мамлакати – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон бўйича статистик маълумотлар, кейслар, эксперт баҳолари ва ҳисса қўшиш моделлари типологиясини бирлаштирувчи минтақавий синтез ётади.

Тадқиқот миқдорий маълумотлар ва сифат усуллари уйғунлаштирган бўлиб, ННТларнинг институционал, иқтисодий, ижтимоий, бошқарув ва мавзувий ўлчамлардаги ҳиссасини кўрсатади. Шу билан бирга, мавжуд маълумотлар тўпламларининг чекланганлиги ва ўзаро фарқ қилиши сабабли мамлакатлар ўртасида тўғридан-тўғри таққослашдан воз кечилган.

ННТлар томонидан яратилаётган ечимларнинг ўзига хослиги, инновационлиги, самарадорлиги ва барқарорлигига алоҳида эътибор қаратилган. Улар давлат ва бозор томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли дастурларни тўлдирувчи, шунингдек, давлат, бозор ва оила имкониятлари етарли бўлмаган ҳолатларда қўлланиладиган мослашувчан ва манзилли фаолият моделлари сифатида кўриб чиқилади.

Ҳисобот Марказий Осиё ривожланишида ННТларнинг ролини янада аниқроқ тушунишдан манфаатдор бўлган барча шахслар учун мўлжалланган: давлат органлари вакиллари, фуқаролик жамияти вакиллари, донорлар, бизнес ҳамжамияти, тадқиқотчилар ҳамда кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.



**UK International
Development**

Partnership | Progress | Prosperity



EGED
programme



**ИНСТИТУТ
ПОЛИТИКИ
РАЗВИТИЯ**

YUKSALISH

Ушбу тадқиқот Буюк Британия Ҳукумати томонидан молиялаштириладиган «Иқтисодий ривожланиш учун самарали бошқарув» дастурининг молиявий кўмагида тайёрланган.

Нашрнинг Марказий Осиё мамлакатлари давлат тилларидаги, рус ва инглиз тилларидаги электрон версиялари қуйидаги сайтларда жойлаштирилган: www.dpi.kg (<http://www.dpi.kg>), «Юксалиш» сайти.

Нашр матни рус тилида ишлаб чиқилганлиги сабабли, рус тилидаги матн билан Марказий Осиё мамлакатлари давлат тиллари ҳамда инглиз тилидаги матнлар ўртасида тафовут юзага келган тақдирда, рус тилидаги матн тўғри деб ҳисобланади. Қўлланма ёки унинг қисмларини ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар орқали, жумладан, электрон ёки механик усулларда, фотонусха кўчириш, овоз ёзиб олиш, ахборотни сақлаш қурилмалари ва ахборот қидириш тизимлари орқали тарқатишда нашриётни қуйидаги электрон манзиллар орқали хабардор қилиш сўралади: ndobretsova@dpi.kg, Office@dpi.kg

B
ISBN 978-9967-11-929-1

УЎК 327 (100-87) (ruscha versiyasi)
КБК 66.4 (0)

© Тараққиёт сиёсати институти, 2026
© «Юксалиш» ҳаракати, 2026

МУНДАРИЖА:

Фуқаро учун. Марказий Осиёдаги ННТлар ҳақида 28 та факт: иш ўринлари, солиқлар, иқтисодиёт, хизматлар, инсонларга ёрдам ва мамлакатлар ривожланиши	6
ҚИСҚАРТМАЛАР ВА ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР РЎЙХАТИ	10
Қисқача хулоса	12
Кириш	14
1. Адабиётлар шарҳи	16
1.1. ННТлар ҳиссасининг легитимлиги назарияси ва уни тан олиш муаммоси	16
1.2. ННТлар ҳиссасини ўлчаш: статистик кўриниш ва методологик чекловлар	16
1.3. ННТлар институционал акторлар сифатида: фуқаролик макони, бошқарувнинг ҳисобдорлиги ва ривожланиш шарт-шароитлари	17
1.4. Марказий Осиёда ННТлар: ўлчаш тақчиллиги ва легитимликни мустаҳкамлаш вазифалари	18
2. Методологик ёндашув ва таҳлил чекловлари	20
2.1. Тадқиқотнинг умумий мантиғи	20
2.2. Ахборот тўплаш усуллари ва манбалари	20
2.3. Таҳлилий ёндашув.....	21
2.4. Ўзгаришлар назариясининг элементлари.....	22
2.5. Натижаларни талқин қилишга ёндашув.....	22
2.6. Чекловлар.....	22
3. ННТ секторининг минтақавий портрети	24
3.1. Секторнинг умумий тавсифи.....	24
3.2. Ташкилий шакллар	25
3.3. Рўйхатдан ўтган, фаолият юритаётган ва фаол ишлаётган ташкилотлар	25
3.4. ННТлар фаолиятининг асосий шакллари.....	26
3.5. Молиялаштириш манбалари ва ресурс базаси.....	27
4. ННТлар ҳиссасини баҳолашнинг мамлакатлар бўйича моделлари типологияси.....	29
5. Мазкур ҳисобот мақсадлари учун ННТларнинг ҳиссаси нимани англатади?	32
6. ННТларнинг институционал (тармоққа оид) ҳиссаси: сектор иқтисодиёт иштирокчиси сифатида	33
6.1. ННТлар иш берувчилар сифатида	33
6.2. ННТлар солиқ тўловчилар ва бюджет тизимининг иштирокчилари сифатида.....	36
6.3. ННТлар қўшилган қиймат яратувчилари сифатида	37
6.4. ННТлар молиявий ресурсларни жалб қилиш ва қайта тақсимлаш канали сифатида.....	37
6.5. ННТлар товарлар ва хизматлар истеъмолчилари сифатида	39
7. ННТларнинг бошқарув сифати, инвестиция муҳитига ва хусусий сектор ривожланиши шарт-шароитларига қўшган ҳиссаси	40
7.1. ННТлар давлат қарорларини қабул қилиш ва ислохотларни амалга ошириш циклининг иштирокчилари сифатида	40
7.2. ННТлар давлат қарорлари учун экспертиза манбаи сифатида.....	42
7.3. ННТлар аҳолидан қайтар алоқа олиш канали сифатида	43

7.4. ННТлар жамоатчилик мониторинги ва ҳисобдорликни таъминлаш иштирокчилари сифатида	44
7.5. Ҳамкорлик платформалари ва қўшма қарорлар	46
8. ННТларнинг иқтисодий ривожланишга қўшган ҳиссаси.....	48
8.1. Ижтимоий тадбиркорлик ва инклюзив ривожланиш	48
8.2. Тадбиркорлик, ўзини ўзи банд қилиш ва иқтисодий кўникмаларни ривожлантириш	49
8.3. Инфратузилмавий ва сервис лойиҳалар ҳамда уларнинг иқтисодий шароитларга таъсири	50
8.4. Маҳаллий иқтисодий фаоллик ва жамоаларни ривожлантириш	51
8.5. Инновациялар ва иқтисодий самарага эга рақамли ечимлар	52
9. ННТларнинг ижтимоий ҳиссаси ва хизматлардан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш	54
9.1. Ижтимоий ёрдам ва ихтисослаштирилган хизматлар	54
9.2. Эҳтиёжманд гуруҳларни қўллаб-қувватлаш ва фойдаланишдаги тўсиқларни камайтириш	55
9.3. Инқирозли ва реабилитация хизматлари	57
9.4. Бенефициарларнинг имкониятлари ва ҳаёт сифатидаги ўзгаришлар	58
10. ННТларнинг тематик ҳиссаси:	
Марказий Осиё бўйича умумий «харита»	60
10.1. Соғлиқни сақлаш	61
10.2. Таълим ва кўникмаларни ривожлантириш	62
10.3. Гендер тенглиги, ижтимоий интеграция ва эҳтиёжманд гуруҳлар.....	64
10.4. Адолат судловидан фойдаланиш имкониятлари ва ҳуқуқларни ҳимоя қилиш	65
10.5. Атроф-муҳит ва иқлим	66
10.6. Ёшлар, маданият ва ижтимоий бирдамлик	68
11. ННТларнинг ҳиссасининг сифат хусусиятлари	70
12. Минтақавий хулосалар	72
13. Тавсиялар.....	74
13.1. Давлат органлари учун (секторлараро шерикликни янада ривожлантириш бўйича таклифлар)	74
13.2. ННТлар учун	75
13.3. Донорлар учун	76
13.4. Тадқиқот ташкилотлари учун	77
13.5. Қўшма минтақавий кун тартиби учун	77
13.6. Қўшма минтақавий кун тартиби учун	78
ИЛОВАЛАР	
1-илова. Адабиётлар рўйхати ва адабиётлар шарҳи учун манбалар	79
2-илова. Адабиётлар рўйхати ва ахборот манбалари	80
3-илова. Марказий Осиё бўйича ННТлар ҳиссасининг йиғма кўрсаткичлари	85
4-илова. ННТлар ҳиссасини баҳолашнинг таклиф этилаётган уч босқичли индикаторлар тизими	87
5-илова. Маълумотларнинг ишончлилик даражаси	90
6-илова. Нотижорат секторининг иқтисодиёт ва бандликка қўшаётган ҳиссасини ўлчаш бўйича халқаро тажриба.....	90

МИННАТДОРЧИЛИК ИЗҲОРИ

Муаллифлар жамоаси Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистондаги ННТлар ҳамда давлат органлари вакилларига тақдим этилган маълумотлар ва тадқиқотга қўшган ҳиссалари учун чуқур миннатдорчилик билдиради.

ТЕРМИНЛАР БЎЙИЧА ИЗОҲ

Марказий Осиё мамлакатларида қонунчилик ва амалий муомалада фуқаролик жамиятининг ташкилий шаклларига нисбатан турли атамалар қўлланилади: нодавлат ташкилотлар (НТ), нотижорат ташкилотлар (ННТ), фуқаролик жамияти ташкилотлари (ФЖТ), нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ).

Мазкур ҳисобот мақсадлари учун «нотижорат ташкилотлар» (ННТ) атамаси танланди, чунки ушбу атама Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг статистика тизимида қўлланилади.

МАЪЛУМОТЛАР БЎЙИЧА ИЗОҲ

Ушбу ҳисоботда фойдаланилган миқдорий маълумотлар ҳамда амалий мисолларнинг манбалари Марказий Осиё мамлакатларида ҳисобот муаллиф-маслаҳатчилари томонидан тайёрланган мамлакат ҳисоботлари ҳисобланади:



Қозоғистон

А. ГЛАДКИХ,
«АРГО» Фуқаролик жамиятини
ривожлантириш ассоциацияси,
Олмаота.



Қирғизистон

А. МАМБЕТОВ, А. ҚУРБАНОВА,
«Фуқаролик иштироки» жамоат
фонди.



Тожикистон

Х. РАСУЛОВА,
«Барқарор ривожланиш учун
баҳолаш» жамоат ташкилоти.



Туркменистон

С. АГАБАЛАЕВ,
«Кейик Окара» жамоат
ташкилоти.



Ўзбекистон

Н. КАРИМБЕРДИЕВА,
«Юксалиш» ҳаракати.



Фуқаро учун: Марказий Осиёдаги ННТлар ҳақида 28 та факт: иш ўринлари, солиқлар, иқтисодиёт, хизматлар, инсонларга ёрдам ва мамлакатлар ривожланиши

ННТлар кўпинча фақат грант олувчилар ёки алоҳида лойиҳалар ижрочилари сифатида қабул қилинади. Аммо Марказий Осиё мамлакатлари бўйича маълумотлар анча кенгроқ реал манзарани кўрсатади: ННТлар иш ўринлари яратади, солиқ тўлайди, бизнесдан товарлар ва хизматлар харид қилади, ресурсларни жалб этади, аҳолининг заиф гуруҳларига ёрдам беради, давлат қарорларини такомиллаштиришда иштирок этади ҳамда давлат ёки бозорнинг одатий механизмлари орқали қамраб олиш қийин бўлган инсонлар ва ҳудудларга ривожланиш чораларини етказди.

ННТлар Марказий Осиёда: сектор қўламининг тахминий манзараси

Маълумотлар мамлакатлар бўйича материаллар ва мавжуд миқдорий кўрсаткичларга асосланган экспертлик минтақавий баҳосини акс эттиради; кўрсаткичлар расмий агрегатланган статистика ҳисобланмайд.



Факт

- Марказий Осиёда ННТлар аллақачон иқтисодиёт ва ривожланиш тизимининг бир тармоғига айланган.
- Қозоғистонда қарийб 18 минг фаол ННТ фаолият юритади.
- Қозоғистон ННТлари қарийб 98 мингта иш ўрнини таъминлайди.
- Қозоғистон ННТларининг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тахминан 374,1 млрд тенгени (773,1 млн АҚШ доллари) ташкил этди.

Изоҳ

ННТлар иш берувчилар, солиқ тўловчилар, хизмат кўрсатувчилар, давлат ҳамкорлари, маҳаллий ривожланиш иштирокчилари ҳамда фуқаролар ва ҳудудлардан қайтар алоқа манбаи ҳисобланади.

2024-йил охири ҳолатига кўра, Қозоғистонда 17 964 та фаол ННТ қайд этилган. Бу минтақадаги амалда фаолият юритаётган ташкилотларнинг энг йирик ва энг тизимлаштирилган тўпламларидан бири ҳисобланади.

2024-йилда секторда қарийб 98 минг киши банд бўлган бўлиб, бу кўрсаткич олий таълим соҳаси (тахминан 88 минг киши) ва улгуржи савдо соҳаси (95 минг киши) билан таққосланади. Бу меҳнат бозорининг тўлақонли сегменти ҳисобланади.

Бундай миқдордаги иш ҳақи секторнинг оилалар даромадлари, истеъмол талаби ҳамда ижтимоий, экспертлик, таълим ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги мутахассислар бандлигини қўллаб-қувватлашини англатади.



Факт	Пояснение
5. Қозоғистон ННТлари улкан кўнгиллилар ресурсига эга – 107 минг киши.	Маош оладиган ходимлар билан биргаликда бу сектор фаолиятига жалб этилган 200 мингдан ортиқ кишини ташкил этади. ННТларнинг ҳиссаси штатдаги бандлик доирасидан анча кенгдир.
6. Қозоғистонда давлат ижтимоий буюртмаси орқали 33,6 млрд тенге (69,9 млн АҚШ доллари) миқдоридаги 2 167 та лойиҳа амалга оширилган.	Бу ННТлар давлат ижтимоий сиёсати амалга оширилишига аллақачон интеграция қилинганини ва инсонлар ҳамда маҳаллий ҳамжамиятлар билан яқин ишлаш талаб этиладиган жойларда давлатга хизматлар кўрсатишда ёрдам бераётганини кўрсатади.
7. Қозоғистонда ННТлар иштирокида кўрсатиладиган махсус ижтимоий хизматлар ҳажми тахминан 45–55 млрд тенгега (91,7–114,6 млн АҚШ доллари) баҳоланади.	Ушбу маблағнинг 60 фоиздан ортиғи бюджет ҳисобидан молиялаштирилади: давлат ижтимоий аҳамиятга эга хизматларни тақдим этиш учун ННТлар салоҳиятидан фаол фойдаланмоқда.
8. Қирғизистон ННТлари 24 мингдан ортиқ иш ўрни яратган.	Бу кўрсаткич илмий ва техник фаолият соҳаси (28 минг киши) ҳамда ахборот ва алоқа соҳаси (39 минг киши) билан таққосланади. ННТлардаги ўртача иш ҳақи 27 605 сўмни (317 АҚШ доллари) ташкил этади, мамлакат бўйича ўртача кўрсаткич эса 36 047 сўм (414 АҚШ доллари)ни ташкил қилади.
9. Қирғизистоннинг фаол ишлаётган ННТлари бюджетга тахминан 1,3 млрд сўм (қарийб 14,9 млн АҚШ доллари) тўлаган.	Бу патент асосидаги солиқдан тушадиган йиллик тушумлар билан таққосланади ва ер солиғи тушумлари ҳажмига яқиндир. ННТлар нафақат ресурсларни жалб қилади, балки маблағларни бюджетга ҳам қайтаради.
10. Қирғизистон ННТларининг ЯИМга қўшган ҳиссаси сув таъминоти ҳамда санъат, кўнгилочар ва дам олиш соҳаларининг ҳиссасидан юқори.	Таққослаш учун: ННТларнинг ЯИМдаги улуши – 0,67%, сув таъминоти соҳасиники – 0,23%, санъат, кўнгилочар ва дам олиш соҳасиники – 0,49%. Бу ННТлар ҳиссасини иқтисодий нуқтаи назардан аниқ кўриш имконини беради.
11. Қирғизистон ННТлари 2024 йилда 53 млрд сўм (қарийб 609,2 млн АҚШ доллари) миқдорида молиялаштиришни жалб қилди, мазкур тадқиқотда баҳоланган ҳисса қўшаётган мақсадли гуруҳ бўйича эса бу кўрсаткич 14,2 млрд сўмни (қарийб 161,7 млн АҚШ доллари) ташкил этди.	Ушбу молиявий тушумлар иш ҳақи, хизматлар, харидлар, инсонларни қўллаб-қувватлаш ва маҳаллий иқтисодий фаолликка айланади.
12. Қирғизистон ННТлари фақат хорижий грантларга боғлиқ эмас.	14,2 млрд сом (қарийб 161,7 млн АҚШ доллари) тушумнинг: 8,3 млрд сомни (қарийб 95,4 млн АҚШ доллари) ёки 59 фоизи ҳомийлик ёрдами ва хайриялардан, 2,7 млрд сомни (қарийб 30,5 млн АҚШ доллари) ёки 19 фоизи хорижий техник ёрдам ва грантлардан, 0,2 млрд сомни (қарийб 1,8 млн АҚШ доллари) ёки 1 фоизи бюджет қўллаб-қувватлашдан ташкил топган.
13. Қирғизистон ННТларининг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси 917 млн сўмни (қарийб 10,5 млн АҚШ доллари) ташкил этган.	Ушбу харажатлар маҳаллий иқтисодиётга йўналтирилади: меҳмонхоналар, транспорт компаниялари, босмахоналар, бинолар ижараси, овқатланиш хизматлари, ускуналар етказиб берувчилар ва кичик ҳамда ўрта бизнеснинг бошқа субъектларига.



МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ННТлар:

РИВОЖЛАНИШГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ, БОШҚАРУВ ВА БАРҚАРОРЛИК 2026 й.

Факт

Изоҳ

14. Ўзбекистонда 10,8 мингдан ортиқ ННТ рўйхатдан ўтган.	2025-йил 1-январь ҳолатига кўра, 10 823 та ННТ рўйхатдан ўтган бўлиб, бўлинмалар ва ваколатхоналарни ҳам ҳисобга олганда секторда 11,6 мингдан ортиқ ташкилот мавжуд.
15. Ўзбекистон ННТ секторида 77 мингдан ортиқ киши банд.	2024-йилда секторда 77 535 нафар киши фаолият юритган, уларнинг 31 740 нафари ёки 40,9 фоизи аёллардир. Бу меҳнат бозорининг сезиларли сегменти ҳисобланади.
16. Ўзбекистон ННТ секторининг жами пул тушумлари 2024-йилда 34,35 трлн сўмни (қарийб 2,8 млрд АҚШ доллари) ташкил этди.	Ушбу молиявий тушумлар иш ҳақи, хизматлар, харидлар, инсонларни қўллаб-қувватлаш ва маҳаллий иқтисодий фаолликка айланади.
17. Сўнгги 7 йил ичида Ўзбекистон фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш учун 718 млрд сўм (қарийб 60 млн АҚШ доллари) ажратди.	Бу давлатнинг ННТлар орқали ривожланиш масалаларини ҳал қилишининг кенг кўламли исботидир.
18. Тожикистонда 1 700 та жамоат ташкилоти ва 411 та филиал ҳамда ваколатхона рўйхатдан ўтган.	Ҳатто статистик маълумотларнинг чекланганлиги шароитида ҳам бу секторнинг институционал кўламини кўрсатади.
19. Тожикистон ННТлари Миллий ривожланиш кенгаши ҳузуридаги 14 та идоралараро ишчи гуруҳ фаолиятида иштирок этади.	Бу фуқаролик сектори нафақат лойиҳаларда, балки стратегик режалаштириш, мониторинг ва қарорлар тайёрлаш жараёнларида ҳам иштирок этаётганини англатади.
20. Ҳар йили Тожикистондаги 69 та ташкилотдан иборат ННТлар танланмасининг 250 минг нафар бенефициари ёрдам олади.	Бу бутун сектор эмас, балки маълумот тўплаш имкони бўлган ташкилотларнинг бир қисми холос. Кўрсаткич секторнинг фаол қисми қамрови кўламини намоиш этади, аммо ННТларнинг умумий ҳиссасини тўлиқ акс эттирмайди.
21. Тожикистондаги 69 та ННТ танланмаси 53,3 млн сомони (қарийб 6 млн АҚШ доллари) айланма маблағ ва қарийб 4 млн сомони солиқ тўловларини, яъни 440 минг АҚШ долларида ортиқ маблағни кўрсатди.	Ҳатто ташқи ресурсларга муайян даражада боғлиқлик шароитида ҳам ННТлар грантлар ва лойиҳаларни иш ҳақи, хизматлар, харидлар ҳамда мамлакат ичидаги бюджет тушумларига айлантиради.
22. Туркменистонда расман 138 та жамоат ташкилоти рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг барчаси фаолият юритаётган ташкилотлар ҳисобланади.	Минтақа учун бу рўйхатдан ўтган секторнинг тўлиқ таркиби бир вақтнинг ўзида фаолият юритаётган ва ҳисобот тақдим этаётган ташкилотлар сифатида эътироф этилганлиги кам учрайдиган ҳолатдир.
23. Туркменистонда ННТлар ногиронлиги бўлган 400 нафардан ортиқ инсонни иш билан таъминлайди.	Кўзи ожизлар ва карлар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари бандлик ва меҳнат реабилитациясини таъминлайди. Бу ННТлар бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий вазифани ҳал этишининг намунасидир.
24. 2024-йилда Туркменистонда умумий қиймати қарийб 1,2 млн АҚШ долларини ташкил этган 22 та грант лойиҳаси амалга оширилди.	Бу жамоат ташкилотлари лойиҳа фаоллигининг муҳим ва ўлчанадиган кўрсаткичидир.



Факт	Изоҳ
25. Марказий Осиё мамлакатларида ННТлар давлатга «қўринмайдиган» муаммоларни кўришга ёрдам беради.	Мониторинг, жамоатчилик кенгашлари, ишчи гуруҳлар, маслаҳатлашувлар ва бенефициарлар билан ишлаш орқали ННТлар хизматлар кўрсатишдаги узилишларни, фуқаролар ва тадбиркорлар учун мавжуд тўсиқларни, инфратузилма муаммоларини ҳамда қарорларни амалга оширишдаги камчиликларни аниқлайди.
26. Марказий Осиё мамлакатларида ННТлар жойлардаги тўсиқларни камайтириш орқали инвестиция муҳитини яхшилайди.	ННТлар хизматлар сифати, инфратузилма, ахборотдан фойдаланиш имкониятлари, аҳоли кўникмалари ва қарорлар қабул қилиш жараёнининг шаффофлигини яхшилашга кўмаклашганида, улар бизнес, инвестициялар ва ўзини ўзи банд қилиш учун маҳаллий муҳитни янада барқарор қилади.
27. Марказий Осиё мамлакатларида ННТлар ривожланишни чекка ҳудудлар ва ижтимоий жиҳатдан четда қолган гуруҳларга етказиш вазифасини бажаради.	ННТлар одамлар ва ҳудудлар билан ишлайди ҳамда давлат органларига ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг ҳудудий қамрови ва манзиллилигини таъминлашда кўмаклашади. Уларга стандарт давлат ёки бозор механизмлари етиб бориши қийин бўлган аҳоли гуруҳлари киради: эҳтиёжманд гуруҳлар, чекка ҳамжамиятлар, ногиронлиги бўлган шахслар, инқирозли оилалар, беморлар, ёшлар, аёллар ва маҳаллий ташаббуслар.
28. Марказий Осиё мамлакатларида ННТлар томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик мониторинги давлат ва жамият ресурсларини тежашга ёрдам беради, шунингдек, улардан фойдаланишнинг манзиллилиги ва самарадорлигини оширади.	Хизматлар, давлат харидлари, дори-дармон таъминоти, инфратузилма лойиҳалари ва ижтимоий дастурлар мониторинги хатоларни, шаффоф бўлмаган ва самарасиз қарорларни эртароқ аниқлаш имконини беради.



ҚИСҚАРТМАЛАР ВА ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР РЎЙХАТИ

Қисқартмалар

CAF	Charities Aid Foundation.	ННТ	Нодавлат нотижорат ташкилотлар.
HSE	HSE University.	ННТ	нодавлат нотижорат ташкилотлари (Ўзбекистонда расман қўлланиладиган атама).
ICNL	International Center for Not-for-Profit Law / Нотижорат ҳуқуқи бўйича халқаро марказ.	НТ	Нодавлат ташкилотлар.
OECD	Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти.	ФЖТ	Фуқаролик жамияти ташкилотлари.
UNDP	United Nations Development Programme / БМТ Тараққиёт дастури.	МҲҚА	Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.
ЯИМ	Ялпи ички маҳсулот.	ДСК	Давлат статистика қўмитаси.
ЯҚҚ	Ялпи қўшилган қиймат.	БМТ	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.
ТИЭМ	Қайта тикланувчи энергия манбалари.	БМТ МҲТ БТТЁ	БМТнинг миллий ҳисоблар тизими.
ДКЮЁ	Давлат томонидан кафолатланган юридик ёрдам.	ИИРД	Бирламчи тиббий-санитария ёрдами.
ДСХ	Давлат солиқ хизмати.		Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастури.
ДИБ	Давлат ижтимоий буюртмаси.	УЖМШ	Уй-жой мулкдорлари ширкати.
ТИИ	Тараққиёт сиёсати институти	МО	Марказий Осиё.
ХТ	Халқаро ташкилотлар	БРМ	Барқарор ривожланиш мақсадлари.
КЎБ	Кичик ва ўрта бизнес.	ФВ	Фавқулодда вазиятлар.
КЎК	Кичик ва ўрта корхоналар.		
ЎЎБ	Ўзини ўзи бошқариш.		



Шартли белгилар

Минтақа	Марказий Осиё.
Марказий Осиё мамлакатлари	Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон.
ННТ сектори	мазкур ҳисобот доирасида кўриб чиқиладиган нотижорат ташкилотлар мажмуи.
Рўйхатдан ўтган ташкилотлар	амалдаги фаолиятдан қатъи назар, расмий ҳуқуқий мақомга эга ташкилотлар.
Фаолият юритаётган ташкилотлар	фаолият олиб бораётган ва/ёки ҳисобот тақдим этаётган ташкилотлар.
Фаол ишлаётган ташкилотлар	мунтазам фаолият юритувчи ва таҳлилнинг ишчи массивига киритилган ННТлар.
ННТ бенефициарлари	ННТлар фаолияти натижасида ёрдам, хизмат ёки манфаат олувчи тўғридан-тўғри фойдаланувчилар.
ННТ ҳиссаси	ННТларнинг ривожланишга қўшган институционал, бошқарув, иқтисодий, ижтимоий, мавзувий ва сифат жиҳатидан қўшган ҳиссаси.
Институционал ҳисса	ННТларнинг иқтисодиёт сектори сифатидаги ҳиссаси: бандлик, меҳнатга ҳақ тўлаш, солиқлар, молиявий оқимлар, харидлар, қўшилган қиймат.
Бошқарувга қўшилган ҳисса	ННТларнинг давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш жараёнларида, қарорларни экспертизадан ўтказишда, мониторингда, жамоатчилик назоратида ва қайтар алоқани таъминлашда иштирок этиши.
Устав фаолиятининг иқтисодий ҳиссаси	ННТларнинг тадбиркорликни, ўзини ўзи банд қилишни, иқтисодий кўникмаларни, инфратузилмани ва маҳаллий иқтисодиётни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси.
Ижтимоий ҳисса	эҳтиёжманд гуруҳлар учун хизматлар кўрсатиш, ёрдам бериш, ҳамроҳлик қилиш ва уларнинг имкониятлардан фойдаланишидаги тўсиқларни камайтириш.
Мавзувий ҳисса	ННТларнинг соғлиқни сақлаш, таълим, гендер тенглиги ва ижтимоий интеграция, одил судловдан фойдаланиш, экология, камбағалликни қисқартириш, маҳаллий ривожланиш, ёшлар сиёсати ва маданият соҳаларидаги ҳиссаси.
Ҳиссанинг сифат хусусиятлари	ўзига хослик, инновационлик, самарадорлик, барқарорлик ҳамда ривожланишни чекка ҳудудлар ва ижтимоий жиҳатдан четда қолган ҳамда эҳтиёжманд гуруҳларга етказиш функцияси.



Қисқача хулоса

Тадқиқот Марказий Осиё мамлакатларидаги ННТлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарор иштирокчиси эканлигини кўрсатади. Қозоғистонда 2024- йил якуни охири ҳолатига кўра, маълумотлар базасида 17 964 та фаол ННТ қайд этилган, секторда 97 758 нафар киши банд бўлган, шунингдек, 107 минг нафар кўнгилли ҳисобга олинган. Қирғизистонда ННТлар фаолиятига 34 682 нафар киши жалб қилинган бўлиб, уларнинг 24 414 нафари ходимлар, 4 857 нафари ташқи ўриндошлар ва 5 411 нафари кўнгиллилар ҳамда ҳақ тўланмайдиган ходимлардир. Ўзбекистонда 10 823 та ННТ рўйхатдан ўтган бўлиб, секторда 70 минг нафардан ортиқ киши банд. Тожикистонда 1 700 та жамоат ташкилоти ва 411 та филиал ҳамда ваколатхона рўйхатдан ўтган, Туркменистонда эса 138 та жамоат ташкилоти фаолият юритади ва уларнинг барчаси фаолият кўрсатаётган ҳамда ҳисобот тақдим этаётган ташкилотлар ҳисобланади. Ушбу маълумотлар минтақадаги ННТ сектори аниқ институционал кўламга эга эканлигини ва иқтисодиёт, ижтимоий инфратузилма ҳамда ривожланиш тизимининг муҳим элементи сифатида қаралиши лозимлигини кўрсатади.

Минтақавий нуқтаи назардан ННТларнинг бир нечта ҳисса турлари, айниқса, яққол намоён бўлади. Биринчидан, бу институционал ҳиссадир: иш ўринлари, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, солиқ ва ижтимоий ажратмалар, молиявий оқимлар, товар ва хизматлар хариди, ялпи ички маҳсулотга қўшилган ҳисса. Энг ёрқин мисол Қирғизистонда кузатилади: 2024- йилда фаол ишлаётган ННТлар 10,56 млрд сўмдан ортиқ (120 млн АҚШ долларида ортиқ) ялпи қўшилган қиймат яратган бўлиб, бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 0,67 фоизини ташкил этади. Улар бюджетга қарийб 1,3 млрд сўм (деярли 15 млн АҚШ доллари) тўлаган, секторнинг жами молиявий тушумлари эса қарийб 53 млрд сўмга (деярли 610 млн АҚШ доллари) етган. Мазкур тадқиқотда баҳоланган ҳисса қўшаётган мақсадли гуруҳ бўйича бу кўрсаткич 14,2 млрд сўмни (қарийб 161,7 млн АҚШ доллари) ташкил этган. Ўзбекистонда ННТ секторининг жами пул тушумлари 2024- йилда 34 350,3 млрд сўмни (2,8 млрд АҚШ доллари) ташкил этган, сўнгги етти йил ичида эса давлат бюджети ҳисобидан фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш учун 718 млрд сўм (деярли 60 млн АҚШ доллари) ажратилган. Қозоғистонда 2024- йилда давлат ижтимоий буюртмаси доирасида 33,6 млрд тенге (деярли 70 млн АҚШ доллари) миқдоридаги 2 167 та лойиҳа амалга оширилган. Тожикистондаги 69 та фуқаролик жамияти ташкилотидан иборат танланма 53,3 млн сомони (деярли 6 млн АҚШ доллари) айланма маблағ ва қарийб 4 млн сомони (440 минг АҚШ долларида ортиқ) солиқ тўловларини кўрсатган. Туркменистонда эса 2024- йилда 22 та грант лойиҳаси амалга оширилган бўлиб, ННТлар ҳузуридаги корхоналар ногиронлиги бўлган 400 нафардан ортиқ инсонни иш билан таъминлаган.

Иккинчидан, ҳисобот ННТларнинг бошқарув сифатига, инвестиция муҳитига ва хусусий сектор ривожланиши шароитларига қўшган ҳиссасини қайд этади. ННТлар нафақат хизматлар кўрсатади, балки давлат қарорларини муҳокама қилиш жараёнларида, жамоатчилик мониторингида, ислохотларни эксперт жиҳатдан қўллаб-қувватлашда иштирок этади, аҳолидан давлатга қайтар алоқа етказида ҳамда жойларда тузатиш ва ўзгартиришларни талаб қилувчи тизимли муаммоларни аниқлашга кўмаклашади. Тожикистонда ННТ вакиллари Миллий ривожланиш кенгаши ҳузуридаги 14 та идоралараро ишчи гуруҳ фаолиятида иштирок этади ва аниқ институционал ўзгаришларга ҳисса қўшади. Қозоғистонда ННТлар жамоатчилик кенгашлари, грант механизмлари ва давлат ижтимоий буюртмаси тизимига интеграция қилинган. Ўзбекистонда ННТларни қўллаб-қувватлашнинг институционал инфратузилмаси ННТ портали, жамоатчилик кенгашлари, давлат грантлари ва ҳудудий жамғармалар орқали ривожланмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон мисолида секторнинг институционал ўсиши унинг жамоатчилик орасидаги тан олиншини автоматик равишда таъминламаслигини кўрсатади: айрим фуқаролар учун ННТларнинг роли ҳанузгача етарлича тушунарли эмас. Қирғизистонда ННТлар ислохотларни амалга ошириш мониторингида, ижтимоий аҳамиятга эга хизматлар кўрсатишда ва ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади. Шу тариқа, ННТлар нафақат давлатнинг ҳамкори, балки тадбиркорлик, инвестициялар ва маҳаллий ривожланиш учун янада шаффоф, башорат қилиниши мумкин бўлган ва жозибадор муҳитни шакллантирувчи муҳим омил сифатида ҳам намоён бўлади.

¹ Ҳисобот учун маълумотлар 2025- йилда тўпланган. Шу сабабли, агар бошқача кўрсатилмаган бўлса, ҳисоботда 2024- йил маълумотларидан фойдаланилган.



Учинчидан, тадқиқот ННТларнинг ижтимоий, мавзувий ва сифат жиҳатидан қўшган ҳиссасини кўрсатади. Фуқаролик сектори ташкилотлари соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий интеграция, одил судловдан фойдаланиш, экология, маҳаллий ривожланиш, камбағалликка қарши кураш ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳаларида фаолият юритади. Шу билан бирга, уларнинг ҳиссаси нафақат кўлами, балки сифати билан ҳам аҳамиятлидир. Ҳисобот ННТлар ҳиссасининг бешта асосий сифат хусусиятини ажратиб кўрсатади: ўзига хослик, инновационлик, самарадорлик, барқарорлик ҳамда ривожланишни етиб бориши қийин бўлган, ижтимоий жиҳатдан четда қолган ва эҳтиёжманд ҳудудлар ҳамда гуруҳларга етказиб бериш қобилияти. Айнан шу хусусиятлар ННТларга оила, давлат ёки бозор томонидан тўлиқ қамраб олинмайдиган вазифаларни ҳал қилиш, чекка ҳудудлар, эҳтиёжманд ва сони кам аҳоли гуруҳлари билан ишлаш, шунингдек, ёрдам ва ечимларни одатий маъмурий механизмлар орқали қамраб олиш қийин бўлган инсонларга етказиш имконини беради.

Секторнинг асосий хусусиятларидан бири ҳам шундаки, ННТлар нафақат хизматлар яратади, балки муаммоларни ҳал қилишнинг амалий моделларини ҳам шакллантиради. Кейинчалик ушбу моделлар ислохотларга, хизматлар тизимига, маҳаллий ривожланишга ва бошқарув амалиётига таъсир кўрсатиши мумкин. Тадқиқотнинг долзарблиги бир нечта омиллар билан белгиланади. Биринчидан, Марказий Осиёда ННТларнинг ҳиссасини фақат лойиҳалар ва грантлар орқали эмас, балки иқтисодий, бошқарув, хизматлар сифати ва маҳаллий ривожланиш нуқтаи назаридан баҳоловчи тизимли тадқиқотлар ҳанузгача жуда кам. Иккинчидан, минтақада ННТларга нисбатан жамоатчилик муносабати бир хил эмас: уларнинг амалий фойдаси тан олиниши билан бир қаторда ташқи таъсир, грантларга қарамлик ва секторнинг иккинчи даражали роли ҳақидаги стереотиплар ҳам сақланиб қолмоқда. Бу эса ННТлар ҳиссасини баҳолашга бўлган жамоатчилик эҳтиёжини шакллантиради. Учинчидан, айнан ҳозирги кунда инвестиция муҳити, ҳудудлар барқарорлиги, бошқарув сифати ва секторлараро ҳамкорликка бўлган эътибор ортиб бораётган бир шароитда ННТлар нафақат ижтимоий соҳада, балки фуқаролар, ҳамжамиятлар ва тадбиркорлар учун мавжуд тўсиқларни камайтиришда ҳам муҳим ҳисса қўшаётганини кўрсатиш айниқса муҳимдир. Бу эса ННТлар ҳиссасини баҳолашга бўлган давлат эҳтиёжини шакллантиради. Шундай қилиб, ҳисобот жамоатчилик ва давлат томонидан шаклланган амалий эҳтиёжга жавоб беради: ННТлар ҳиссасини кўринадиган, ўлчанадиган ва жамоатчилик томонидан эътироф этиладиган қилиш.

Шу билан бирга, ҳисобот далиллар базасининг мавжуд чекловларини ҳам ҳолисона қайд этади. Мамлакатлар кесимида ташкилотларнинг таърифлари ва қамрови, статистик маълумотларнинг тўлиқлиги, макроиқтисодий маълумотлардан фойдаланиш имкониятлари ҳамда сифат жиҳатидан материалларнинг чуқурлиги бўйича сезиларли фарқлар мавжуд. Ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш, айрим молиявий оқимлар, лойиҳалар, хизматлар ва бенефициарлар сони ҳақидаги маълумотлар нисбатан яхши ҳисобга олинади. Бироқ инсонларнинг аҳволидаги узоқ муддатли ўзгаришлар, турмуш сифати, бандлик даражаси, натижаларнинг барқарорлиги ва давлат бошқаруви амалиётига таъсирини баҳолаш анча мураккаб ҳисобланади. Шу сабабли, ҳисобот мамлакатларни сунъий равишда симметрик миқдорий таққослашни мақсад қилмайди. Бунинг ўрнига статистик маълумотлар, кейслар, эксперт баҳолари ва ҳисса қўшиш моделлари типологиясини бирлаштирувчи минтақавий синтез усули қўлланилган. Ҳисоботнинг ўзига хослиги ҳам айнан шунда: у Марказий Осиё учун ННТлар ҳиссасини бир вақтнинг ўзида бир нечта ўлчамда — институционал, иқтисодий, бошқарув, ижтимоий ва мавзувий жиҳатларда тавсифлашга қаратилган илк уринишлардан бири ҳисобланади.

Асосий минтақавий хулоса шундан иборатки, Марказий Осиё мамлакатларидаги ННТлар барқарор ривожланишнинг муҳим ресурси ҳисобланади, аммо уларнинг ҳиссаси миллий маълумотлар тизимларида турлича даражада акс эттирилади ва кўп ҳолларда етарли даражада кўринмайди. Ушбу ҳиссани янада кенгроқ эътироф этиш учун бандлик, молиявий оқимлар, солиқ тўловлари, кўнгиллилар меҳнати, қўшилган қиймат ва устав фаолияти натижаларини мунтазам ҳисобга олиш тизимларини ривожлантириш, шунингдек, оммавий ҳисобдорликни, ўзаро таққосладиган кўрсаткичларни ва секторлараро ҳамкорлик механизмларини кучайтириш зарур. Давлат органлари учун бу давлат режалаштиришининг самарадорлигини ошириш мақсадида ННТлар салоҳиятини ҳисобга олиш механизмларини янада ривожлантириш зарурлигини англатади. ННТларнинг ўзи учун бу фаолият натижаларини ҳужжатлаштириш ва жамоатчиликка тақдим этишни кучайтиришни англатади. Донорлар ва тадқиқот ташкилотлари учун эса бу баҳолаш методикаларини ҳамда ННТлар ҳиссасини ҳисобга олиш бўйича умумий минтақавий стандартларни қўллаб-қувватлаш зарурлигини англатади.



Кириш

Сўнгги ўн йилликлар давомида нотижорат ташкилотлар Марказий Осиё мамлакатларининг жамоатчилиқ, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётининг муҳим қисмига айланди. Улар ижтимоий қўллаб-қувватлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, экология, маҳаллий ривожланиш, тадбиркорлик, ёшлар сиёсати ҳамда фуқароларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларида иштирок этиши каби турли соҳаларда фаолият юритади. Шу билан бирга, минтақада ННТларга нисбатан муносабат бир хил эмас. Айримлар уларни амалий ёрдам ва ҳимоя манбаи сифатида қабул қилса, бошқалар жамоатчилиқ учун муҳим вазифаларни ҳал этишда эксперт ресурс ва ҳамкор сифатида кўради. Бироқ жамоатчилиқ муҳокамаларининг бир қисмида ННТлар фаолияти ҳануз ташқи таъсир, грантларга қарамлик ёки салбий стереотиплар билан боғланади. ННТлар фаолияти давомида тўпланган тажриба уларнинг мавжудлигини умумий тан олишдан улар қандай ижтимоий қиймат яратаётганини, қандай вазифаларни ҳал қилишга ёрдам бераётганини ва уларнинг ҳиссасини қарорлар қабул қилиш жараёнларида, статистикада ҳамда ривожланиш ҳақидаги жамоатчилиқ тасаввурда қандай қилиб яхшироқ ҳисобга олиш мумкинлигини чуқурроқ баҳолашга ўтиш имконини беради. ННТларнинг Марказий Осиё мамлакатлари ривожланишига қўшган ҳиссасини баҳолаш нафақат мазкур сектор фаолиятини тавсифлаш, балки унинг ривожланиш тизимидаги ўрнини аниқроқ тушуниш учун ҳам зарурдир. ННТлар ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик ва бошқарув вазифаларини ҳал этишда иштирок этади, бироқ ушбу фаолият натижалари кўпинча кенг жамоатчилиқ, бизнес ва давлат институтларининг бир қисми учун етарли даражада кўринмай қолади.

Натижада ННТларнинг ҳиссаси кўпинча алоҳида лойиҳалар, грант маблағлари, оммавий тадбирлар ёки муайян гуруҳлар билан ишлаш орқали тўлиқ бўлмаган парчаланган ҳолда қабул қилинади. Бу эса инсонлар, ҳамжамиятлар ва бошқарув тизимлари учун қандай ўзгаришлар яратилаётганини яхлит тарзда англашга имкон бермайди. Минтақанинг кўплаб мамлакатларида ННТлар расмий ҳуқуқий легитимликка эга: улар рўйхатдан ўтган, миллий қонунчилик доирасида фаолият юритади, ҳисобот тақдим этади, лойиҳаларни амалга оширади ва давлат органлари билан ҳамкорлик қилади. Бироқ секторнинг барқарор жамоатчилиқ томонидан эътироф этилиши учун бундан кенгроқ асос талаб қилинади. Постсовет маконида ННТлар ҳар доим ҳам жамият тузилишининг одатий ва анъанавий элементи сифатида қабул қилинмайди. Бу мустақил фуқаролик ташкилотлари ҳақидаги тарихий хотиранинг чекланганлиги ва жамоавий ҳаракатларнинг кўп йиллар давомида давлат ёки давлатга яқин тузилмалар билан боғлаб келингани билан изоҳланади. Шу сабабли ННТларнинг анъанавий легитимлиги секин шаклланади ва кўп жиҳатдан жамият уларнинг кундалиқ ҳаётдаги амалий фойдасини қай даражада кўра олишига боғлиқ бўлади.

ННТларнинг харизматик легитимлиги эса уларнинг жамият ва давлат учун муҳим вазифаларни ҳал этишга қўшган аҳамиятли ҳиссасининг тан олиниши билан боғлиқ. У сектор фаолияти инсонларга амалий ёрдам бериш, хизматларни ривожлантириш, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал қилишда иштирок этиш сифатида қабул қилинганида шаклланади.

Шу нуқтаи назардан ННТлар ҳиссасини баҳолаш жамоатчилиқ ишончини ва институционал эътирофни мустаҳкамлаш воситасига айланади. Бу ННТлар фақат грант олувчилар эмаслигини кўрсатиш имконини беради. Улар хизматлар кўрсатади, иш ўринлари яратади, солиқлар тўлайди, ресурсларни жалб қилади, эҳтиёжманд гуруҳларни қўллаб-қувватлайди, қарорларни ишлаб чиқишда иштирок этади, аҳолидан давлатга қайтар алоқа етказди, маҳаллий ташаббусларни ривожлантиради, инвестициялар учун янада шаффоф ва жозибадор муҳит шаклланишига кўмаклашади ҳамда ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг янги ёндашувларини таклиф қилади. ННТларнинг ушбу ҳиссаси қанчалик тушунарли бўлса, ННТлар, давлат, бизнес, донорлар ва жамият ўртасида конструктив ҳамкорлик учун шунчалик мустаҳкам асос яратилади ва бу Марказий Осиё мамлакатлари фуқаролари учун янада кўпроқ фойда келтиради.

Шу билан бирга, Марказий Осиё мамлакатларида ННТларнинг жамоатчилиқ аҳамияти фақат ёрдам кўрсатиш, ўқитиш ёки лойиҳаларни амалга ошириш қобиляти билан чекланмайди. Уларнинг



ҳиссасининг муҳим қисми шундан иборатки, ННТлар расмий қарорлар билан инсонларнинг ҳақиқий ҳаётий шароити ўртасидаги тафовутни камайтиради.

Бенефициарлар, маҳаллий ҳамжамиятлар ва ҳудудлар билан доимий мулоқотда бўлгани сабабли ННТлар дастурларни амалга ошириш жараёнидаги муаммоларни бошқаларга нисбатан эртaroқ пайқай олади, ижтимоий жиҳатдан четда қолган гуруҳларни аниқлайди, иқтисодий иштирокчилар дуч келаётган маъмурий тўсиқларни белгилайди ҳамда дастурларни амалга оширишнинг маҳаллий шароитлари ҳақида давлат органларини хабардор қилади. Ушбу вазифани бажариш орқали ННТлар ривожланиш учун янада қулай шароитларни шакллантиришга кўмаклашади. Улар шаффоф, башорат қилиниши мумкин бўлган ва маҳаллий ташаббуслар, хусусий сектор ҳамда инвестициялар ривожланиши учун мос муҳитни шакллантириш бўйича тавсиялар беради, эксперт кузатуви ва таҳлилининг жамоатчилик механизмини яратади, шаффофликни оширишга ҳамда давлат қарорларининг самарали амалга оширилишига кўмаклашади.

Марказий Осиё мамлакатлари учун ушбу вазифа алоҳида аҳамиятга эга. Минтақадаги ННТ сектори бир хил эмас: ташкилий-ҳуқуқий шакллар, атамалар, давлат билан ҳамкорлик моделлари, молиялаштириш манбалари, маълумотлар очиқлиги даражаси ва миқдорий баҳолаш имкониятлари ўртасида фарқлар мавжуд. Айрим мамлакатларда ННТларнинг ҳиссаси бандлик, молиявий оқимлар ва статистик маълумотлар орқали яхшироқ кўринади. Бошқа мамлакатларда эса уларнинг ҳиссаси давлат дастурларида иштирок этиш, эксперт майдончаларида фаолият юритиш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш, жамоатчилик мониторинги ёки етиб бориши қийин бўлган гуруҳлар билан ишлаш орқали намоён бўлади.

Шу сабабли мазкур минтақавий ҳисобот мамлакат ҳисоботларининг механик йиғиндиси ҳисобланмайди. Унинг вазифаси умумий қонуниятлар ва фарқларни аниқлаш, ННТлар ҳиссасининг асосий турларини кўрсатиш ҳамда ушбу ҳиссанинг қайси элементларини бугуннинг ўзида ўлчаш мумкинлиги, қайсилари учун эса янада мустаҳкам далиллар базаси талаб этилишини белгилашдан иборат.

Мазкур ҳисоботнинг мақсади Марказий Осиё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ННТларнинг қўшган ҳиссасини баҳолашдан иборат. Бу уларнинг иқтисодий иштирокчилари, жамоатчилик учун аҳамиятли хизматлар кўрсатувчилари, давлатнинг ҳамкорлари, маҳаллий ривожланиш субъектлари, амалий эксперт билимлари манбалари, аҳоли ва ҳудудлардан қайтар алоқа етказувчилари, шунингдек, инвестиция муҳити ва хусусий сектор ривожланиши шароитларини яхшилашга кўмаклашувчи иштирокчилар сифатидаги ролини қамраб олади. Қўшимча мақсад Марказий Осиёнинг беш мамлакатидagi ННТлар ўртасида тажриба алмашиш учун қўшимча имкониятлар яратиш, жумладан, ННТлар ҳиссасини баҳолаш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, ушбу баҳолашни бирлаштириш ва самарадорлигини ошириш учун кўрсаткичлар платформасини (тизимини) ишлаб чиқишдан иборат.

Таҳлилда расмий статистикада тўлиқ акс этмайдиган ННТлар ҳиссасига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, бенефициарлар ҳаётидаги ўзгаришлар, хизматларга кириш имконияти, жамоатчилик иштироки, заифлик даражаси, иқтисодий имкониятлар ва маҳаллий қарорлар сифати каби омиллар баҳоланади.

Ҳисобот мамлакатлар бўйича маълумотлар, миқдорий баҳолаш, мавжуд очиқ манбалар тадқиқоти, кейслар, фокус-гуруҳ муҳокамалар, интервьюлар ва расмий манбаларга таянади. Маълумотлар тўлиқлиги ва таққосланишидаги фарқлар инобатга олиниб, таҳлил механик қиёслашга эмас, балки ННТлар таъсирининг миллий контекстларда намоён бўлишини очиб беришга қаратилган.

Тадқиқотнинг асосий ёндашуви ННТлар фаолиятини лойиҳалар сони орқали эмас, балки улар натижасида юзага келадиган ижтимоий, институционал ва иқтисодий ўзгаришлар орқали баҳолашдан иборат. Бу ННТларни давлат сиёсати самарадорлигини оширувчи, маҳаллий ривожланиш тўсиқларини камайтирувчи ва жамият учун амалий қиймат яратувчи муҳим субъект сифатида кўриш имконини беради.



1. Адабиётлар шарҳи

1.1. ННТлар ҳиссасининг легитимлиги назарияси ва ун-тан олиш муаммоси

Нотижорат ташкилотлар ҳақидаги адабиётлар ННТларнинг ривожланишга қўшган ҳиссаси ҳақидаги адабиётларга нисбатан анча кенг қамровлидир. Аксарият тадқиқотлар ҳуқуқий муҳит, фуқаролик макони, ННТлар ва давлат ўртасидаги муносабатлар, жамоатчилик иштироки, ишонч ҳамда секторнинг ҳолатига бағишланган. Бундан фарқли равишда, ННТлар туфайли иқтисодиётда, ижтимоий соҳада, бошқарувда ва инсонларнинг турмуш сифатида аниқ нима ўзгараётганига тизимли жавоб берадиган нашрлар анча кам учрайди. Бу бўшлиқ нафақат Марказий Осиё учун, балки халқаро адабиётлар учун ҳам хосдир: ҳатто фуқаролик жамияти бўйича катта ҳажмдаги маълумотлар тўпланган мамлакатларда ҳам унинг ривожланишга қўшган ҳиссаси кўпинча билвосита, парчаланган тарзда ёки алоҳида кейслар орқали қайд этилади, яхлит таҳлилий шарҳ сифатида эмас [3], [5], [9], [15].

Ушбу бўшлиқни бартараф этиш учун энг самарали назарий ёндашув сифатида легитимлик назарияси намоён бўлади. Вебернинг классик ёндашувига кўра, легитимлик субъектнинг фаолият юритиш ҳуқуқи жамият томонидан тан олиниши билан боғлиқ бўлиб, у уч асосга таянади: анъанавий, харизматик ва рационал-ҳуқуқий легитимлик [1]. Ташкилотлар назариясида эса легитимлик кенгроқ маънода талқин қилинади: у ташкилотнинг ижтимоий қабул қилинган меъёрлар ва кутилмаларга мос, мақбул ва муносиб деб қабул қилиниши сифатида тушунилади [2]. ННТларни таҳлил қилиш нуқтаи назаридан бу шуни англатадики, уларнинг ҳиссаси ҳақидаги масала фақат дастурларнинг самарадорлиги ҳақидаги масала эмас. Бу, шунингдек, давлат, жамият, бизнес ва донорлар нима учун ННТларни ривожланишнинг мақбул ва қимматли иштирокчиси деб ҳисоблаши ҳақидаги масаладир. Шу сабабли ННТлар ҳиссаси ҳақидаги мунозара уларнинг тан олиниши, ишонч қозониши ва жамоатчилик учун фойдалилиги ҳақидаги мунозара билан узвий боғлиқдир [1], [2].

Легитимлик назарияси ННТларга нисбатан айниқса муҳим аҳамиятга эга, чунки расмий равишда мавжуд бўлиш ҳуқуқи жамият томонидан барқарор тан олинишни автоматик равишда таъминламайди. ННТларнинг ҳисобдорлигига бағишланган адабиётларда кўп марта таъкидланганидек, ННТлар бир вақтнинг ўзида давлат, донорлар, бенефициарлар ва жамиятнинг кутилмаларини қондиришга мажбур. Шу билан бирга, ҳисобдорлик ҳақидаги тасаввурлар ҳам ННТларнинг ўзида, ҳам манфаатдор томонларда парчаланган ва кўп ҳолларда ўзаро мувофиқлаштирилмаган ҳолда қолмоқда [10]. Патрик Килби ишларида ҳам ННТларнинг легитимлиги фақат юридик рўйхатдан ўтиш ёки манфаатларни ифодалаш билан чекланмаслиги кўрсатилган. У ташкилот қадриятлари ва ташкилот ўз фаолиятини кимнинг манфаатлари йўлида амалга ошираётган бўлса, ўша инсонлар олдида ҳисобдорлик механизмларига ҳам таянади [11], [12]. Шундан келиб чиқиб, ННТларнинг ҳиссасини фақат натижалар мажмуаси сифатида эмас, балки кенг маънодаги легитимликни шакллантиришнинг энг муҳим механизмларидан бири сифатида ҳам кўриб чиқиш лозим.

1.2. ННТлар ҳиссасини ўлчаш: статистик кўриниш ва методологик чекловлар

Халқаро адабиётларда нотижорат секторнинг статистик кўриниши масаласи муҳим ўрин тутати. БМТнинг миллий ҳисоблар тизимида нотижорат ташкилотлар бўйича қўлланмаси ННТлар алоҳида ва аҳамиятли сектор эканлигини ҳамда улар алоҳида статистик ҳисобга олиниши лозимлигини қайд этган [3]. Нотижорат ва уларга яқин институтлар ҳамда кўнгилли меҳнат бўйича янгиланган ёрдамчи ҳисоб ушбу ёндашувни давом эттириб, фуқаролик жамиятини расмий иқтисодий статистикада янада кўринарли қилишга интилади [4]. Лестер Саламон ва унинг ҳамкасблари томонидан ўтказилган

² Список источников приводится в Приложении 1 к настоящему отчету.



таққослама тадқиқотлар, шунингдек, Ж. Кейсининг таҳлили шуни кўрсатадики, асосий муаммо секторнинг мавжуд эмаслигида эмас, балки унинг кўлами, тузилиши ва ҳиссасини ўлчаш бўйича ўзаро таққосланадиган маълумотларнинг ягона халқаро базаси ҳамда келишилган методологиянинг мавжуд эмаслигидир [6], [7]. Шу тариқа, ННТлар ҳиссасини ўлчаш уларнинг институционал жиҳатдан кўриниши ва тан олинишининг муҳим шартига айланади.

Адабиётларнинг алоҳида бир қисми ННТлар таъсирини ўлчаш масаласига бағишланган бўлиб, бу вазифанинг нақадар мураккаб эканлигини кўрсатади. Таъсирни баҳолашга оид адабиётларда кўп марта таъкидланганидек, ННТларни уларнинг саъй-ҳаракатлари ва бевосита миқдорий натижалари (inputs ва outputs), масалан, лойиҳалар сони, ўқитилган инсонлар, ёрдам олувчилар сони ёки молиялаштириш ҳажмлари орқали баҳолаш анча осон ҳисобланади. Бироқ бенефициарлар аҳволидаги ўзгаришлар ва узоқ муддатли таъсир (outcomes ва impact), яъни инсонлар, ҳамжамиятлар ва институтлар ҳаётидаги барқарор ўзгаришлар орқали баҳолаш анча мураккабдир [8]. Таъсирни баҳолаш узоқ муддатли ўзгаришларни муайян ННТлар фаолияти билан боғлиқлигини исботлаш муаммоси, шунингдек, турли ташкилотлар ва платформалар маълумотларининг ўзаро таққосланмаслиги билан қийинлашади [8], [10]. Фуқаролик жамияти ва ривожланишни мамлакатлараро таққослашга асосланган адабиётлар ҳам тадқиқотчилар кўпинча ўлчовнинг қатъийлиги ва реал сиёсат учун долзарблик ўртасида танлов қилишга мажбур бўлишини кўрсатади: мавжуд маълумотлар, одатда, секторнинг кенг кўламли ва узоқ муддатли ҳиссаси ҳақида ишончли хулоса чиқариш учун етарли эмас [9]. Айнан шу сабабли ННТлар ҳиссасини тўғридан-тўғри миқдорий баҳолашга қаратилган уринишлар кам учрайди, муҳокамалар эса кўп ҳолларда ташкилотларнинг жамоатчиликка таъсирига эмас, балки уларнинг ички самарадорлигига кўпроқ йўналтирилади [8]–[10].

1.3. ННТлар институционал акторлар сифатида: фуқаролик макони, бошқарувнинг ҳисобдорлиги ва ривожланиш шарт-шароитлари

ННТларни фақат хизмат кўрсатувчи тузилмалар эмас, балки институционал муҳитга таъсир кўрсатувчи акторлар сифатида ҳам баҳолаш лозим. К. Херролд ва Х. Абу-Асси тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ижтимоий хизматларга йўналтирилган ННТлар ҳам фуқаролар иштирокини кенгайтириш, маҳаллий амалиётларни ўзгартириш ва жамоатчилик билан ҳамкорлик қилиш орқали кенгроқ институционал таъсир яратиши мумкин [13].

Шу нуқтаи назардан, ННТлар ҳиссаси хизмат кўрсатиш шаклида намоён бўлса-да, унинг натижалари кўпинча институционал хусусият касб этади: билим ва стандартларни тарқатиш, ёрдам кўрсатиш амалиётларини ўзгартириш, шунингдек, илгари «кўринмас» бўлган муаммоларни жамоатчилик ва бошқарув кун тартибига олиб чиқиш [13], [15].

ННТларнинг иқтисодий муҳитга таъсири ҳам кўп ҳолларда билвосита, аммо муҳимдир. Жаҳон банки инвестиция муҳитини бизнес ва инвестициялар ҳаётий жараёнга таъсир этувчи ҳуқуқий, маъмурий ва институционал тўсиқлар мажмуаси сифатида тавсифлайди [24]. Шу маънода, хизматлардан фойдаланиш, инфратузилма, кўникмалар ва ахборотдаги бўшлиқларни аниқлайдиган ННТлар хусусий сектор учун барқарор ва башорат қилинадиган муҳит шаклланишига ҳам ҳисса қўшади.

OECD ишонч, шаффофлик ва ҳисобдорликни узоқ муддатли капитал, иқтисодий ўсиш ва молиявий барқарорликнинг муҳим шартлари билан боғлайди [26]. ННТлар тадбиркорлик, стартаплар, салоҳиятни ошириш ва давлат бюджетига тушадиган юкни камайтиришда иштирок этиши, шунингдек, бизнес ва жамоатчилик кун тартиби ўртасида воситачи бўлиши мумкин [15], [17].

Фуқаролик маконига оид адабиётлар ҳам ННТлар ролини кенгроқ талқин қилади. UNDP ва ICNL материалларида фуқаролар иштироки учун қулай муҳит ижтимоий бирдамлик ва барқарор



ривожланишнинг муҳим омили сифатида кўрсатилади [5]. Демак, ННТлар ҳиссаси фақат хизматлар билан чекланмай, иштирок каналлари, жамоатчилик қайтар алоқаси, ўзини ўзи ташкил этиш, ҳамжиҳатлик ва ишончни шакллантиришни ҳам қамраб олади [5], [6].

Шунингдек, ННТлар эксперт-ижтимоий мониторинг тизимининг қўшимча элементи сифатида қаралиши мумкин. Улар ислохотлар муҳокамасида иштирок этиш, қайтар алоқани етказиш ва қарорларнинг манзиллилигини ошириш орқали бошқарув сифатини кучайтиради. OECD очиқ ҳукумат ва фуқаролар иштирокини шаффофлик, ҳисобдорлик ва қарорлар сифати билан, Жаҳон банки эса ислохотлар ижроси, ҳисобдорлик ва маҳаллий натижалар барқарорлиги билан боғлайди [25], [27].

Буюк Британия тажрибаси ННТлар легитимлигини институционал мустаҳкамлашнинг муҳим намунасидир. Англия ва Уэльс Хайрия ишлари бўйича комиссияси жамоатчилик ишончини ошириш, жамоатчилик манфаати (public benefit) талабини тушунтириш, васийлар масъулиятини таъминлаш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва ҳисобдорликни кучайтириш вазифаларини бажаради [20]. Комиссиянинг 2024–2029-йилларга мўлжалланган стратегияси адолатли, мувозанатли ва мустақил тартибга солишни сектор барқарорлиги ва жамоатчилик ишончининг асоси сифатида белгилайди [21].

Ушбу моделнинг амалий аҳамияти очиқ реестр, очиқ маълумотлар тўпламлари ва стандартлаштирилган йиллик ҳисоботлар орқали намоён бўлади [28], [30]. Ташкилотлар ҳар йили ўз мақсадларини жамоатчилик манфаати учун қандай амалга оширганини тушунтириши талаб этилади, бу эса ҳуқуқий мақомни очиқ натижалар билан боғлайди [31]. Шу билан бирга, хайрия ташкилотлари қонун доирасида ва ўз мақсадларига мувофиқ равишда жамоатчилик муҳокамаларида иштирок этиш ҳуқуқига эга [22].

2025-йилги Public Trust in Charities тадқиқоти Англия ва Уэльсда хайрия ташкилотларига ишонч барқарор юқори эканини, регулятор ва унинг роли ҳақидаги хабардорлик эса секторга ишончни мустаҳкамлашни кўрсатади [29].

Шу тариқа, Британия тажрибаси ННТлар легитимлиги фақат уларнинг натижалари билан эмас, балки мустақил тартибга солиш, очиқ маълумотлар, стандартлаштирилган ҳисоботдорлик, жамоатчилик иштироки қоидалари ва ишончни мунтазам ўлчаш орқали ҳам мустаҳкамланишини кўрсатади. Марказий Осиё учун бу ёндашув айниқса муҳим: у ННТлар ҳиссасини тўлиқ таъсир баҳоси сифатида ўлчамаса-да, сектор фаолияти кўринмас бўлиб қолмаслиги учун зарур бўлган ўлчанувчанлик, таққосланувчанлик ва ишонч инфратузилмасини яратади.

1.4. Марказий Осиёда ННТлар: ўлчаш тақчиллиги ва легитимликни мустаҳкамлаш вазифалари

Марказий Осиё шароитида ННТлар ҳиссасини баҳолаш нафақат академик, балки секторнинг жамоатчилик томонидан эътироф этилиши билан боғлиқ амалий масала ҳамдир. Масалан, Қирғизистонда ННТлар асосан қонун ва расмий тартибларга асосланган легитимликка эга бўлиб, уларнинг анъанавий ва харизматик легитимлиги нисбатан заиф ифодаланган. [15]. ННТлар фаолияти натижалари ҳақида тизимли ва тушунарли ахборотнинг етишмаслиги ишончсизлик, салбий стереотиплар ва секторнинг «вайронкор» роли ҳақидаги қарашларни кучайтириши мумкин [15].

Шу нуқтаи назардан, Вебернинг легитимлик назарияси мазкур тадқиқот учун муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилади. У ННТларнинг исботланган ва жамоатчиликка кўринадиган ҳиссаси уларнинг харизматик легитимлигини кучайтириши, кейинчалик эса янада барқарор ижтимоий тан олиниш асосини шакллантириши мумкинлигини тушунтириш имконини беради [15].



Марказий Осиёда фуқаролик жамияти ва ННТларнинг ривожланишга қўшган ҳиссасига оид тадқиқотлар чекланган. Мавжуд адабиётларда асосий эътибор кўпроқ сектор ҳолати, ННТларга муносабат ва қарорлар қабул қилишда иштирок имкониятларига қаратилган [16]. Халқаро адабиётларда ҳам фуқаролик жамияти ташкилотларининг камбағалликни қисқартириш ва узоқ муддатли ривожланишга таъсири етарлича ёритилмаган; кўп ҳолларда баҳолашлар ЯИМ ёки бошқа чекланган миқдорий кўрсаткичлар билан чегараланади [16].

Шу сабабли минтақа учун асосий муаммо шундаки, ННТлар мавжуд ва ривожланиш жараёнларига таъсир кўрсатади, аммо уларнинг ҳиссасини ифодалаш учун институционал ва статистик тил ҳали етарлича шаклланмаган. Айрим ҳолларда расмий ОАВ ҳам ННТларнинг нотижорат табиатини инобатга олмасдан, уларни реклама тушумлари манбаи сифатида кўради.

Постсовет маконидаги эмпирик тадқиқотлар ҳам ННТлар ҳиссасига кенгроқ ёндашиш зарурлигини тасдиқлайди. ЦИРКОН маълумотларига кўра, секторни баҳолаш ННТлар тарихи ва профессионаллашувидан тортиб, уларнинг жамоатчилик фикри, хайрия маданияти, ўзгаришлар жараёни ва ҳатто ЯИМга таъсиригача бўлган кўп қиррали ёндашувни талаб қилади [17]. Сектор профессионаллашуви, экспертиза, инфратузилма ва янги касбий ролларнинг шаклланиши ННТларнинг институционал аҳамиятини оширган [17].

Шу билан бирга, адабиётлар ННТлар ҳиссасини тўлиқ бир ўлчовли кўрсаткичлар орқали баҳолаб бўлмаслигини кўрсатади. У статистик маълумотлар, эксперт баҳолари ва кейсларга асосланган далиллар уйғунлиги орқали таҳлил қилиниши лозим [7], [8], [17].

Фуқаролик фаоллигига оид тадқиқотлар ҳам муҳим контекст яратади: CIVICUS, HSE ва CAF тадқиқотлари фуқаролик жамиятини фақат ташкилотлар сони билан эмас, балки одамларнинг ёрдам кўрсатиш, кўнгиллилик, хайрия ва жамоатчилик иштирокидаги фаоллиги орқали ҳам баҳолаш зарурлигини кўрсатади [6], [14], [18], [19]. Бироқ бу тадқиқотлар асосан фуқаролик муҳити ва фаоллик кўламини тавсифлайди; улар ННТларнинг турмуш сифати, ижтимоий муаммолар ва институционал ўзгаришларга таъсирини тўлиқ очиб бера олмайди [6], [14], [18], [19].

Адабиётлар шарҳи бир неча асосий хулосани шакллантиради. Биринчидан, ННТлар ҳиссаси масаласи сектор ҳолати ва фуқаролик маконига нисбатан камроқ ўрганилган. Иккинчидан, легитимлик назарияси ҳисса, ишонч, эътироф ва жамоатчилик учун аҳамиятлиликини боғловчи самарали назарий ёндашувдир. Учинчидан, статистик ҳисобга олиш стандартлари секторни кўринарли қилади, аммо унинг ижтимоий ва институционал таъсирини тўлиқ қамраб олмайди. Тўртинчидан, ННТлар ҳиссасини фақат ижтимоий натижалар орқали эмас, балки бошқарув ҳисобдорлиги, институционал тўсиқларни камайтириш, хусусий сектор ва инвестициялар учун шаффоф ҳамда башорат қилинадиган муҳит яратишдаги роли орқали ҳам баҳолаш зарур.

Шу боис Марказий Осиё мамлакатлари учун асосий вазифа ННТлар секторини фақат тавсифлаш эмас, балки унинг ҳиссасини ўлчанадиган, тушунарли ва жамоатчилик учун аҳамиятли қиладиган баҳолаш тизимини ишлаб чиқишдан иборат [1]–[5], [10], [15]–[17].



2. Методологик ёндашув ва таҳлил чекловлари

2.1. Тадқиқотнинг умумий мантиғи

Тадқиқот ННТларни ривожланишнинг мустақил иштирокчилари сифатида тушунишга асослани, уларнинг ҳиссаси бир вақтнинг ўзида бир нечта ўлчамларда намоён бўлади. Бир томондан, ННТлар иқтисодиётнинг бир қисми ҳисобланади: иш ўринлари яратади, меҳнатга ҳақ тўлайди, ресурсларни жалб қилади, солиқлар тўлайди, товарлар ва хизматлар харид қилади. Иккинчи томондан, уларнинг аҳамияти устав фаолияти билан боғлиқ: хизматлар кўрсатиш, эҳтиёжманд гуруҳлар билан ишлаш, давлат ислохотларини ишлаб чиқиш ва мониторинг қилишда иштирок этиш, маҳаллий ташаббусларни ривожлантириш, ижтимоий интеграция, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва бенефициарларнинг иқтисодий имкониятларини қўллаб-қувватлаш.

Шу муносабат билан тадқиқот ННТлар ҳиссасини бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта блоклар орқали кўриб чиқди: секторнинг иқтисодиётга қўшган институционал ҳиссаси; мамлакат ривожланиши экотизимида ННТларнинг роли; ижтимоий ҳисса; устав фаолиятининг иқтисодий ҳиссаси; ННТлар иштирокининг мавзувий харитаси; яратилаётган ечимларнинг сифат хусусиятлари. Бундай ёндашув баҳолашни фақат молиявий ёки лойиҳавий кўрсаткичларга келтириб қўйишдан қочиш ва ННТларни ривожланишда иштирок этишнинг турли шакллари орқали ижтимоий қиймат яратувчи сектор сифатида кўрсатиш имконини берди.

ННТларнинг ривожланиш шарт-шароитларини яхшилашга қўшган ҳиссаси алоҳида аҳамиятга эга. У ислохотлар ва қарорларни амалга ошириш жараёнидаги муаммоларни аниқлаш, хизматлар ва дастурларни такомиллаштиришда иштирок этиш, маҳаллий инфратузилмани ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳоли ва хусусий секторнинг иқтисодий фаоллигига таъсир кўрсатувчи тўсиқлар ҳақида давлат ва ҳамкорларга ахборот етказиш орқали намоён бўлади. Бундай ҳисса ҳар доим ҳам тўғридан-тўғри макроиқтисодий кўрсаткичларда акс этмайди, бироқ бошқарув сифати, ҳудудларнинг инвестициявий жозибадорлиги ва маҳаллий ривожланиш барқарорлиги учун юқори аҳамиятга эга.

Таҳлил объекти сифатида нотижорат мақомига эга бўлган барча расман рўйхатдан ўтган ташкилотлар эмас, балки, аввало, ижтимоий фойдали маҳсулот яратадиган ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишда иштирок этадиган ННТлар танлаб олинди. Мамлакат ҳисоботларида босқичма-босқич танлаб олиш мантиғи қўлланилди: рўйхатдан ўтган ташкилотларнинг умумий сонини қайд этиш, фаолият юритаётган ва фаол ишлаётган ташкилотларни ажратиб кўрсатиш, шунингдек, тадқиқот доирасига кирмайдиган тузилмаларни чиқариб ташлаш (масалан: сиёсий ва диний ташкилотлар, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва касаба уюшмалари ҳамда бошқалар).

2.2. Ахборот тўплаш усуллари ва манбалари

Тадқиқот миқдорий ва сифат таҳлилларини бирлаштирувчи аралаш усулга асосланган. Миқдорий қисм ННТларни иқтисодиёт иштирокчилари сифатидаги институционал ҳиссасини баҳолаш учун қўлланилди: бандлик, меҳнатга ҳақ тўлаш, солиқ ва ижтимоий ажратмалар, молиявий тушумлар, товарлар ва хизматлар хариди, ялпи қўшилган қийматга қўшилган ҳисса ва маълумотлар мавжуд бўлган бошқа кўрсаткичлар. Сифат қисми эса ННТларнинг ривожланишдаги роли, уларнинг давлат билан ўзаро ҳамкорлиги, устав фаолиятининг ижтимоий ва иқтисодий самараси, шунингдек, бенефициарлар, хизматлар, ҳамжамиятлар ва бошқарув амалиёти учун юзага келадиган ўзгаришларни таҳлил қилиш учун қўлланилди.

Ахборот базасининг асосини Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон бўйича мамлакат ҳисоботлари, кабинет тадқиқотлари материаллари, муваффақият тарихлари, фокус-гуруҳ муҳокаmaları ва интервьюлар маълумотлари, шунингдек, минтақа мамлакатларининг



мавжуд расмий статистик, солиқ, бюджет ва маъмурий маълумотлари ташкил этди. Миқдорий маълумотлар етарли бўлмаган ёки ўзаро таққослаб бўлмайдиган ҳолатларда таҳлил ННТлар ҳиссасининг хусусияти ва жамоатчилик учун аҳамиятини кўрсатиш имконини берувчи сифат материаллари, эксперт баҳолари, амалиётлар тавсифи ва кейсларга таянди.

Мамлакат тадқиқотларида бирламчи сифат маълумотлари фокус-гурӯх муҳокамалари ва ярим тузилмалаштирилган интервьюлар орқали йиғилди. Уларда фаол ННТлар вакиллари, давлат органлари, маҳаллий бошқарув органлари, экспертлар ҳамжамияти, ҳамкор ташкилотлар ва тегишли соҳаларда ННТлар фаолиятдан хабардор бўлган бошқа иштирокчилар қатнашдилар. Респондентларни танлаш тасодифий бўлмаган эксперт ёндашувига асосланди ва амалий тажрибага, тасдиқланган натижаларга ҳамда ННТлар фаолиятини ҳам, ушбу фаолият натижасида юзага келадиган ўзгаришларни ҳам тавсифлаб бериш қобилиятига эга ташкилотлар ва иштирокчиларга қаратилди.

Иккиламчи миқдорий маълумотлар асосан кабинет таҳлили орқали йиғилди. Манба сифатида давлат рўйхатга олиш органлари, статистика идоралари, солиқ органлари, очиқ бюджет маълумотлари, ННТларга ихтисослашган порталлар, идоравий маълумотлар базалари ва ташкилотларнинг йиғма ҳисоботлари хизмат қилди. Имкон қадар ННТларни иш берувчилар, солиқ тўловчилар, хизматлар ишлаб чиқарувчилар, ресурсларни олувчилар ва «қайта тақсимловчилар», товарлар ва хизматлар истеъмолчилари, шунингдек, давлат ва маҳаллий дастурлар иштирокчилари сифатида тавсифловчи кўрсаткичлар таҳлил қилинди.

2.3. Таҳлилий ёндашув

Тадқиқотнинг таҳлилий ёндашуви фаолият тавсифидан ҳиссани баҳолашга ўтиш тамойилига асосланди. Тадбирлар, лойиҳалар, нашрлар ёки иштирокчилар сони ахборотнинг бошланғич даражаси сифатида кўриб чиқилди, аммо асосий эътибор ННТлар қандай вазифаларни бажаргани, қайси гуруҳлар қўллаб-қувватлангани, қайси тўсиқлар камайтирилгани, қандай қарорлар ўзгаргани, қандай ресурслар жалб қилингани ва амалиётнинг қайси элементлари мустақамланиши ёки кенгайтирилиши мумкинлигига қаратилди.

Мазмунан таҳлил уч даражани қамраб олди.

Секторнинг базавий ҳисоби: рўйхатдан ўтган, фаолият юритаётган ва фаол ташкилотлар сони, бандлик, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, солиқлар, молиявий тушумлар, молиялаштириш манбалари, кўнгиллилик ва бенефициарлар сони. Функционал ҳисса: хизматлар кўрсатиш, эҳтиёжманд гуруҳлар билан ишлаш, ислохотларни ишлаб чиқишда иштирок этиш, дастурлар ва хизматларни амалга оширишни яхшилашда иштирок этиш, тадбиркорлик ва иқтисодий кўникмаларни ривожлантириш, жамоатчилик мониторинги, ресурсларни жалб қилиш, кўнгиллилик, ижтимоий тадбиркорлик ва маҳаллий ташаббуслар. Натижалар ва таъсир: хизматлардан фойдаланиш имкониятларининг ўзгариши, эҳтиёжмандлик даражасининг камайиши, бандлик ва даромадларнинг ошиши, турмуш сифатининг яхшиланиши, институционал ўзгаришлар, дастурлар ва қарорларни амалга ошириш сифатининг яхшиланиши, тадбиркорлик ва маҳаллий иқтисодий фаоллик учун шароитларнинг ривожланиши, шунингдек, лойиҳалар якунланганидан кейин натижаларнинг барқарорлиги.

ННТлар ҳиссасининг сифат хусусиятларига — ўзига хослик, инновационлик, самарадорлик, барқарорлик ва ривожланишни етиб бориши қийин бўлган, четда қолган ҳамда эҳтиёжманд гуруҳлар ва ҳудудларга «етказиб бериш» функциясига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу хусусиятлар, айниқса, миқдорий баҳолаш натижанинг бутун ижтимоий қийматини акс эттира олмаган ҳолатларда, ННТлар ҳиссасининг табиатини тавсифлаш учун қўлланилди. Улар ННТлар тор ёки етиб бориши қийин бўлган гуруҳлар учун қандай ечимлар яратаётганини, қандай янги ёндашувларни жорий қилаётганини, чекланган ресурслардан қандай фойдаланаётганини, қайси амалиётлар сиёсат ёки хизматларда мустақамланиши мумкинлигини ҳамда қўллаб-қувватлаш стандарт механизмлар орқали қамраб олиш қийин бўлган инсонлар ва ҳудудларга қандай етиб бораётганини кўрсатиш имконини берди.



2.4. Ўзгаришлар назариясининг элементлари

Тадқиқот қуйидаги ўзгаришлар назариясига таянади: давлат, бизнес, донорлар ва жамият томонидан ННТлар ҳиссасини янада аниқроқ тушуниш нафақат сектор билан ҳамкорликни кенгайтиришга, балки бошқарув сифатини ошириш, ҳудудларни ривожлантириш ва иқтисодий фаоллик учун шароитларни яхшилашда унинг салоҳиятидан янада тўлиқроқ фойдаланишга ҳам кўмаклашиши мумкин. Агар ННТлар ҳиссаси фақат лойиҳавий фаоллик ёки хизматлар кўрсатиш сифатида эмас, балки ташкилий тўсиқларни камайтириш, қарорларни амалга ошириш сифатини яхшилаш, тадбиркорлик кўникмаларини, маҳаллий хизматлар ва инфратузилмани ривожлантириш қобилияти сифатида ҳам кўринса, бу янада барқарор инвестиция муҳити ва хусусий сектор ривожланиши учун замин яратади.

Ушбу мантиқ ННТлар ҳиссасини баҳолаш нафақат тадқиқотчилик, балки амалий аҳамиятга ҳам эга эканлигини назарда тутади. **Агар давлат органлари ННТларнинг ҳиссаси ва салоҳиятини ҳамкор сифатида яхшироқ кўрса, улар ҳамкорлик, молиялаштириш ва натижаларни ҳисобга олишнинг барқарор механизмларини шакллантириш учун кўпроқ асосга эга бўлади. Агар бизнес ННТларнинг имкониятларини яхшироқ тушунса, у уларни корпоратив ижтимоий масъулият дастурларини, ижтимоий инвестициялар ва маҳаллий ҳамжамиятларни ривожлантириш ташаббусларини амалга оширишда ҳамкор сифатида кўриб чиқиши мумкин. Агар ННТларнинг ўзи ўз натижаларини яхшироқ ҳужжатлаштирса ва тақдим этса, бу уларнинг кўринишини, секторга бўлган ишончни ва ривожланиш кун тартибини шакллантиришда иштирок этиш қобилиятини оширади**

1-расм. Ўзгаришлар назарияси



2.5. Натижаларни талқин қилишга ёндашув

Натижаларни талқин қилиш минтақавий синтез усулига таянди. Ҳисобот барча мамлакатларни ҳар қандай ҳолатда ҳам бир хил схема бўйича тақдим этишни мақсад қилмайди. ННТлар ҳиссаси турли мамлакатларда турли каналлар орқали намоён бўлади: айрим ҳолларда иқтисодий кўрсаткичлар яхшироқ мавжуд бўлса, бошқа ҳолларда кейслар, эксперт иштироки, давлат дастурлари, жамоатчилик мониторинги, ижтимоий хизматлар ёки етиб бориши қийин бўлган гуруҳлар билан ишлаш муҳимроқ аҳамият касб этади. Шунинг учун хулосалар мамлакатлар рейтинги сифатида эмас, балки моделлар, функциялар ва такрорланувчи қонуниятларни умумлаштириш сифатида шакллантирилади. Мисоллар (кейслар) ва муваффақият тарихлари йиғма маълумотларда ҳар доим ҳам кўринмайдиган ўзгаришларни намоиш этиш учун қўлланилди.

2.6. Чекловлар

Тадқиқот маълумотларнинг бир хил эмаслиги, миллий ҳисобга олиш тизимларидаги фарқлар, статистик ахборотдан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги ва мамлакат материалларининг турлича чуқурлиги билан боғлиқ қатор чекловларга эга. Асосий чеклов шундан иборатки, ННТларнинг лойиҳавий ҳисоботдорлиги ҳар доим ҳам ҳиссани баҳолаш билан тенг эмас. Тадбирлар, иштирокчилар ёки нашрлар сони фаолликни акс эттиради, бироқ инсон, оила, ҳамжамият, хизмат ёки бошқарув тизими учун нималар ўзгарганини ҳар доим ҳам кўрсатмайди. Узоқ муддатли ўзгаришлар — эҳтиёжмандлик даражасининг пасайиши, натижаларнинг барқарорлиги,



турмуш сифати ўзгариши, бандликнинг ошиши, хизматлардан фойдаланиш имкониятларининг яхшиланиши ёки бошқарув амалиётининг ўзгариши — янада мураккаб индикаторлар, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш тизимлари ҳамда мунтазам мониторингни талаб қилади. Бундай механизмлар эса ҳозирча минтақада чекланган даражада қўлланилмоқда.

Тўғридан-тўғри миқдорий таққослаш чекловлари

Мамлакатларни тўғридан-тўғри миқдорий таққослаш таърифлар, маълумотлар манбалари, даврлар, ташкилотлар қамрови ва статистикадан фойдаланиш имкониятларидаги фарқлар билан чекланади. Айрим мамлакат материалларида рўйхатдан ўтган, фаолият юритаётган ва фаол ишлаётган ташкилотлар ўзаро фарқланса, бошқалари маъмурий реестрлар, ҳисобот маълумотлари ёки ташкилотларнинг танланма гуруҳлари маълумотларига таянади. Бундан ташқари, барча мамлакатларда ҳам сектор бўйича ўзаро таққосланадиган макроиқтисодий кўрсаткичлар мавжуд эмас. Айрим ҳолатларда бандлик, солиқлар, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, молиявий тушумлар ёки ялпи қўшилган қийматни баҳолаш мумкин бўлса, бошқа ҳолатларда ННТлар ҳиссаси давлат дастурларида иштирок этиш, кейслар, экспертлик фаолияти, жамоатчилик мониторинги ёки ижтимоий хизматлар орқали яхшироқ намоён бўлади. Ҳатто маълумотлар мавжуд бўлган ҳолатларда ҳам кўрсаткичлар турли даврлар, ташкилий-ҳуқуқий шакллар ва ташкилотлар гуруҳларига тааллуқли бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳисобот миқдорий таққослашда сунъий симметриядан қочади. Унинг вазифаси ННТларнинг институционал, ижтимоий, иқтисодий ва бошқарувга оид ҳиссаси турли миллий шароитларда қандай намоён бўлишини аниқлашдан иборат.

Далиллар базасининг чекловлари

Минтақа мамлакатларида ННТлар ҳиссаси бўйича далиллар базаси турлича бўлиб қолмоқда, натижаларнинг бир қисми эса вақт оралиғи билан намоён бўлади. Масалан, ўқитиш бир неча ойдан кейин бандлик ёки даромадларга таъсир қилиши мумкин; жамоатчилик мониторинги — тавсиялар кўриб чиқилганидан кейин қарорлар сифатига таъсир қилиши мумкин; эҳтиёжманд гуруҳлар билан ишлаш эса ўлчаш қийин бўлган хавфларнинг камайишига олиб келиши мумкин. Қўшимча чекловлардан бири ННТларнинг ўз фаолиятини баҳолашдаги паст фаоллиги ҳисобланади. Кўплаб ташкилотлар ҳисоботларни, аввало, донорлар ёки давлат органлари учун тайёрлайди, ривожланишга қўшилган ҳиссани тизимли баҳолаш учун эмас. Бу маълумотларнинг ўзаро таққосланишини пасайтиради ва минтақавий умумлаштиришни, айниқса outcomes ва impact қисмида, қийинлаштиради.

Институционал ҳиссани миқдорий баҳолаш чекловлари

Миқдорий маълумотлар барча мамлакатларда ҳам мавжуд эмас ва уларни ННТ сектори бўйича ҳар доим ҳам ўзаро таққосланадиган шаклда ажратиб олиш мумкин эмас. Айрим мамлакатларда статистик, солиқ ва рўйхатга олиш маълумотлари бир-биридан фарқ қилади. Бошқа ҳолатларда эса ахборот фақат ҳисобот тақдим этган, тадқиқотда иштирок этган ёки махсус маълумотлар базаларига киритилган ташкилотлар бўйича мавжуд бўлади.

Шу муносабат билан ННТларнинг институционал ҳиссаси эҳтиёткорлик билан кўриб чиқилади: у секторнинг бандлик, солиқлар, молиявий оқимлар, харидлар, ресурсларни жалб қилиш ва қўшилган қиймат яратишдаги роли ҳақидаги мавжуд далиллар йиғиндиси сифатида баҳоланади. Маълумотлар имкон берган жойларда миқдорий ҳисоб-китоблар ва таққослашлар қўлланилади; маълумотлар чекланган ҳолларда эса асосий эътибор сифат тавсифига ва ҳисобга олишдаги бўшлиқларни аниқлашга қаратилади. Тадқиқот доирасига бизнес уюшмалари ва тижорат ташкилотларининг соҳавий бирлашмалари ҳам киритилмади. Бу тузилмалар Марказий Осиёнинг барча мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб, шубҳасиз, хусусий секторни ривожлантиришга катта ҳисса қўшади. Бироқ уларнинг фаолияти асосан тижорат секторини ривожлантиришга қаратилган, гарчи улар кўпинча нотижорат ташкилотлари шаклида фаолият юритса ҳам.



3. ННТ секторининг минтақавий портрети

3.1. Секторнинг умумий тавсифи

Марказий Осиё мамлакатларидаги нотижорат ташкилотлар ривожланишда фуқаролар иштирокининг ташкилий шаклини ифодалайди ҳамда давлат институтлари, бозор, оила ва маҳаллий ҳамжамиятлар ўртасида ўзига хос ўрин эгаллаган ҳолда ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг мустақил объекти сифатида намоён бўлади. Уларнинг аҳамияти манзилли ёндашувни, ишончни, касбий ихтисослашувни ва инсонлар билан барқарор мулоқотни талаб қиладиган жамоатчилик эҳтиёжлари билан ишлаш қобилияти орқали белгиланади. Шу жиҳатдан ННТлар давлат дастурлари, бозор механизмлари ёки оила ресурслари эҳтиёжманд гуруҳлар, алоҳида ҳудудлар ва маҳаллий ҳамжамиятларнинг эҳтиёжларига ҳар доим ҳам ўз вақтида ва тўлиқ жавоб бериш имконини бермайдиган ҳолатларда ривожланиш тизимини тўлдирди.

ННТлар тижорат ташкилотларидан фаолияти фойда олиш ва уни тақсимлашга қаратилмаганлиги билан фарқ қилади. Бу уларга жамоатчилик эҳтиёжи юқори бўлган, аммо бозор рентабеллиги чекланган соҳаларда фаолият юритиш имконини беради. Шу сабабли ННТ секторининг амалий аҳамияти жамоатчилик эҳтиёжларини хизматларга, ташаббусларга, эксперт ечимларига ва инсонларга манзилли ёрдамга айлантириш қобилияти билан белгиланади.

Минтақа ННТларини бирлаштириб турувчи жиҳат шундан иборатки, улар асосан жамоатчилик учун аҳамиятли соҳаларда фаолият юритади: ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш, таълим, одил судловдан фойдаланиш имконияти, аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маҳаллий ривожланиш, камбағалликка қарши курашиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва фуқароларнинг қарорлар қабул қилишда иштирок этиши. Кўп ҳолатларда ушбу йўналишлар ёрдам, ҳамроҳлик ва жамоатчилик мониторингига бўлган талаб стандарт маъмурий механизмлар имкониятларидан юқори бўлган соҳалар билан мос келади.

Шу билан бирга, Марказий Осиёдаги ННТ сектори бир хил эмас. Ташкилотларнинг бир қисми барқарор институционал базага, ходимларга, мунтазам ҳисоботдорликка, давлат ва донорлар билан ҳамкорлик тажрибасига эга. Бошқа қисми эса лойиҳавий ёндашув асосида ишлайди ёки кичик жамоа фаоллигига боғлиқ бўлади. Айрим мамлакатларда давлат дастурларига яқин интеграциялашган йирик жамоат бирлашмалари ва ташкилотлар муҳим роль ўйнайди; бошқа мамлакатларда эса аҳолининг муайян гуруҳлари билан ишлайдиган экспертлик, сервис, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, хайрия ва маҳаллий ташкилотлар устунлик қилади. Секторнинг умумий хусусияти ташкилот ичида бир нечта функцияларнинг уйғунлашганидир. Кўплаб ННТлар бир вақтнинг ўзида хизматлар кўрсатади, адвокация билан шуғулланади, давлат билан маслаҳатлашувларда иштирок этади, ўқув тадбирлари ўтказиши, бенефициарларга амалий муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради ва эксперт таклифларини ишлаб чиқади, яъни уларнинг фаолияти аралаш хусусиятга эга.



МИСОЛ

Қирғизистон: кўплаб ННТлар учун хизматлар кўрсатиш, манфаатларни илгари суриш ва ривожланиш сиёсатида иштирок этиш ўртасидаги чегара шартли ҳисобланади.

Қирғизистонда фаол ишлаётган 110 та ННТ ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, ташкилотларнинг 48,2 фоизи бир вақтнинг ўзида ҳуқуқларни ҳимоя қилиш фаолияти / адвокация ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланади; 37,3 фоизи асосан хизматлар кўрсатади; 14,5 фоизи эса асосан ҳуқуқларни ҳимоя қилиш фаолияти ва қарорлар қабул қилиш жараёнларида иштирок этиш билан шуғулланади. Бундай тузилма кўплаб ННТлар учун хизматлар кўрсатиш, манфаатларни илгари суриш ва ривожланиш сиёсатида иштирок этиш ўртасидаги чегара шартли эканлигини кўрсатади: инсон ёки ҳамжамият муаммоси билан ишлаш кўпинча мазкур воситаларнинг барчасидан бир вақтнинг ўзида фойдаланишни талаб қилади.



Минтақа учун бу хусусият айниқса муҳимдир: ННТлар кўпинча битта хизматнинг тор доирадаги етказиб берувчилари эмас, балки муайян ижтимоий, иқтисодий ёки ҳуқуқий муаммолар атрофида шаклланган комплекс компетенциялар марказлари ҳисобланади.

Бундай фаолият тузилмаси кўплаб ННТлар учун хизматлар кўрсатиш, манфаатларни илгари суриш ва ривожланиш сиёсатида иштирок этиш ўртасидаги чегара шартли эканлигини кўрсатади: инсон ёки ҳамжамият муаммоси билан ишлаш кўпинча мазкур воситаларнинг барчасидан бир вақтнинг ўзида фойдаланишни талаб қилади.

3.2. Ташкилий шакллар

Амалда ННТ сектори таркибига жамоатчилик-ҳуқуқий шакллари ва функциялари жиҳатидан жуда турли хил ташкилотлар кириши мумкин: жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари, ассоциациялар, хайрия ташкилотлари, ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари, ёшлар ва хотин-қизлар бирлашмалари, касбий ва мавзули тармоқлар, ижтимоий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар, шунингдек муайян ижтимоий аҳамиятга эга вазифалар атрофида ташкил этилган тузилмалар. Шунинг учун ҳиссани баҳолашда расман рўйхатдан ўтган сектор билан ижтимоий-иқтисодий ривожланишда амалда иштирок этаётган ташкилотлар қисмини бир-биридан фарқлаш муҳим аҳамиятга эга.

3.3. Рўйхатдан ўтган, фаолият юритаётган ва фаол ишлаётган ташкилотлар

ННТлар ҳиссасини баҳолашдаги умумий муаммолардан бири рўйхатдан ўтган, фаолият юритаётган ва фаол ишлаётган ташкилотлар ўртасидаги фарқдир. Фақат рўйхатдан ўтганликнинг ўзи мунтазам фаолият, ходимлар, лойиҳалар, ҳисоботдорлик ёки бенефициарлар билан барқарор иш олиб борилишини ҳар доим ҳам англатмайди. Шу муносабат билан минтақавий таҳлил ННТлар сонига оид кўрсаткичлардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиши ва имкони борича қайси тоифадаги ташкилотлар ҳақида сўз бораётганини аниқлаштириши лозим.

Шунга қарамай, муаллифлар мамлакатлар кесимида сектор ҳақида умумий тасаввур берувчи таққослама жадвални туздилар.

Қозоғистонда секторни тавсифлаш учун рўйхатдан ўтган ННТларнинг умумий мавжудлиги билан махсус ҳисобга олиш воситаларида акс эттирилган ташкилотлар қисмини бир-биридан фарқлаш муҳим аҳамиятга эга. Энг фойдали амалий мезон сифатида Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлигининг НПО маълумотлар базаси хизмат қилади. У орқали ташкилотларнинг фаолияти, иш йўналишлари, бошқарув тузилмаси ва молиялаштириш манбалари тўғрисида маълумот тақдим этувчи ташкилотлар қайд этилади. 2024- йил охири ҳолатига кўра, ушбу тизимда акс эттирилган фаол ННТлар сони 17 964 тага етган. Бу Қозоғистонни секторни баҳолаш фақат ташкилотларни рўйхатдан ўтказишга эмас, балки маълумотларни мунтазам тақдим этишга ҳам асосланадиган мамлакат сифатида кўриб чиқиш имконини беради. Бироқ статистик таснифнинг кенглиги туфайли ижтимоий фойдали ҳиссани баҳолаш ушбу ёндашув қўлланилиши мумкин бўлган ташкилотларни методологик жиҳатдан аниқ ажратиш кўрсатишни қийинлаштиради.

Қирғизистон бундай табақалаштиришнинг фойдали намунасини тақдим этади. Мамлакат тадқиқотида сиёсий ва диний ташкилотлар, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамда касаба уюшмалари чиқариб ташланганидан сўнг мақсадли гуруҳга 21 399 та ННТ киритилган. 4 548 та ННТ мунтазам статистик ҳисобот тақдим этган. Қўшимча танлаб олишдан кейин эса ҳиссанинг айрим миқдорий кўрсаткичларини баҳолаш мумкин бўлган энг фаол 397 та ташкилотдан иборат гуруҳ шакллантирилган.

Тожикистонда 1 700 та жамоат ташкилоти, 411 та филиал ва ваколатхона рўйхатдан ўтган ҳамда фаолият юритади. Институционал ҳиссани баҳолаш учун 2024- йил бўйича молиявий таҳлил ўтказилган 69 та ташкилотдан иборат гуруҳ маълумотларидан фойдаланилган. Айнан шу гуруҳ



1-жадвал. Марказий Осиё мамлакатларидаги ННТ секторининг таққослама профили, 2024- йил

Мамлакат	Асосий атама	Ҳисоботдаги сектор кўлами	Маълумотларда энг яхши акс этган жиҳатлар	Секторнинг кучли томони	Асосий методологик хатар
Қозғоғистон 	НПО	2024-йил охири ҳолатига кўра 17 964 та фаол НПО	НПО маълумотлар базаси, бандлик, иш ҳақи, давлат ижтимоий буюртмаси, ижтимоий хизматлар кўрсатишда иштирок	Давлат билан расмийлаштирилган ҳамкорлик, НПОларни жалб қилиш механизмларининг ривожланганлиги	Кенг статистик таснифлаш ҳар доим ҳам ижтимоий фойдали ҳисса доирасидан ташқаридаги ташкилотларни аниқ ажратиш кўрсатиш имконини бермайди
Қирғизистон 	ННТ	Мақсадли гуруҳда 21 399 та ННТ; 4 548 таси ҳисобот тақдим этади; энг фаол 397 та ташкилот	Ялпи қўшилган қиймат, ЯИМдаги улуш, бандлик, иш ҳақи, солиқлар, молиявий тушумлар, харидлар	Институционал ҳиссани ўлчаш имконияти минтақада энг юқори даражада	Ҳатто яхши маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда ҳам секторнинг мандатга оид, ижтимоий ва узоқ муддатли таъсири сифат жиҳатидан баҳолашни талаб қилади
Тожикистон 	ФЖТ	1 700 та жамоат ташкилоти ва 411 та филиал/ваколатхона; молиявий таҳлил учун 69 та ташкилот маълумотларидан фойдаланилган	Эксперт иштироки, лойиҳавий фаоллик, танланма молиявий таҳлил	Стратегик режалаштириш ва маслаҳатлашувлардаги кучли экспертлик роли	Бутун сектор бўйича статистик манзара тўлиқ эмас, жамоатчиликдаги кўриниши экспертлик аҳамиятидан паст
Туркменистон 	Жамоат ташкилотлари	138 та жамоат ташкилоти	Давлат дастурларида иштирок, лойиҳалар, сифат натижалари, даромад келтирувчи фаолиятнинг айрим кўрсаткичлари	Давлат устувор йўналишлари ва вазифаларни амалий амалга ошириш жараёнларига интеграциялашганлиги	Макроиктисодий статистика маълумотларининг чекланганлиги ва миқдорий маълумотларнинг ўзаро таққосланиши пастлиги
Ўзбекистон 	ННТ	Тахминан 10 мингта ННТ; ишчи массивда бўлинмалар ва ваколатхоналарни ҳисобга олганда 11,6 мингдан ортиқ	ННТ портали орқали рақамли ҳисобга олиш, маъмурий ва молиявий маълумотлар, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш	Институционаллашувнинг кучайиши ва қўллаб-қувватлаш инфратузилмасининг кенгайиши	Амалда фаолият юритаётган ННТларни рўйхатдан ўтган ташкилотларнинг умумий массивидан ажратиш учун қўшимча саъй-ҳаракатлар талаб этилади

нафақат рўйхатдан ўтган ННТлар мавжудлигини, балки реал фаолият белгилари — айланма маблағлар, солиқ тўловлари, лойиҳаларда иштирок этиш ва давлат тузилмалари билан ҳамкорликни ҳам кўриш имконини беради. Шунинг учун минтақавий портретда Тожикистонни рўйхатдан ўтган ННТларнинг бутун массиви бўйича тўлиқ статистик манзара орқали эмас, балки, аввало, фаол экспертлик ва лойиҳавий ташкилотлар орқали кўринадиган мамлакат сифатида тақдим этиш тўғрироқ бўлади.

Туркменистонда сектор нисбатан ихчамроқ шаклда намоён бўлган. Мамлакатда 138 та жамоат ташкилоти рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг фаолияти давлат дастурларида иштирок этиш, соҳавий вазирликлар ва маҳаллий маъмуриятлар билан ҳамкорлик қилиш, ижтимоий ҳимоя ҳамда эҳтиёжманд гуруҳларни қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистонда ННТ сектори кенг институционал вакилликка эга бўлиб, расмийлаштирилган рўйхатдан ўтказиш ва рақамли ҳисобга олиш тизимига таянади. Мамлакатда тахминан 10 мингта ННТ фаолият юритади, бўлинмалар ва ваколатхоналарни ҳисобга олганда эса уларнинг сони 11,6 мингдан ортиқ ташкилотни ташкил этади. Ҳисобга олишнинг муҳим элементларидан бири Адлия вазирлигининг ННТ портали бўлиб, у ташкилотларни ва сектор бўйича айрим йиғма кўрсаткичларни қайд этиш имконини беради. Шу билан бирга, амалда фаолият юритаётган ёки энг фаол ННТлар



2-расм. Марказий Осиёда ННТлар фаолиятининг асосий шакллари



тоифаси мавжуд маълумотларда аниқ ажратилмаган. Шу сабабли минтақавий таҳлилда Ўзбекистон йирик рўйхатдан ўтган секторга ва ривожланаётган рақамли ҳисобга олиш инфратузилмасига эга мамлакат сифатида кўриб чиқилади, бироқ фаол ташкилотларни рўйхатдан ўтган ташкилотларнинг умумий массивидан ажратиш учун қўшимча саъй-ҳаракатлар талаб этилади.

3.4. ННТлар фаолиятининг асосий шакллари

Марказий Осиё мамлакатларида ННТлар ривожланиш жараёнларида бир нечта асосий фаолият шакллари орқали иштирок этади.

Мазкур ҳисобот мақсадлари учун ННТларнинг ҳиссаси ривожланиш йўлидаги тўсиқларни янада очиқлаш кўринарли қилиш ва уларни бартараф этиш имкониятини ошириш қобилияти орқали намоён бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бу эса уларни иқтисодий фаоллик ва инвестициялар учун янада қулай муҳитни шакллантиришнинг муҳим иштирокчисига айлантиради.

Ушбу фаолият шакллари камдан-кам ҳолларда алоҳида мавжуд бўлади. Ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлайдиган ташкилот бир вақтнинг ўзида хизматлар кўрсатиши, мутахассисларни ўқитиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тақлифлар тайёрлаши, жамоатчилик кенгашида иштирок этиши ва бенефициарларга давлат дастурларидан фойдаланиш имкониятини олишда ёрдам бериши мумкин.

Маҳаллий ривожланиш соҳасида фаолият юритувчи ННТ ҳамжамиятлар эҳтиёжларини баҳолаши, маҳаллий ҳокимият органларига маслаҳатлашувларни ташкил этишда ёрдам бериши, молиялаштиришни жалб қилиши, инфратузилма лойиҳасини кузатиб бориши ва кейинчалик унинг жамоатчилик мониторингида иштирок этиши мумкин.

Фаолиятнинг бундай комплекс хусусияти ННТларнинг кучли томонларидан бири ҳисобланади. У уларга маъмурий муаммони инсон ёки ҳамжамиятнинг ҳаётини вазияти сифатида кўриш имконини беради. Айнан шу сабабли кейинги бўлимларда ННТларнинг ҳиссаси бир нечта ўлчамлар орқали кўриб чиқилади: иқтисодиётга қўшилган институционал ҳисса, бошқарув сифатига қўшилган ҳисса, иқтисодий ривожланишга қўшилган ҳисса, ижтимоий ҳисса, мавзувий фаолият ва натижаларнинг сифат хусусиятлари.


3.5. Молиялаштириш манбалари ва ресурс базаси

Минтақада ННТларни молиялаштириш турли манбалар ҳисобидан шаклланади (3-расмга қаранг).

Диаграмма минтақадаги ННТларни молиялаштиришнинг асосий манбалари баҳолашга асосланган тузилмасини акс эттиради. Тақсимот Қирғизистон ва Ўзбекистон бўйича мавжуд миқдорий маълумотлар, Қозоғистон, Тожикистон ва Туркменистонда ННТларни молиялаштиришнинг устун механизмлари ҳақидаги мавжуд маълумотлар, шунингдек, нотижорат сектор даромадларини таснифлаш бўйича халқаро ёндашувлар асосида шакллантирилган. Улушлар минтақа бўйича расмий йиғма статистика ҳисобланмайди. Кўрсатилган манбаларнинг нисбати мамлакатлар ва ташкилотлар турлари бўйича сезиларли даражада фарқ қилади. Айрим ННТлар учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлса, бошқалари учун халқаро грантлар муҳим ҳисобланади; учинчи тоифадаги ташкилотлар учун эса ўзини ўзи молиялаштириш, хайрия маблағлари, ижтимоий тадбиркорлик ва ҳамкорлик лойиҳаларини қамраб олган аралаш модель хосдир.



3-расм. Марказий Осиё мамлакатларида ННТларни молиялаштиришнинг асосий манбалари тузилмасининг баҳолашга асосланган кўриниши



Қозоғистон ННТларни давлат ва квазидавлат молиялаштириш механизмларига жалб қилишнинг ривожланган тизимини намойён этади. Бу тизим давлат ижтимоий буюртмаси ва махсус ижтимоий хизматларни ҳам ўз ичига олади. Махсус ижтимоий хизматлар соҳасида 2024-йилда ижтимоий хизматларнинг умумий ҳажми тахминан 45–55 млрд тенге (94–115 млн АҚШ доллари) деб баҳоланган бўлиб, молиялаштиришнинг 60 фоиздан ортиғи бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилган.

Қирғизистонда ННТларнинг ресурс базаси аралаш хусусиятга эга. Секторнинг молиявий тушумлари ҳомийлик ёрдами ва хайрия маблағлари, хорижий техник ёрдам ва грантлар, давлат ва маҳаллий бюджетлар томонидан қўллаб-қувватлаш, аъзолик бадаллари, пуллик хизматлар ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан шаклланади. Бундай тузилма ННТлар фаолияти ягона молиялаштириш каналига эмас, балки ташқи, ички, жамоатчилик ва қисман ўз ресурсларининг уйғунлигига таянишини кўрсатади. Бу, айниқса, хизматларнинг бозор шароитида ўзини оқлаши чекланган, аммо ёрдамга бўлган эҳтиёж юқори бўлиб қоладиган ижтимоий жиҳатдан сезгир ва етарлича молиялаштирилмайдиган соҳаларда ишлайдиган ташкилотлар учун муҳим аҳамиятга эга.

Тожикистонда фаол ННТлар кўпроқ лойиҳавий фаолият ва донорлик маблағлари орқали молиялаштирилади.

Туркменистонда ННТларнинг ресурс базаси давлат дастурлари, халқаро лойиҳалар ва айрим ташкилотларнинг даромад келтирувчи фаолияти билан боғлиқ.

Ўзбекистонда ННТлар ресурслари секторнинг пул тушумлари, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ҳудудий фондлар, грант механизмлари, хайрия маблағлари, аъзолик бадаллари, пуллик хизматлар ва қонунчиликда рухсат этилган хўжалик фаолиятининг уйғунлиги орқали шаклланади.

2024-йил ҳолатига кўра, сектор пул тушумларининг умумий ҳажми 34 350,3 млрд сўми (2,8 млрд АҚШ долларини) ташкил этган. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари муҳим ўрин тутати: Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди мавжуд бўлиб, у ННТларга давлат грантлари, субсидиялар ва ижтимоий буюртмалар ажратади. Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш учун сўнгги етти йил давомида давлат бюджетидан 718 млрд сўм (қарийб 60 млн АҚШ доллари) ажратилган. Сўнгги уч йил ичида фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳудудий фондлар ҳисобидан 83 млрд сўм (қарийб 7 млн АҚШ доллари) миқдоридаги маблағларга 1 600 та лойиҳа амалга оширилган. Бундан ташқари, Ногиронлар жамияти, Карлар жамияти, Кўзи ожизлар жамияти, Ногиронлар ассоциацияси ва улар тизимидаги қарийб 500 та ташкилот тўлиқ давлат қамровига олинган.



ХУЛОСА

ННТ секторининг минтақавий портрети Марказий Осиё мамлакатларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишда иштирок этувчи ташкилотларнинг турлича бўлишига қарамай, аҳамиятли сектор шаклланганини кўрсатади. ННТлар манзилли ёндашув, ишонч, экспертиза, эҳтиёжманд гуруҳлар билан ўзаро ҳамкорлик ва инсонлар эҳтиёжларини давлат, донорлар, бизнес ҳамда маҳаллий ҳамжамиятлар имкониятлари билан боғлаш қобилияти талаб этиладиган соҳаларда фаолият юритади. Кейинги таҳлил учун секторнинг учта хусусиятини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Биринчидан, рўйхатдан ўтган ташкилотлар сони ҳар доим ҳам амалдаги фаолият кўламини акс эттирмайди. Иккинчидан, ННТлар кўпинча бир неча функцияни бирлаштиради: хизматлар кўрсатиш, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, экспертиза, қарорлар қабул қилиш жараёнларида иштирок этиш ва ҳамжамиятлар билан ишлаш. Учинчидан, турли мамлакатларда ННТлар ҳиссаси турли каналлар орқали ҳисобга олинади — статистика, давлат дастурлари, ижтимоий хизматлар, эксперт иштироки, жамоатчилик мониторинги, маҳаллий ташаббуслар ва бенефициарларни тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлаш орқали.



4. ННТлар ҳиссасини баҳолашнинг мамлакатлар бўйича моделлари типологияси

Марказий Осиё мамлакатларида ННТларнинг ҳиссаси турли институционал ва амалий моделлар орқали намоён бўлади. Бу секторнинг аҳамиятини белгиламайди, балки ННТлар фаолиятининг қайси шакллари яхшироқ ривожланганини, қайси маълумотлар мавжудлигини, ташкилотлар давлат ва жамият билан қайси каналлар орқали ўзаро ҳамкорлик қилишини, шунингдек, улар фаолиятининг қайси натижалари кўпроқ кўринаётганини кўрсатади. Шунинг учун мамлакатлар бўйича моделлар типологияси ННТлар ҳиссаси қандай қайд этилиши ва уни минтақавий миқёсда қандай кучайтириш мумкинлигини янада аниқроқ тушуниш учун қўлланилади.

ҚОЗОҒИСТОН: ННТлар ва давлат ўртасидаги жадал ривожланаётган ҳамкорлик модели

Қозоғистон давлат ва ННТлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг нисбатан расмийлаштирилган тизими билан тавсифланади. Бу тизим НПО маълумотлар базаси, давлат ижтимоий буюртмаси механизмлари, грантлар орқали молиялаштириш, жамоатчилик кенгашлари, маслаҳат платформалари ва ташкилотларнинг ижтимоий хизматлар кўрсатишда иштирокини қамраб олади. Ушбу моделда ННТларнинг ҳиссаси давлат билан институционал ҳамкорликнинг кенгайиши, ижтимоий сиёсатни амалга оширишда иштирок этиш, жамоатчилик мониторинги, эксперт платформалари ва эҳтиёжманд гуруҳлар билан ишлаш орқали намоён бўлади. Қозоғистон моделининг кучли томони ННТларни давлат дастурларига жалб қилишнинг барқарор механизмлари мавжудлиги ҳисобланади. Шу билан бирга, баҳолашни янада ривожлантириш учун бенефициарлар ҳаётидаги сифат ўзгаришларига, фақат лойиҳалар, тадбирлар ва қамров сонига эмас, балки натижаларга кўпроқ эътибор қаратиш талаб этилади. Ҳамкорлик моделига муҳим қўшимча жиҳат шундан иборатки, ННТлар нафақат ижтимоий дастурларни амалга оширишда, балки уларни ижро этиш сифатини оширишда, маҳаллий хизматларни ривожлантиришда ва иқтисодий муҳит барқарорлиги ҳамда хусусий сектор ривожланиши учун аҳамиятга эга бўлган ишончли шакллантиришда ҳам иштирок этади.

ҚИРҒИЗИСТОН: ўлчанадиган институционал ҳисса модели

Қирғизистондаги ННТлар минтақада кенг тарқалган ва хос бўлган барча функцияларни бажаради: мониторингда иштирок этади, тавсиялар ишлаб чиқади, хизматлар кўрсатади ва мавжуд бўшлиқларни тўлдиради. Бироқ Қирғизистоннинг ўзига хос жиҳати шундаки, ННТ сектори бўйича унинг иқтисодийнинг бир қисми сифатидаги институционал ҳиссасини баҳолаш имконини берувчи миқдорий кўрсаткичлар мавжуд. Фаол ишлаётган ННТлар бўйича ялпи қўшилган қиймат, ЯИМдаги улуш, бандлик, иш ҳақи, солиқ тўловлари, молиявий тушумлар ва товарлар ҳамда хизматлар хариди ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу ННТларни нафақат ижтимоий ва жамоатчилик жараёнларининг иштирокчилари, балки иқтисодий қиймат яратадиган, иш ўринлари ва бюджет тушумларини таъминлайдиган расмийлаштирилган сектор сифатида ҳам кўрсатиш имконини беради. Шу билан бирга, институционал ҳиссанинг ўлчаниши секторнинг жамоатчилик учун тўлиқ кўринишини англатмайди: таҳлилий маълумотлар эълон қилинмайди, ННТларнинг устав фаолияти, ижтимоий ва инсон капиталига таъсирининг катта қисми ҳамон сифат жиҳатидан тавсифлашни ва натижаларни баҳолашнинг яхшироқ тизимини талаб қилади. Шунингдек, турли давлат институтларининг ННТлар фаолиятига муносабати ҳам бир хил эмас. Қирғизистон моделининг муҳим хусусияти шундаки, ННТлар ҳиссасининг бир қисми нафақат секторнинг ўлчанадиган иқтисодий изида, балки тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий инфратузилмани ривожлантириш, жойлардаги тўсиқларни аниқлаш ва инвестициялар учун янада шаффоф ҳамда жозибадор муҳитни шакллантиришда иштирок этиш орқали ҳам намоён бўлади.

ТОЖИКИСТОН: жамоатчилик учун кўриниши чекланган эксперт иштирок модели

Тожикистонда ННТларнинг ҳиссаси стратегик режалаштириш, мониторинг, гендер сиёсати, ҳуқуқий ёрдам ва давлат тузилмалари билан ҳамкорлик жараёнларидаги эксперт иштироки орқали энг яққол кўринади. ННТ вакиллари Миллий ривожланиш кенгаши ҳузуридаги 14 та идоралараро ишчи гуруҳ фаолиятида иштирок этиши алоҳида аҳамиятга эга. Бу ерда фуқаролик сектори экспертиза, муқобил маълумотлар, таклифлар ва ҳудудлардан келадиган қайтар алоқанинг манбаи сифатида иштирок этади. Шу билан бирга, Тожикистонда ННТларнинг экспертлик роли фақат маслаҳат платформаларида иштирок этиш билан чекланмайди. Мамлакат



материалларида ННТлар тизимли ўзгаришларнинг ташаббускори ёки фаол иштирокчиси бўлган кейслар келтирилган: тенг ҳуқуқ ва имкониятлар тўғрисидаги қонунни кўп йиллар давомида илгари суриш, аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини рўйхатга олишнинг электрон тизимини ишга тушириш, одам савдосига қарши курашда ННТлар тармоғининг иштироки, био хилма-хиллик мавзусини илгари суриш ва етиб бориши қийин бўлган ҳамжамиятлар билан ишловчи минтақавий тармоқларни ривожлантириш. Шунинг учун Тожикистон моделини фақат «эксперт иштироки» сифатида эмас, балки ННТларнинг қонунчиликка, маълумотларга, идоралараро мувофиқлаштиришга ва эҳтиёжманд гуруҳларнинг қўллаб-қувватлашдан фойдаланиш имкониятига босқичма-босқич институционал таъсир кўрсатиш модели сифатида ҳам тавсифлаш муҳимдир. Шу билан бирга, секторнинг жамоатчилик учун кўриниши чекланганлигича қолмоқда: ташкилотларнинг рақамли иштироки бир хил эмас, фаолият натижалари эса кўпинча кенг жамоатчиликка эмас, балки биринчи навбатда бевосита бенефициарлар ва ҳамкорларга маълум бўлади. Шу сабабли Тожикистон модели ННТларнинг кучли экспертлик ва лойиҳавий ролини намоён этар экан, улар иштирокининг натижаларини янада тизимли жамоатчилик коммуникацияси ва ҳисобга олиш зарурлигини ҳам кўрсатади.

ТУРКМАНИСТОН: давлат устувор йўналишларига юқори даражада интеграциялашган, аммо маълумотлар очиқлиги чекланган модель

Туркменистонда ННТларнинг ҳиссаси ижтимоий ҳимоя, ёшлар сиёсати, маданият, экология, касбий ривожланиш, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий маъмуриятлар билан ишлаш ва алоҳида ҳаракат режаларини амалга оширишда иштирок этиш орқали намоён бўлади. Ушбу модель жамоат ташкилотларининг давлат режалаштириш тизими ва ижтимоий аҳамиятга эга вазифаларни амалий амалга ошириш билан узвий боғлиқлигини кўрсатади. Туркменистон жамоат ташкилотларининг ҳиссаси, аввало, тор маънодаги иқтисодий эмас, балки ижтимоий-институционал ҳисса сифатида кўриб чиқирилиши лозим. Уларнинг аҳамияти эҳтиёжманд гуруҳларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш, фуқаролик иштирокини сафарбар қилиш ва давлат устувор йўналишларини жойларда амалга ошириш орқали намоён бўлади. Шунинг учун макроиқтисодий маълумотларнинг чекланганлиги ҳиссанинг заифлигини англатмайди, балки уни ижтимоий ва сифат натижалари орқали баҳолаш зарурлигини кўрсатади. Шу билан бирга, сектор ҳиссасини миқдорий баҳолаш очиқ статистик маълумотлар мавжудлиги билан чекланади: ЯИМга қўшилган ҳисса, бандлик, солиқ тўловлари ва умумий молиявий оқимларни ҳисоблаш анча мураккаб. Шу сабабли ҳиссанинг катта қисми алоҳида лойиҳалар, ташкилотлар, хизматлар ва сифат натижалари орқали тавсифланади.

ЎЗБЕКИСТОН: таъсирни баҳолаш парчаланган шароитда институционаллашуви кучайиб бораётган модель

Ўзбекистонда ННТ сектори фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий инфратузилмасини фаол шакллантириш шароитида ривожланмоқда. Бу жараёнда Адлия вазирлигининг ННТ портали, давлат грантлари ва ижтимоий буюртмалар, Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди, ҳудудий қўллаб-қувватлаш механизмлари, «ННТ уйлари», жамоатчилик кенгашлари ҳамда ННТларнинг дастурлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишдаги иштироки муҳим ўрин тутади.

Ушбу модель секторнинг институционаллашуви кучайиб бораётганини ва унинг ижтимоий, маданий, таълим, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳамда жамоатчилик учун аҳамиятли ташаббуслардаги иштироки кенгайиб бораётганини кўрсатади. Шу билан бирга, ННТларнинг узоқ муддатли таъсирини баҳолаш ҳозирча парчаланган ҳолда қолмоқда: инсонлар, ҳамжамиятлар ва ҳудудлар учун барқарор ўзгаришлар (яхшиланишлар)га нисбатан рўйхатдан ўтказиш, молиялаштириш, тадбирлар ва қамров яхшироқ қайд этилади.

Ўзбекистон модели учун ННТларнинг инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, хизматларни бошқаришда ҳамжамиятлар иштирокини таъминлаш ва аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар харажатларини камайтириш орқали маҳаллий иқтисодий шароитларни яхшилашга қўшган ҳиссаси муҳим йўналиш ҳисобланади. Бу маҳаллий инвестиция муҳити сифати билан бевосита боғлиқдир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон учун фақат ННТларни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасининг ўсиши эмас, балки секторнинг расмий институционаллашуви билан унинг жамоатчилик томонидан танилиши ўртасидаги тафовут ҳам муҳим аҳамиятга эга.



Барча фуқаролар ҳам ННТ нима эканлигини яхши тушунавермайди, ташкилотлар фаолияти натижалари эса кўпинча кенг жамоатчилик учун кўринмас бўлиб қолади.

Шунинг учун Ўзбекистон моделини янада ривожлантириш нафақат давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтиришни, балки жамоатчилик билан мулоқотни кучайтиришни, тушунарли ҳисоботдорликни таъминлашни ва ННТларнинг фуқаролар учун амалий фойдасини намоиш этишни ҳам талаб қилади.



ХУЛОСА

Марказий Осиё мамлакатлари ННТлар ҳиссасининг намоён бўлиши ва баҳоланишининг турли моделларини намоён этади. Айрим ҳолларда секторнинг иқтисодий ва статистик изи яхшироқ кўринса, бошқа ҳолларда давлат билан институционал шериклик, экспертлик иштироки, ижтимоий хизматлар кўрсатиш, аҳолининг заиф гуруҳлари билан ишлаш ёки давлат дастурларига интеграциялашганлик кўпроқ намоён бўлади. Бундай типология мамлакатларни ягона мезон бўйича сунъий таққослашдан қочиш имконини беради ҳамда ННТлар ҳиссасини асосий йўналишлар бўйича кейинги таҳлил қилиш учун асос яратади: иқтисодиёт, давлат бошқаруви, ижтимоий хизматлар, мавзули ҳисса ва натижаларнинг сифат хусусиятлари.

2-жадвал. ННТлар ҳиссасини баҳолашнинг мамлакатлар бўйича моделлари типологияси

Мамлакат	Моделнинг устувор тури	Ҳиссанинг намоён бўлиш каналлари ва шакллари	Моделнинг кучли томони	Такомиллаштириш имкониятлари
Қозоғистон 	Давлат ва ННТлар ўртасидаги жадал ривожланаётган ҳамкорлик модели	Давлат ижтимоий буюртмаси, грантлар, жамоатчилик кенгашлари, махсус ижтимоий хизматлар орқали	ННТларни давлат дастурларига жалб қилишнинг барқарор механизмлари	Эътиборни лойиҳалар ва қамров сонидан бенефициарлар ҳаётидаги ўзгаришларга қаратиш
Қирғизистон 	Ўлчанадиган институционал ҳисса модели	Ҳисса иқтисодиётда ҳам, ижтимоий ва бошқарув соҳаларида ҳам намоён бўлади	ЯИМдаги улуш, бандлик, солиқлар ва молиявий оқимлар бўйича маълумотлар мавжуд	Институционал ҳисса бўйича ҳисоботларни эълон қилиш, бенефициарлар учун натижаларни ва секторнинг жамоатчилик учун кўринишини тизимли баҳолаш
Тожикистон 	Жамоатчилик учун кўриниши чекланган эксперт иштирок модели	Ишчи гуруҳлар, мониторинг, гендер ва ҳуқуқий кун тартиби, ҳудудлардан келадиган қайтар алоқа орқали	Стратегик режалаштиришда кучли эксперт иштироки	Натижалар бўйича жамоатчилик коммуникациясини кучайтириш ва иштирок таъсирини янада тизимли ҳисобга олиш
Туркманистон 	Давлат устувор йўналишларига юқори даражада интеграциялашган, аммо маълумотлар очиқлиги чекланган модель	Ижтимоий ҳимоя, ёшлар сиёсати, маданият, экология ва ҳаракат режаларида иштирок этиш орқали	Давлат дастурлари тизими ва ижтимоий аҳамиятга эга вазифаларни амалга ошириш билан узвий боғлиқлик	Йиғма маълумотлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, таққосланадиган миқдорий баҳолашни ривожлантириш
Ўзбекистон 	Таъсирни баҳолаш парчаланган шароитда институционаллашуви кучайиб бораётган модель	ННТ портали, давлат грантлари, ижтимоий буюртма, жамоатчилик кенгашлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни муҳофама қилиш орқали	Секторнинг ташкилий ва молиявий инфратузилмаси тез суръатларда ривожланмоқда	Рўйхатдан ўтказиш, молиялаштириш ва тадбирлар мониторингини эмас, балки узоқ муддатли таъсирни тизимли баҳолаш



5. Мазкур ҳисобот мақсадлари учун ННТларнинг ҳиссаси нимани англатади?



**ҲИССАНИНГ
ЎЛЧАМИ**



**ҲИССАНИНГ
ТАХМИНИЙ
ТАВСИФИ**



**МАЪЛУМОТЛАР
МАНБАЛАРИ ВА
ДАЛИЛЛАР ТУРЛАРИ**



**БУ НИМАНИ
КЎРСАТАДИ?**



Институционал ҳисса



Иш ўринлари, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, солиқлар, ижтимоий ажратмалар, молиявий оқимлар, харидлар, қўшилган қиймат



Статистика, маъмурий ва молиявий маълумотлар



ННТлар иқтисодиётнинг мустақил иштирокчиси (тармоғи) сифатида



Бошқарувга қўшилган ҳисса



Қарорлар қабул қилиш жараёнларида иштирок этиш, қарорларни экспертлик жиҳатидан баҳолаш, аҳолидан қайтар алоқа олиш, жамоатчилик мониторинги, экспертлик ҳамроҳлиги, иқтисодий фаолликни ошириш учун тизимли йўналишларни таҳлилий жиҳатдан аниқлаш, маҳаллий инфратузилма ва хизматларни ривожлантиришда иштирок этиш, бизнес ва инвестициялар учун муҳитнинг прогноз қилина олиши ҳамда шаффофлигини ошириш



Кейслар, интервьюлар, ҳамкорлик платформалари ҳақидаги маълумотлар, эксперт баҳолари, амалга ошириш амалиётидаги ўзгаришлар мисоллари, маҳаллий инфратузилма ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича маълумотлар



ННТлар давлатнинг ҳамкори ва амалий ахборот манбаи сифатида, шунингдек, маҳаллий ривожланиш, инвестициялар ва хусусий сектор учун янада барқарор, прогноз қилинадиган ва жозибador муҳитни шакллантириш иштирокчиси сифатида



Устав фаолиятининг иқтисодий ҳиссаси



Ижтимоий тадбиркорлик, ўзини ўзи банд қилиш, тадбиркорлик кўникмалари, инфратузилма, рақамли ечимлар



Кейслар, лойиҳавий маълумотлар, ўзгаришларнинг сифат тавсифи



ННТлар даромадлар, бандлик ва маҳаллий иқтисодиёт учун шароит яратувчи субъект сифатида



Ижтимоий ҳисса



Ижтимоий, ҳуқуқий, психологик, инқирозли ва реабилитация хизматлари; хизматлардан фойдаланишдаги тўсиқларни камайтириш (ривожланишнинг инклюзив хусусияти)



Хизматлар қамрови, кейслар, эксперт баҳолари, ўзгаришлар тарихи



ННТлар ёрдам кўрсатиш ва эҳтиёжманд гуруҳларни жамият ҳаётига жалб қилиш воситаси сифатида



Мавзувий ҳисса



Соғлиқни сақлаш, таълим, гендер тенглиги, ҳуқуқлар, экология, камбағаллик, маҳаллий ривожланиш, ёшлар ва маданият



Мамлакат материаллари, кейслар



ННТлар энг кўп намоён бўладиган ривожланиш соҳалари



Ҳиссанинг сифат хусусиятлари



Ўзига хослик, инновационлик, самарадорлик, барқарорлик, ривожланишни олис ва эҳтиёжманд гуруҳлар ҳамда ҳудудларга «етказиб бериш» функцияси



Сифат таҳлили, кейслар, амалиётларни талқин қилиш



Яратилаётган ижтимоий қийматнинг табиати ва ўзига хос хусусиятлари




6. ННТларнинг институционал ҳиссаси: сектор иқтисодиёт иштирокчиси сифатида

ННТларнинг институционал ҳиссасини уларнинг ривожланишга қўшадиган мазмунан ва устав фаолияти доирасидаги ҳиссасидан алоҳида кўриб чиқиш лозим. Ушбу бўлимда ННТлар хизмат кўрсатувчилар ёки ислохотлар иштирокчилари сифатида эмас, балки иш ўринлари яратадиган, иш ҳақи тўлайдиган, солиқлар ва ижтимоий ажратмалар тўлайдиган, молиявий ресурсларни жалб қиладиган ҳамда товарлар ва хизматлар харид қиладиган иқтисодиётнинг расмийлаштирилган сектори сифатида таҳлил қилинади. Бошқача айтганда, бу ерда секторнинг иш берувчи, солиқ тўловчи ва иқтисодий айланма иштирокчиси сифатида иқтисодиётга кўрсатадиган «брутто» таъсири ҳақида сўз бормоқда.

6.1. ННТлар иш берувчилар сифатида

ННТларнинг институционал ҳиссасининг энг яққол намоён бўладиган жиҳатларидан бири иш ўринлари яратиш ҳисобланади. Бу нуқтаи назардан тадқиқот шуни кўрсатадики, минтақадаги нотижорат сектор бандлик, профессионал фаолият ва иқтисодий айланманинг сезиларли



ННТ СЕКТОРИНИНГ БАНДЛИКДАГИ УЛУШИ, 2024 ЙИЛ



ННТЛАР — СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ВА БЮДЖЕТ ТИЗИМИ ИШТИРОКЧИЛАРИ

ННТлар солиқлар ва ижтимоий ажратмаларни тўлайди, ресурсларни иқтисодиёт ва бюджетга қайтаради.

Қирғизистонда ННТлар солиқлари ва воситали тарзда **умумдавлат солиқларининг 0,6%**ини таъминлайди.

ННТлар давлат хизматлари ва ташаббусларини юритиш орқали бюджет юкини камайтиради.

ННТ сектори мамлакатлар ривожига ўсиб бораётган ҳисса қўшаётган реал иқтисодий актордир.



Марказий Осиёдаги ННТлар фақат ижтимоий хизмат кўрсатувчилар эмас, балки иқтисодиётнинг муҳим сектори ҳамдир: улар иш ўринлари яратади, солиқ тўлайди, инвестиция жалб қиладиган ва минтақанинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшади.




МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ННТлар:

РИВОЖЛАНИШГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ, БОШҚАРУВ ВА БАРҚАРОРЛИК 2026 й.

манбаи ҳисобланади. Қатор мамлакатларда у, айниқса, ижтимоий соҳа, экспертлик фаолияти, лойиҳаларни бошқариш, таълим, ҳуқуқий ёрдам, эҳтиёжманд гуруҳлар билан ишлаш ва маҳаллий ҳамжамиятларни ривожлантириш соҳаларида фаол иш берувчи сифатида намоён бўлмоқда Қозоғистонда НПО ходимларининг ўртача рўйхатдаги сони 2021- йилдаги 39 532 нафардан 2024- йилда 97 758 нафаргача ошган. Бунда шаҳарлардаги бандлик 87 039 нафарни, қишлоқ жойлардаги бандлик эса 10 719 нафарни ташкил этган. Шу давр мобайнида бир нафар ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи 109 496 тенгедан (228 АҚШ доллари) 318 853 тенгегача (664 АҚШ доллари) ошган. Шу билан бирга, Қозоғистон НПО секторининг ОКЭД 94.99.0 бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш йиллик фонди 2024- йилда тахминан 374,1 млрд тенгени (773,1 млн АҚШ доллари) ташкил этган бўлса, 2021- йилда бу кўрсаткич 51,9 млрд тенге (108,1 млн АҚШ доллари) бўлган. ОКЭДнинг умумлаштирилган хусусияти ва тадқиқот предметига кирмайдиган ташкилотларни тўлиқ ажратиб ташлаш имкони мавжуд эмаслиги билан боғлиқ методологик чекловларга қарамасдан, ушбу маълумотлар сектордаги бандлик билан боғлиқ иқтисодий айланманинг кўламини намоён этади.


Қирғиз Республикаси Миллий статистика қўмитасининг 2024- йил учун маълумотларига кўра, фаол фаолият юритаётган ННТлар ходимларининг ўртача рўйхатдаги сони 24 414 нафарни ташкил этган бўлиб, улардан 14 158 нафари — аёллардир.

4-расм. Қозоғистон ННТларининг институционал ҳиссасини иқтисодий фаолиятнинг айрим турлари билан таққослаш



Манбалар: мамлакат ҳисоботи, Миллий статистика бюроси маълумотлари, 2024- йил, «Қозоғистон Республикасида мулкчилик шакллари бўйича ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш» наشري.

5-расм. Қирғизистон ННТларининг институционал (тармоққа оид) ҳиссасини иқтисодий фаолиятнинг айрим турлари билан таққослаш






Бундан ташқари, ННТлар фаолиятига 4 857 нафар ташқи ўриндошлар ва 5 411 нафар ҳақ тўланмайдиган ходимлар, яъни кўнгиллилар жалб қилинган.

Жами ҳисобда бу сектор фаолиятига жалб этилган 34 682 нафар инсонни ташкил этади.

Ўртача ойлик иш ҳақи 27 605 сомни (317 АҚШ доллари) ташкил этган бўлиб, бу соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги каби тармоқлардаги ўртача ойлик иш ҳақиға таққосланади.


Шунингдек, ННТларнинг бандликка қўшаётган тармоққа оид ҳиссасини мамлакатлар аҳолисининг умумий сонига нисбатан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир (7-расмга қаранг). Бундай кесимда Қозоғистон ННТлари бандликка энг катта ҳисса қўшмоқда, бу ерда секторда банд бўлганлар улуши аҳолининг деярли ярим фоизини ташкил этади.

6-расм. Ўзбекистон ННТларининг институционал (тармоққа оид) ҳиссасини иқтисодий фаолиятнинг айрим турлари билан таққослаш



Манба: Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси.

7-расм. ННТ секторидаги бандликнинг аҳоли умумий сонига нисбати, 2024- йил, ҳар 100 минг нафар фуқарога



Манба. Марказий Осиё мамлакатлари миллий статистика органларининг расмий маълумотлари асосида ҳисобланган:

Қозоғистон Республикаси Миллий статистика бюроси, Population of the Republic of Kazakhstan at the beginning of 2024, https://stat.gov.kz/api/iblock/element/157662/file/en/?utm_source=chatgpt.com;

Қирғиз Республикаси Миллий статистика қўмитаси, «Йил бошидаги доимий аҳоли сони» очиқ маълумотлари, https://stat.gov.kg/ru/opendata/category/39/?utm_source=chatgpt.com;

Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси, Resident population at the beginning of 2024 by region, <https://stat.uz/en/press-center/news-of-committee/49356-hududlar-kesimida-2024-yil-boshiga-doimiy-aholi-soni-3>



6.2. ННТлар солиқ тўловчилар ва бюджет тизимининг иштирокчилари сифатида

Институционал ҳиссанинг яна бир муҳим элементи ННТларнинг солиқлар ва ижтимоий ажратмалар орқали давлат даромадларини шакллантиришдаги иштирокидир. Бу кўрсаткич ННТларни фақат грантлар ёки бюджет маблағларини олувчилар сифатида қабул қилиш тасаввурини бартараф этиш учун айниқса муҳимдир. Мамлакат ҳисоботлари ННТлар жами ҳолда солиқлар ва мажбурий тўловларнинг аҳамиятли тўловчилари ҳисобланишини ҳамда жалб этилган ресурсларнинг бир қисмини миллий иқтисодиёт ва бюджет тизимига қайтараётганини кўрсатади. Шу билан бирга, ННТларни ҳисобга олишнинг ривожланган институционал тизими мавжуд бўлган тақдирда ҳам, солиқ маълумотларидан фойдаланиш имконияти чекланган бўлиши мумкин, бу эса институционал ҳиссани тўлиқ баҳолаш имкониятларини камайтиради. Масалан, Қозоғистон Давлат даромадлари қўмитасидан республика ва ҳудудлар кесимида НПОлар томонидан тўланган солиқлар бўйича маълумотларни олишнинг иложи бўлмади, чунки бу маълумотлар махфий ҳисобланади.

ННТларнинг бюджетга ажратмалари ҳақидаги маълумотларга кириш билан боғлиқ қийинчиликлар Ўзбекистон ва Туркменистонда ҳам кузатилди. Тожикистонда 2024- йилда 69 та ташкилотдан иборат танлаб олинган гуруҳ бўйича молиявий таҳлил натижалари жами 53,3 млн сомони (қарийб 6 млн АҚШ доллари) айланмани кўрсатди. Шундан тахминан 4 млн сомони (440 минг АҚШ долларидан ортиқ) мамлакат бюджетига даромад солиғи ва ижтимоий солиқ шаклида тушган. Ушбу кўрсаткични автоматик равишда бутун секторга татбиқ этиб бўлмайди, аммо у муҳим бир ҳолатни кўрсатади: ресурсларнинг муайян қисми мамлакат ичида иш ҳақи, солиқ тўловлари ва ижтимоий ажратмаларга айланади ҳамда шу орқали бандлик ва бюджет тушумларининг ўсишига ҳисса қўшади.



МИСОЛ

Қирғизистон: бюджетга амалга оширилган сезиларли тўловлар ҳажми айрим умумдавлат солиқлари билан таққосланади

Қирғизистонда 2024- йилда фаол ишлаётган ННТлар мамлакат бюджетига тахминан 1,3 млрд сом ёки қарийб 15 млн АҚШ доллари миқдорида тўлов амалга оширган. Ушбу ажратмалар ҳажми давлат бюджети даромадларининг айрим манбалари билан таққосланади. Масалан, патент асосидаги солиқ тушумлари 1,3 млрд сом (қарийб 15 млн АҚШ доллари), ер солиғи 1,5 млрд сом (17 млн АҚШ долларидан ортиқ) ёки давлат мулки ижараси учун нотижорат тўловлари 1,8 млрд сом (қарийб 21 млн АҚШ доллари)ни ташкил этган. Бундай таққослаш ННТ секторини нафақат ижтимоий ёки фуқаролик институти, балки бюджет тушумларининг сезиларли иштирокчиси сифатида ҳам кўрсатиш имконини беради.

8-расм. Қирғизистон ННТларининг давлат бюджетига тўловлари айрим давлат даромадлари турлари билан таққосланган ҳолда, АҚШ долларида



Манба: Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ хизмати.



6.3. ННТлар қўшилган қиймат яратувчилар сифатида

Институционал ҳиссанинг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларидан бири ННТларнинг ялпи қўшилган қиймат ва ЯИМга қўшган ҳиссасидир. Иқтисодий маънода ННТлар хизматлар, эксперт маҳсулотлар, ижтимоий дастурлар ва бошқа натижаларни яратиш орқали қўшилган қиймат ҳосил қилади. Бу жараёнда меҳнат, бошқарув ресурслари, бинолар, жиҳозлар ҳамда харид қилинадиган товарлар ва хизматлардан фойдаланилади. ННТлар фаолияти натижаларининг катта қисми бенефициарларга бепул ёки имтиёзли шартларда тақдим этилса ҳам, уларни яратиш секторнинг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини шакллантиради. Ушбу ишлаб чиқариш ҳажми билан оралиқ истеъмол ўртасидаги фарқ эса ялпи қўшилган қийматни акс эттиради. Шунинг учун ННТларнинг ЯИМга қўшган ҳиссасини тижорат фойдасининг ҳосиласи сифатида эмас, балки иқтисодий қиймати ўлчанадиган ижтимоий аҳамиятга эга хизматлар ва маҳсулотларни яратиш натижаси сифатида кўриш лозим. Минтақанинг барча мамлакатлари бўйича бундай статистика мавжуд эмас. Бироқ секторнинг ялпи қўшилган қийматини ҳисоблаш имкони бўлган мамлакатларда ННТлар иқтисодиётнинг «кўринмас» иштирокчиси бўлиб қолмайди. Бундай маълумотлар мавжуд бўлмаган жойларда эса институционал ҳисса етарлича баҳоланмайди ёки билвосита — бандлик, молиялаштириш, лойиҳалар, грантлар ва солиқ тўловлари орқали тавсифланади.

6.4. ННТлар молиявий ресурсларни жалб қилиш ва қайта тақсимлаш канали сифатида

ННТларнинг институционал ҳиссаси уларнинг молиявий ресурсларни жалб қилиш ва тақсимлаш қобилиятида ҳам намоён бўлади. Ушбу ресурслар ижтимоий дастурларга, товарлар ва хизматлар харидига, экспертлар ва пудратчилар меҳнатига ҳақ тўлашга, хизматларни ривожлантиришга ва бенефициарларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.




МИСОЛ

Қирғизистон: ялпи қўшилган қиймат орқали намоён бўладиган иқтисодий ҳисса:

Қирғизистонда 2024- йилда фаолият юритаётган ННТлар 10 млрд сомдан ортиқ (қарийб 115 млн АҚШ доллари) ялпи қўшилган қиймат яратган. Фаол ишлаётган ННТларнинг мамлакат номинал ЯИМдаги улуши 0,67% ни ташкил этган. Бу сезиларли кўрсаткич бўлиб, сув таъминоти (0,23%), санъат, кўнгилочар тадбирлар ва дам олиш (0,49%), шунингдек, профессионал, илмий ва техник фаолият (1,2%) каби иқтисодиёт тармоқлари билан таққосланади. Марказий Осиё минтақаси миқёсида ҳам ННТ сектори, жамоатчилик учун кўриниши чекланган бўлишига қарамай, ўз ҳиссаси бўйича иқтисодий фаолиятнинг айрим бутун тармоқлари билан таққосланади.

9-расм. Қирғизистон ННТларининг ялпи қўшилган қийматга қўшган ҳиссасини айрим иқтисодий фаолият турлари билан таққослаш, фоизларда



Манба: Қирғиз Республикаси Миллий статистика қўмитаси.

³ Кўрсаткичлар тадқиқот доирасида 2024- йил учун Тожикистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳисобот тақдим этган ташкилотларнинг алоҳида гуруҳи томонидан тақдим этилган верификация қилинган ҳисоботлар асосида шакллантирилган (очиқ маълумотлар манбалари).



ННТлар ресурсларни қайта тақсимлаш ва етказиб бериш функциясини бажаради. Бу орқали давлат, донорлар, хусусий сектор ва жамоатчилик ресурслари ижтимоий эҳтиёж юқори бўлган соҳалар ва ҳудудларга етиб боради. Стандарт молиялаштириш механизмлари ҳар доим ҳам етарли қамров, манзиллилик ёки барқарорликни таъминлай олмайди. Бу айниқса эҳтиёжманд гуруҳлар, инқирозли ёрдам, реабилитация, одил судловдан фойдаланиш имконияти, инклюзив таълим, маҳаллий хизматлар ва қишлоқ ҳамжамиятлари билан ишлашда муҳимдир.

Қозоғистонда ННТлар даромадларининг тузилмаси диверсификацияланган хусусиятга эга. Давлат ижтимоий буюртмасининг ҳажми тахминан 33,5 млрд тенгени (70,0 млн АҚШ доллари) ташкил этган бўлса-да, у секторнинг умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг атиги тахминан 9 фоизини қоплайди. Бу халқаро молиялаштиришнинг (27,2 млрд тенге ёки тахминан 60 млн АҚШ доллари) ва бошқа манбаларнинг муҳим ўрнини кўрсатади. Бироқ давлат ижтимоий буюртмасини молиялаштиришдаги ўзгаришлар давлатнинг ижтимоий хизматлар ва лойиҳаларни ташкил этиш масалаларида ННТларга тобора кўпроқ ишонч билдиришга мойиллигини кўрсатади. Хусусан, 2024- йилда лойиҳалар сони мўътадил ўсган бўлса, молиялаштириш ҳажми сезиларли даражада ошган. Бу ННТларнинг янада йирик лойиҳалар доирасида хизматлар кўрсатиш салоҳияти ортиб бораётганидан далолат бериши мумкин.

Қирғизистонда ННТлар даромадларининг тузилмаси сектор хорижий грантларга тўлиқ боғлиқ эмаслигини кўрсатади: ресурсларнинг салмоқли қисми хайриялар, ҳомийлик ёрдами, бюджет қўллаб-қувватлови, аъзолик бадаллари ва пуллик хизматлар ҳисобидан шаклланади. 2024- йилда ННТ секторининг умумий молиявий тушумлари тахминан 53 млрд сомни (609 млн АҚШ долларидан ортиқ) ташкил этган. Ушбу тадқиқотда баҳоланаётган ҳиссани таъминловчи мақсадли ННТлар гуруҳининг тушумлари эса 14,2 млрд сом (тахминан 161,7 млн АҚШ доллари) деб баҳоланган.

Тушумлар тузилмаси диверсификацияланган, гарчи бир хил бўлмаган ресурс базасини кўрсатади: ҳомийлик ёрдами ва хайриялар — 8,3 млрд сом (тахминан 95,4 млн АҚШ доллари) ёки 59%; хорижий техник ёрдам ва грантлар — 2,7 млрд сом (тахминан 30,5 млн АҚШ доллари) ёки 19%; маҳсулотлар ва хизматларни реализация қилиш — 0,4 млрд сом (тахминан 4,5 млн АҚШ доллари) ёки 3%; бюджет қўллаб-қувватлови — 0,2 млрд сом (тахминан 1,8 млн АҚШ доллари) ёки 1%; аъзолик бадаллари — 0,1 млрд сом (тахминан 1,1 млн АҚШ доллари) ёки 1% дан кам; бошқа манбалар — 2,5 млрд сом (тахминан 28,3 млн АҚШ доллари) ёки 18%.

Ўзбекистонда ННТлар ресурсларининг асосий манбаи давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобланади. Уларга барча тушумларнинг 38,4 фоизи тўғри келади. Сўнгги етти йил ичида фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан 718 млрд сўм (қарийб 60 млн АҚШ доллари) ажратилган бўлиб, бу 2008–2016- йиллар билан таққослаганда 12 баробар кўпдир. Сўнгги уч йил давомида ҳудудий жамғармалар орқали 83 млрд сўм (қарийб 7 млн АҚШ доллари) миқдоридаги маблағларга 1 600 та лойиҳа амалга оширилган. Шу билан бирга, аъзолик бадаллари, хайриялар ва бошқа беғараз тушумларнинг юқори улуши (22,9%) сектор давлат молиялаштириш механизмларига институционал жиҳатдан боғлиқликни кўнгилли ҳамжиҳатлик ва филантропияга сезиларли таяниш билан уйғунлаштиришини кўрсатади.

10-расм. Ўзбекистонда ННТлар даромадлари тузилмаси, 2024- йил, фоизларда





6.5. ННТлар товарлар ва хизматлар истеъмолчилари сифатида

ННТларнинг институционал ҳиссаси фақат бандлик ва солиқлар билан чекланмайди. Ташкилотлар товарлар ва хизматларнинг истеъмолчилари сифатида ҳам фаолият юритиб, кичик ва ўрта бизнес учун талабни шакллантиради. Бу айниқса лойиҳавий фаолиятда яққол кўринади: эҳтиёжманд гуруҳлар учун товарлар ва хизматлар харид қилиш, семинарлар, тренинглар, консалтинглар, фокус-гуруҳлар, давра суҳбатлари ва жамоатчилик тадбирларини ўтказиш биноларни ижарага олиш, транспорт хизматлари, овқатланиш, полиграфия, жиҳозлар, сарф материаллари, алоқа хизматлари ва экспертлик ёрдами талаб қилади. Шу билан бирга, ННТлар товарлар ва хизматларни асосан кичик ва ўрта бизнес субъектларидан харид қилади: меҳмонхоналар, овқатланиш корхоналари, транспорт компаниялари, сарф материаллари етказиб берувчилари, бинолар ва офис техникасини ижарага берувчилар шулар жумласидандир. Бу мультипликатив самарани юзага келтиради — ҳатто лойиҳанинг асосий мақсади ижтимоий, таълимий ёки ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қаратилган бўлса ҳам, уни амалга ошириш маҳаллий иқтисодиётда иқтисодий талабни шакллантиради. Шу маънода ННТлар нафақат ресурсларни жалб қилади, балки уларни етказиб берувчилар, пудратчилар ва сервис ташкилотлари тармоғи орқали қайта тақсимлайди.

Мазкур Ҳисоботнинг 3-иловасида минтақа мамлакатлари бўйича ННТларнинг институционал ҳиссасини акс эттирувчи кўрсаткичларнинг йиғма жадвали келтирилган.



ХУЛОСА

Марказий Осиё мамлакатларида ННТларнинг институционал ҳиссаси, аввало, секторнинг иқтисодий айланманинг мустақил иштирокчиси сифатида намоён бўлишида ифодаланади. ННТлар иш ўринлари яратади, меҳнатга ҳақ тўлаш фондиди шакллантиради, солиқлар ва ижтимоий ажратмалар тўлайди, давлат, донорлик ва хусусий ресурсларни жалб қилади, товарлар ва хизматлар харид қилади, айрим ҳолларда эса пуллик хизматлар, ижтимоий тадбиркорлик ва даромад келтирувчи фаолиятни ривожлантиради.

Ушбу ҳисса энг ишончли тарзда расмий ёки агрегатлаштирилган статистик маълумотлар мавжуд бўлган мамлакатларда намоён бўлади. Қирғизистон ННТларнинг ялпи қўшилган қиймати ва ЯИМдаги улушини ҳисоблаш намунасини тақдим этади; Қозоғистон бандлик, иш ҳақи ва давлат ижтимоий буюртмаси кўрсаткичларининг кенг кўламли динамикаси мисоли ҳисобланади; Ўзбекистон давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг институционал жиҳатдан шаклланган тизими ва бандликнинг йирик сектори намунасини кўрсатади; Тожикистон ташкилотлар гуруҳининг айланмаси ва солиқ тўловларини қисман баҳолаш мисолини тақдим этади; Туркменистон — институционал ҳисса лойиҳалар, ташкилотлар ва даромад келтирувчи корхоналарнинг алоҳида кўрсаткичлари орқали акс эттириладиган бошқача статистик муҳит намунасидир.

Минтақавий даражадаги асосий хулоса шундан иборатки, ННТлар сезиларли иқтисодий ҳисса қўшади, аммо бу ҳисса миллий маълумот тизимларида турлича акс этади. Шунинг учун ННТлар ҳиссасини янада кенг эътироф этиш нафақат уларнинг ижтимоий фойдасини тавсифлашни, балки сектор бўйича мунтазам статистик ҳисобни ривожлантиришни ҳам талаб қилади: бандлик, молиявий оқимлар, солиқ тўловлари, ялпи қўшилган қиймат, кўнгилли меҳнат ва товарлар ҳамда хизматлар хариди кўрсаткичларини тизимли ҳисобга олиш зарур.

Қозоғистон ва Қирғизистонда статистика агентликлари туризм соҳасига нисбатан ёрдамчи (сателлит) ҳисоблар амалиётини аллақачон жорий этган (бу макроиқтисодий таҳлил воситаси бўлиб, Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ)ни тўлдирди, ўз таснифлари ва кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда иқтисодиётнинг муайян тармоғини батафсил ўрганиш имконини беради ҳамда, шу билан бирга, умумий стандартлар билан мувофиқлигини сақлаб қолади). МҲТни ривожлантиришнинг кейинги қадами ННТлар сектори учун ёрдамчи (сателлит) ҳисобларни жорий этиш бўлиши мумкин.



7. ННТларнинг бошқарув сифатига, инвестиция муҳитига ва хусусий сектор ривожланиши шарт-шароитларига қўшган ҳиссаси

ННТларнинг Марказий Осиё мамлакатларидаги муҳим роли уларнинг амалий экспертиза, дастурлар амалга оширилишини мониторинг қилиш, аҳолидан қайтар алоқа етказиш ва маҳаллий ривожланиш шароитларини яхшилашда иштирок этиш орқали бошқарув сифатини ошириш қobiliяти билан боғлиқ. Инсонлар, ҳамжамиятлар, маҳаллий бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар билан доимий мулоқот туфайли ННТлар қарорларнинг амалда қандай ишлётганини, инфратузилмавий ва ташкилий чекловлар қаерда сақланиб қолаётганини, қайси гуруҳлар ва ҳудудлар қамровдан ташқарида қолаётганини ҳамда қайси чора-тадбирлар тузатишни талаб қилишини аниқроқ кўришга ёрдам беради. Шу маънода ННТлар тадбиркорлик, инвестициялар ва хусусий сектор ривожланиши учун янада прогноз қилинадиган, шаффоф ва жозибador муҳитни шакллантиришнинг тўлақонли иштирокчилари сифатида намоён бўлади. Уларнинг аҳамияти, айниқса, бошқарув тизимига «жойлардан» келадиган маълумотлар, бенефициарлар билан ишончли мулоқот, ихтисослашган билимлар ва қарорларни амалга оширишнинг янада мослашувчан механизмлари зарур бўлган шароитларда каттадир

ННТларнинг бошқарув сифати ва ривожланиш шароитларига қўшган ҳиссаси



Қарорлар қабул қилишда иштирок

ННТлар давлат дастурларини одамларнинг реал эҳтиёжлари билан боғлайди.



Экспертиза

ННТлар қонунлар, дастурлар ва хизмат стандартларини ишлаб чиқишда ёрдам беради.



Қайта алоқа

ННТлар хизматлардаги тўсиқлар, "кўринмас" муаммолар ва камчиликларни аниқлайди.



Жамоатчилик мониторинги

ННТлар дастур ижросининг шаффофлиги, манзиллиги ва сифатини оширади.



Мулоқот платформалари

Жамоатчилик кенгашлари, ишчи гуруҳлар ва ижтимоий буюртмалар доимий ҳамкорлик каналларини яратади.

МАМЛАКАТЛАР БЎЙИЧА АСОСИЙ МИСОЛЛАР



ҚОЗОҒИСТОН

Давлат ижтимоий буюртмаси, жамоатчилик кенгашлари, Атбасарда сув тошқинларига қарши чоралар мониторинги.



ҚИРҒИЗИСТОН

2025–2030 йилларга мўлжалланган ҳудудларни ривожлантириш дастурлари бўйича экспертиза; ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича кенгаш.



ТОҶИКИСТОН

ННТлар Миллий ривожланиш кенгаши ҳузуридаги 14 та идораларaro ишчи гуруҳда иштирок этади.



ЎЗБЕКИСТОН

ННТлар жамоатчилик мониторингида ва норматив-ҳуқуқий ечимларни илгари суришда иштирок этади.



ТУРКМЕНИСТОН

ННТлар миллий ҳаракатлар режалари ва офатлар хавфини камайтириш жараёнларида иштирок этади.

7.1. ННТлар давлат қарорларини қабул қилиш ва ислохотларни амалга ошириш циклининг иштирокчилари сифатида

Минтақа мамлакатларида ННТлар турли даражада қарорлар қабул қилиш, давлат дастурларини амалга ошириш ва уларнинг ижросини мониторинг қилиш жараёнларига жалб этилган. Уларнинг асосий аҳамияти аҳоли эҳтиёжларини давлат сиёсатига етказиш, стратегик ҳужжатлар билан реал муаммолар ўртасида боғлиқликни таъминлаш ва ижтимоий хизматлардаги бўшлиқларни тўлдиришда намоён бўлади.



Қозоғистонда бу жараён давлат ижтимоий буюртмаси, грантлар, жамоатчилик кенгашлари ва махсус ижтимоий хизматлар орқали институционаллашган. Қирғизистонда ННТлар қўшма платформалар, консультатив ёрдам ва мониторинг орқали қарорлар қабул қилишга таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда улар ижтимоий, таълим, маданий ва ҳуқуқий ташаббуслар, жамоатчилик кенгашлари ҳамда дастурлар муҳокамаси орқали давлат ва жамият мулоқотини кучайтиради. Тожикистонда ННТлар стратегик режалаштириш ва мониторингга, Туркменистонда эса ижтимоий ҳимоя, ёшлар сиёсати ва экология йўналишларида давлат дастурларига жалб қилинган.

Умуман, минтақада ННТлар давлат ва жамият ўртасидаги боғловчи институт, аҳоли эҳтиёжларини сиёсий қарорларга етказувчи ва дастурлар самарадорлигини оширувчи муҳим иштирокчи сифатида шаклланимоқда.



МИСОЛ

Қозоғистон: давлат ижтимоий буюртмаси ва жамоатчилик кенгашлари:

Қозоғистонда давлат ва ННТлар ўртасидаги ҳамкорлик барқарор механизмларга таянади: давлат ижтимоий буюртмаси, грант дастурлари, жамоатчилик кенгашлари ва ишчи гуруҳлар шулар жумласидандир. Бу ННТларга ижтимоий ташаббусларни амалга ошириш, хизматлар кўрсатиш, ижтимоий-иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш ҳамда давлат қарорлари бўйича қайтар алоқани шакллантиришда иштирок этиш имконини беради. Бундай модель ННТларнинг иштирокини янада мунтазам ва институционал жиҳатдан расмийлаштирилган қилади..



МИСОЛ

Тожикистон: ННТларнинг стратегик режалаштиришдаги иштироки:

Тожикистонда ННТларнинг Миллий тараққиёт кенгаши ҳузуридаги 14 та идоралараро ишчи гуруҳ фаолиятида иштирок этиши лойиҳавий ҳамкорликдан бошқарув циклидаги янада тизимли иштирокга ўтишни кўрсатади. ННТлар давлатга мақбул ечимларни топиш, ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва хавфларни самарали равишда олдини олишда ёрдам беради. Тожикистон энергетикалари ассоциацияси «яшил» энергетика учун норматив-ҳуқуқий базани ривожлантиришни, қайта тикланувчи энергия манбалари учун қатъий тарифларни жорий этишни фаол қўллаб-қувватлайди ҳамда Роғун ГЭСнинг комплекс халқаро экспертизасида иштирок этади. Бошқа ННТлар мамлакатнинг рақамли экотизимини ривожлантириш ва IT-академияларни ташкил этишга кўмаклашади; аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришни, «яшил» молиялаштиришдан фойдаланиш имкониятларини ва тўқимачилик кластерларини модернизация қилишни қўллаб-қувватлайди.



МИСОЛ

Туркменистон: экспертиза ва миллий ҳаракат режаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш:

Туркменистонда жамоат ташкилотлари муҳим давлат сиёсатларининг тан олинган экспертлари ва ҳаммуаллифлари ҳисобланади. «Ынам», «Йенме», «Машгала» ва бошқа жамоат ташкилотлари Одам савдосига қарши курашиш бўйича Миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқиш бўйича Ишчи гуруҳ таркибига киради. «Кейик Окара» жамоат ташкилоти эса Гендер тенглиги бўйича Миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқиш жараёнида ўтказиладиган консультацияларда иштирок этади. Бу консультациялардан қўшма режалаштиришга ўтишнинг намунаси бўлиб, бунда ННТларнинг амалий тажрибаси олий даражадаги стратегик ҳужжатларга бевосита интеграция қилинади.



МИСОЛ

Ўзбекистон: ННТлар норматив-ҳуқуқий ва дастурий қарорларнинг ташаббускорлари сифатида

Ўзбекистонда ННТлар тобора кўпроқ нафақат ижтимоий ва маърифий лойиҳаларнинг ижрочилари, балки давлат кун тартибини шакллантириш жараёни иштирокчилари сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Бунга Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси фаолияти яққол мисол бўла олади. Ассоциация БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиққан бўлиб, кейинчалик мазкур ҳужжат давлат томонидан институционал қўллаб-қувватланган. Шу қаторда «Умидворлик» марказининг давлат таълим сиёсатига интеграция қилинган инклюзив таълим концепциясини илгари суриш бўйича фаолиятини, шунингдек, Ўзбекистон Волонтерлари ассоциациясининг «Волонтерлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинишига кўмаклашган адвокация фаолиятини ҳам қайд этиш мумкин. Ушбу кейслар Ўзбекистонда ННТлар нафақат ислохотларни муҳокама қилишда, балки жамоатчилик ташаббуслари ва эҳтиёжманд гуруҳларнинг эҳтиёжларини давлат дастурлари, норматив-ҳуқуқий қарорлар ва институционал ўзгаришлар тилига ўгиришда ҳам иштирок этаётганини кўрсатади..

7.2. ННТлар давлат қарорлари учун экспертиза манбаи сифатида

ННТларнинг муҳим вазифаларидан бири инсонлар, ҳамжамиятлар ва аниқ муаммолар билан амалий ишлашга, шунингдек, халқаро тажрибани чуқур ўрганишга таянувчи экспертизани тақдим этишдан иборат. Бундай экспертиза идоровий таҳлилдан шу жиҳати билан фарқ қиладики, у бенефициарлар билан доимий норасмий ва чуқур мулоқот, мақсадли гуруҳлар хатти-ҳаракатини тушуниш ҳамда жойларда қарорларни амалга ошириш тажрибаси асосида шаклланади. ННТлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат дастурлари, ҳаракат режалари, методикалар, хизматлар стандартлари ва мониторинг воситаларини ишлаб чиқишга ҳисса қўшиши мумкин. Уларнинг иштироки, айниқса, расмий консультацияларда камдан-кам иштирок этадиган гуруҳларнинг ҳолатини ҳисобга олиш талаб этилган ҳолатларда алоҳида аҳамият касб этади. Буларга ногиронлиги бўлган шахслар, зўравонликдан жабр кўрган аёллар, қишлоқ жойлардаги аёллар, мигрантлар, ёшлар, кекса ёшдаги шахслар, ҳужжатлари бўлмаган шахслар, болалар ва оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оилалар киради.



МИСОЛ

Қирғизистон: ҳудудларни ривожлантириш бўйича манзилли давлат сиёсатини ишлаб чиқишга қўшилган ҳисса

«Тараққиёт сиёсати институти» жамоат бирлашмаси 2025–2030 йилларга мўлжалланган Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурини ишлаб чиқиш жараёнида экспертиза тақдим этди. Мазкур дастур комплекс ҳудудий режалаштиришга ўтишни, алоҳида эътибор талаб қиладиган ҳудудларни ажратишни, фазовий маълумотлардан фойдаланишни ҳамда умуммиллий манфаатлар билан маҳаллий ҳамжамиятлар манфаатлари ўртасида мувозанатни таъминлашни назарда тутди. «Тараққиёт сиёсати институти»нинг ушбу йўналишдаги экспертлик ҳиссаси тизимли хусусиятга эга бўлди: мувофиқлаштирилган ҳудудий режалаштириш концепциясини ишлаб чиқиш ва ҳудудий режалаштиришнинг янги ёндашувларини кейинчалик жорий этишдан тортиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларининг янги методикаларини ишлаб чиқишни қўллаб-қувватлаш ҳамда юқори тоғли, бориш қийин бўлган ва чегарадош ҳудудларни қўллаб-қувватлаш дастурини тайёрлашда иштирок этишгача бўлган жараёнларни қамраб олди. Шунингдек, манзилли давлат қўллаб-қувватлови воситаси сифатида ҳудудлар заифлиги индекси ҳам мазкур ишнинг муҳим таркибий қисми бўлди.



МИСОЛ

Тожикистон: тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар тўғрисидаги қонунчиликни илгари суриш

Тожикистонда Аёллар ташкилотлари коалицияси тенг ҳуқуқлар ва тенг имкониятлар тўғрисидаги қонунни илгари суриш бўйича кўп йиллик жараёнда иштирок этди. Ушбу иш қонун лойиҳасини экспертлик жиҳатидан қўллаб-қувватлаш, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш, давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш ҳамда ёндашувларни халқаро мажбуриятлар билан уйғунлаштиришни ўз ичига олди. Мазкур мисол ННТлар нафақат муайян гуруҳ манфаатларининг ҳимоячилари, балки қонунчилик жараёнининг иштирокчилари сифатида ҳам фаолият юритиши мумкинлигини кўрсатади.



МИСОЛ

Туркменистон: миллий ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш

Туркменистонда жамоат ташкилотлари айрим миллий ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади. «Ынам» жамоат ташкилоти одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ишларга жалб қилинган бўлса, «Кейик Окара» жамоат ташкилоти гендер тенглиги масалалари ва эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш йўналиши билан боғлиқ фаолият юритади. Ушбу ҳолатларда ННТларнинг ҳиссаси амалий тажриба, ихтисослашган ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий жиҳатдан сезгир масалалар бўйича қарорларни шакллантириш жараёнида иштирок этишнинг уйғунлигида намоён бўлади.



МИСОЛ

Ўзбекистон: ННТларнинг оиладаги зўравонлик тўғрисидаги қонунчиликни ислоҳ қилишга қўшган ҳиссаси

Бир неча йил давомида Nemolchi.uz ташаббуси, инқироз марказлари ва фаолларни ўз ичига олган ННТлар ахборот кампанияларини ўтказди, зўравонлик ҳолатларини ҳужжатлаштирди, жабрланганларга ёрдам кўрсатди ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлади. 2023- йилда давлат органлари, парламент ва фуқаролик жамиятининг қўшма саъй-ҳаракатлари натижасида оиладаги зўравонлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни назарда тутувчи нормалар қабул қилинди ҳамда жабрланувчиларни ҳимоя қилиш механизмлари кучайтирилди.

7.3. ННТлар аҳолидан қайтар алоқа олиш канали сифатида

Давлат бошқарувининг сифати қарорларнинг амалда қандай ишлаётгани ҳақида ишончли маълумот олиш қобилиятига боғлиқ. ННТлар бошқарувнинг ушбу элементини кучайтиради, чунки улар расмий каналлар билан ҳар доим ҳам фаол мулоқот қилмайдиган гуруҳлар ва ҳудудларга чиқиш имкониятига эга. Улар хизматлардан фойдаланиш, қўллаб-қувватлаш дастурларида иштирок этиш, маҳаллий органлар ва ижтимоий муассасалар билан ҳамкорлик қилиш жараёнида юзага келадиган муаммоларни қайд этади.

Ушбу вазифада ННТлар инсон, ҳамжамият ва давлат ўртасида воситачи сифатида намоён бўлади: алоҳида мурожаатлар, маҳаллий муаммолар ва такрорланувчи тўсиқларни таклифлар, таҳлилий материаллар, жамоатчилик муҳокамалари ва дастурий қарорлар шаклига ўтказилади.

Бу, айниқса, ишончсизлик, стигма, узоқ ҳудудда яшаш ёки маъмурий тўсиқлар сабабли давлат органларига мустақил мурожаат қилиш имконияти чекланган эҳтиёжманд гуруҳлар учун алоҳида аҳамиятга эга.



МИСОЛ

Туркменистон: маҳаллий муаммоларни аниқлаш ва эҳтиёжманд гуруҳлар билан ишлаш

Туркменистонда жамоат ташкилотлари маҳаллий даражада муаммоларни аниқлайди, давлат ташаббусларининг мазмун-моҳиятини тушунтиради ҳамда расмий ахборот каналлари билан етарли даражада қамраб олинмаган гуруҳлар билан ишлайди. Бу, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар, зўравонликдан жабрланган аёллар, кекса ёшдаги шахслар ҳамда ҳуқуқий ва психологик ёрдамга муҳтож гуруҳларга тааллуқлидир.



МИСОЛ

Тожикистон: Ҳавза аёллар форумлари

Тожикистонда Сирдарё ва Кофарниҳон дарёлари ҳавзаларида «Аёл ва ҷамият» ассоциацияси жамоат ташкилоти томонидан ташкил этилган «Ҳавза аёллар форумлари» мулоқот платформаси доимий фаолият юритувчи майдон ҳисобланади. Ушбу майдон орқали сувдан фойдаланувчи аёлларнинг фикр-мулоҳазалари баённома асосида расмийлаштирилиб, тўғридан-тўғри Тожикистон Республикаси Энергетика ва сув ресурслари вазирлигига юборилади. Бу давлатга ресурсларни бошқариш соҳасидаги маҳаллий қаҳриқларга тезкор муносабат билдириш имконини беради..



МИСОЛ

Ўзбекистон: маҳаллий бюджетлар бўйича жамоатчилик мониторинги

Ўзбекистоннинг Қашқадарё вилоятида 2026- йилда маҳаллий ННТлар ва фаоллар 12 та маҳаллада «Ташаббусли бюджет» ва «Маҳалла бюджети» дастурлари бўйича жамоатчилик мониторингини ўтказди. Мониторинг объектларни кўздан кечириш, ҳужжатларни таҳлил қилиш ва бенефициарлар билан интервьюлар ўтказиш орқали амалга оширилди. Ушбу механизм орқали бошқарув органлари қарорлар қабул қилишда ишлар сифати пастлиги, тротуарлар ва сув чиқариш тизимларининг мавжуд эмаслиги, ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятининг чекланганлиги ҳамда айрим лойиҳалар расман яқунланган деб ҳисобланган бўлса-да, амалда нуқсонлар сақланиб қолганлиги ҳақидаги фактларни инобатга олиш имкониятига эга бўлди. Бу Ўзбекистонда ННТлар маҳаллий бюджет сиёсатида тузатишлар киритиш учун аҳолидан қайтар алоқа олиш канали сифатида фаолият юритаётганини кўрсатади..

Бундай қайтар алоқа давлатга қайси қарорлар аҳоли томонидан тушунарли, фойдаланиш мумкин ва самарали деб қабул қилинаётганини, қайси чора-тадбирлар мослаштиришни талаб қилишини, аҳолини хабардор қилишда қандай бўшлиқлар мавжудлигини ҳамда қайси гуруҳлар стандарт дастурлар қамровидан четда қолаётганини кўриш имконини беради. Ушбу функция нафақат ижтимоий сиёсат, балки иқтисодий ривожланиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. ННТлар орқали бошқарув органларига жойларда қайси хизматлар қандай даражада самарали ишлаётгани, инфратузилмада қандай бўшлиқлар сақланиб қолаётгани, уй хўжаликлари, тадбиркорлар ва маҳаллий ҳамжамиятлар қандай тўсиқларга дуч келаётгани ҳақидаги маълумотлар етказилади. Бундай қайтар алоқа бошқарув қарорлари сифатини ошириш ва хусусий ташаббус учун муҳитни яхшилашга хизмат қилади.

7.4. ННТлар жамоатчилик мониторинги ва ҳисобдорликни таъминлаш иштирокчилари сифатида

ННТлар дастурларни амалга ошириш жараёнини жамоатчилик мониторинги қилиш, қарорларни муҳокама этишда иштирок этиш ва ислохотларнинг айрим йўналишларини ташқи баҳолаш орқали бошқарув сифатини оширишга ҳисса қўшади. Бундай ҳисса ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий аҳамиятга эга: у муаммолар тизимли тус олишидан олдин уларни аниқлашга ёрдам беради, дастурларнинг расмий учун бажарилиши хавфини камайтиради, шаффофликни кучайтиради ҳамда давлат чора-тадбирлари амалда қандай татбиқ этилаётганини текшириш учун қўшимча механизм яратади.

Бу, айниқса, ижро сифати аҳоли турмуш шароитларига, тадбиркорлик ривожланишига, хизматларнинг



барқарорлигига ва ҳудудларнинг инвестициявий жозибadorлигига бевосита таъсир кўрсатадиган соҳаларда муҳим аҳамият касб этади.

Қозоғистонда жамоатчилик кенгашлари ва экспертлик платформалари ННТларнинг қарорларни муҳокама қилиш ва жамоатчилик назоратида иштирок этиши учун имконият яратади.

Ўзбекистонда жамоатчилик мониторингининг шакллари кузатув, жамоатчилик муҳокамалари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг экспертизаси ва жамоатчилик эшитувларини ўз ичига олади.

Қирғизистонда ННТлар давлат қарорлари мониторингида, очиқлик ва ҳисобдорликни ривожлантиришда, шунингдек, ижтимоий хизматлар, одил судловдан фойдаланиш имконияти, гендер масалалари ва маҳаллий ривожланиш билан боғлиқ мавзуларни муҳокама қилишда иштирок этади.

Тожикистонда ННТларнинг мониторинг соҳасидаги роли идоралараро ишчи гуруҳларда иштирок этиш ва стратегик ҳужжатларнинг амалга оширилишини муҳокама қилиш орқали кучайиб бормоқда.

Туркманистонда ННТларнинг мониторинг функцияси маъмурий ҳисоботлардан ташқари, энг тўлиқ тарзда фуқаро муҳофазаси, фавқулодда вазиятларга (ФВ) жавоб қайтариш ва офатлар хавфини камайтириш (ОХК) соҳасида намён бўлади.



МИСОЛ

Қозоғистон: Атбасар шаҳрида тошқинларга қарши чора-тадбирлар бўйича жамоатчилик мониторинги

Қозоғистонда Оқмўла вилоятининг Атбасар шаҳрида фаолият юритувчи «Ангел» жамоат бирлашмаси фаолияти бунинг яққол намунасидир. 2009, 2014- ва 2017- йиллардаги вайронкор тошқинлар ҳамда тошқинларга қарши чора-тадбирларнинг етарли самара бермаганидан сўнг ташкилот шаҳарни ҳимоя қилишга қаратилган қарорлар бўйича тизимли жамоатчилик мониторингини бошлади. Фаолият Жабай дарёсининг гидрологик жараёнларини мустақил таҳлил қилиш, гидрологик кузатув постлари маълумотларини йиғиш ва таҳлил қилиш, тошқинлар сабаблари бўйича эксперт хулосаларини тайёрлаш ҳамда аҳоли ва давлат органларини хабардор қилишни ўз ичига олди. Далиллар базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ш. Уалиханов номидаги Кўкшетау давлат университети олимлари, Парламент депутати, оммавий ахборот воситалари ҳамда Орхус конвенциясига риоя этилишини назорат қилиш қўмитаси каби халқаро механизмлар иштирокида коалиция шакллантирилди.



МИСОЛ

Қирғизистон: дори воситаларини тақсимлаш ва харид қилиш мониторинги

Қирғизистонда ННТлар дори воситаларини тақсимлаш ва харид қилиш жараёнлари мониторингига жалб этилган. Бундай назорат, айниқса, дори воситаларидан фойдаланиш эҳтиёжманд гуруҳларга кўрсатиладиган ёрдамнинг сифати ва узлуксизлигига бевосита таъсир кўрсатадиган соҳаларда муҳим аҳамиятга эга. ННТларнинг иштироки идоравий назоратни беморлар ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан олинadиган қайтар алоқа билан тўлдириш, шунингдек, дори воситалари билан таъминлашдаги узилишларни ўз вақтида аниқлаш имконини беради.



МИСОЛ

Туркманистон: фавқулодда вазиятлар соҳасидаги мониторинг

Фавқулодда вазиятлар бўйича Давлат комиссиясининг мувофиқлаштирувчи роли остида Туркманистон Қизил Ярим Ой Миллий жамияти давлат хизматлари ва аҳоли ўртасидаги «кўприк» вазифасини бажаради. У назоратдан кўра кўпроқ волонтерлар ва жамоатчилик қўмиталари тармоғи орқали ҳудудлардаги вазият бўйича мустақил заифлик баҳолаши ва «жойлардан» қайтар алоқани таъминлайди.



МИСОЛ

Ўзбекистон: ДХШ лойиҳалари бўйича жамоатчилик мониторинги

Қашқадарё вилоятида «Юксалиш» ҳаракати томонидан маҳаллий ННТлар, фаоллар ва экспертлар иштирокида ўтказилган давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳаларининг жамоатчилик мониторинги айрим объектлар бўйича очиқ тендерларнинг мавжуд эмаслиги, инклюзивлик билан боғлиқ муаммолар, субсидиялар ажратилишидаги кечикишлар, инвестор томонидан мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилмаганлиги ҳамда ижтимоий мажбуриятларнинг бир қисми бўйича шаффофлик етарли эмаслигини аниқлади. Натижалар тузатувчи қарорлар қабул қилиш учун асос сифатида маҳаллий ҳокимият органлари ва тегишли идораларга тақдим этилди. Ушбу кейс ННТлар инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда ҳисобдорлик ва шаффофликни кучайтиришга ҳисса қўшиши мумкинлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, минтақа учун умумий чақириқ сақланиб қолмоқда: иштирок платформаларининг мавжудлиги ўз-ўзидан қарорларга таъсир кўрсатишни кафолатламайди. Бошқарув сифатини ошириш учун ННТлар иштирокининг ўзи эмас, балки уларнинг таклифлари кейинги босқичларда қандай кўриб чиқилганини ҳам қайд этиш муҳимдир: қайси тавсиялар кўриб чиқилган, қайсилари инобатга олинган, қайсилари рад этилган ва бу қандай асосларга кўра амалга оширилган.

7.5. Ҳамкорлик платформалари ва қўшма қарорлар

Минтақа мамлакатларида давлат ва ННТлар ўртасидаги ҳамкорликнинг турли платформалари босқичма-босқич шаклланиб бормоқда: жамоатчилик кенгашлари, идоралараро ишчи гуруҳлар, фуқаролик форумлари, экспертлик платформалари, давлат ижтимоий буюртмаси механизмлари, грант дастурлари, консультациялар, жамоатчилик эшитувлари ва қўшма ҳаракат режалари.

Ушбу платформаларнинг ҳуқуқий мақоми ва таъсир даражаси турлича бўлса-да, уларнинг асосий аҳамияти мунтазам ҳамкорлик каналини яратиши билан белгиланади.

Бундай платформалар мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳамкорлик кўпинча шахсий алоқаларга, алоҳида лойиҳаларга ёки муайян давлат органларининг ташаббусларига боғлиқ бўлиб қолади.

Доимий майдонлар мавжуд бўлганда эса муаммоларни тизимли муҳокама қилиш, турли ННТ гуруҳларини жалб этиш, таклифларни таққослаш ва қайтар алоқани таъминлаш имконияти пайдо бўлади.



МИСОЛ

Қозоғистон: Маданият ва ахборот вазирлиги ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш

Қозоғистонда ҳамкорлик платформаларининг ривожланиши 2025–2026- йилларда давлат ва ННТлар ўртасидаги мувофиқлаштириш механизмларининг трансформацияси билан боғлиқ бўлиб, Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш форматида ўтишни ҳам ўз ичига олади.

Ушбу формат бошқарув сифатига бағишланган мазкур бўлим учун муҳим аҳамиятга эга, чунки у фуқаролик секторини ривожлантириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий буюртма, грант механизмлари ҳамда ННТларнинг ижтимоий аҳамиятга эга вазифаларни амалга оширишдаги иштироки масалаларини муҳокама қилиш учун янада барқарор канал яратади.



МИСОЛ

Қирғизистон: Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича кенгаш

Қирғизистонда давлат ва ННТлар ўртасидаги барқарор ҳамкорлик платформаларидан бири Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича кенгаш ҳисобланади. Бу инклюзия ва ижтимоий ҳимоя масалаларини кўриб чиқиш учун соҳавий вазирликлар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамияти ташкилотларини бирлаштирувчи доимий фаолият юритувчи маслаҳат органидир. Кенгаш қонунлар ва дастурлар лойиҳаларини кўриб чиқади, ННТлар ва фуқаролар таклифларини умумлаштиради, ижро этувчи ҳокимият органлари учун тавсиялар ишлаб чиқади ҳамда ишчи гуруҳлар ташкил этиши мумкин.



МИСОЛ

Ўзбекистон: жамоатчилик кенгашлари ҳамкорлик платформаси сифатида

Ўзбекистонда давлат ва ННТлар ўртасидаги муҳим ҳамкорлик платформаси сифатида жамоатчилик кенгашлари, ишчи гуруҳлар ва жамоатчилик эшитувлари фаолият юритади.

Коррупцияга қарши курашиш йўналиши алоҳида ажралиб туради. Бу соҳада ННТлар Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгаш таркибига киритилган бўлиб, тегишли агентлик ҳузуридаги жамоатчилик кенгашида кўпчиликти ташкил этади.

Инвестиция муҳити ва хусусий сектор ривожланиши нуқтаи назаридан ҳамкорлик платформаларининг мавжудлиги эмас, балки уларнинг давлат, маҳаллий ҳамжамиятлар, бизнес ва ривожланиш ташкилотлари ўртасидаги ахборот узилишини қисқартириш қобилияти муҳимдир.

Платформалар инфратузилма сифати, хизматлардан фойдаланиш имкониятлари, ташкилий тўсиқлар ва тадбиркорлар эҳтиёжлари ҳақидаги амалий маълумотларни ҳисобга олиш имконини берган жойларда ННТларнинг ҳиссаси жамоатчилик иштирокидан ташқарига чиқиб, ривожланиш муҳитини яхшилаш омилига айланади.



ХУЛОСА

Марказий Осиё мамлакатларида ННТларнинг давлатни мустаҳкамлаш ва бошқарув сифатини оширишга қўшган ҳиссаси бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта функциялар орқали намоён бўлади: қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этиш, фаолиятнинг миллий устувор йўналишларга мувофиқлиги, қўшма дастурларни амалга ошириш, экспертлик кўмаги, жамоатчилик мониторинги, аҳолидан қайтар алоқа олиш ва мулоқот платформаларида иштирок этиш. Ушбу функциялар ННТларни, айниқса, давлат учун бенефициарлар ишончи, ихтисослашган билимлар, маҳаллий маълумотлар ва ишлашнинг мослашувчан шакллари зарур бўлган соҳаларда ривожланиш тизимининг муҳим иштирокчисига айлантиради.

Мазкур ҳиссанинг янада кучайиши минтақа давлатларининг ННТлар иштирокини қайд этишдан унинг натижадорлигини баҳолашга ўтиш қобилиятига боғлиқ. Бунинг учун ННТлар таклифларини ҳисобга олиш, уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қайтар алоқани таъминлаш, узоқ муддатли ҳамкорлик форматларини ривожлантириш, натижаларни баҳолашнинг янада сифатли индикаторларини жорий этиш ҳамда ННТларни инсонлар, ҳамжамиятлар ва ҳудудлар эҳтиёжлари ҳақидаги амалий ахборот манбаи сифатида эътироф этиш муҳим аҳамиятга эга.



8. ННТларнинг иқтисодий ривожланишга қўшган ҳиссаси

ННТларнинг иқтисодий ҳиссаси уларнинг иш берувчилар, солиқ тўловчилар ва молиявий айланма иштирокчилари сифатидаги институционал иштироки билан чекланмайди. Ташкилотларнинг устав фаолияти орқали шаклланидиган ҳисса ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бунга иқтисодий кўникмаларни ривожлантириш, тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилишни қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжманд гуруҳлар учун иш ўринлари яратиш, маҳаллий хизматлар ва инфратузилмани ривожлантириш, ижтимоий тадбиркорлик ҳамда ҳамжамиятларни ривожланишнинг амалий вазифаларини ҳал этишга жалб қилиш киради.

Ушбу вазифада ННТлар инсонлар ва ҳудудларнинг иқтисодий фаоллиги учун шароит яратади, айниқса, меҳнат бозорига, капиталга, билимларга, инфратузилмага ва маъмурий қўллаб-қувватлашга кириш имкониятлари чекланган жойларда. Кам таъминланган уй хўжаликлари, аёллар, ёшлар, ногиронлиги бўлган шахслар, қишлоқ аҳолиси ва кичик тадбиркорлар учун бундай қўллаб-қувватлаш ёрдамга қарамликдан кўникмалар, даромад, бандлик ва маҳаллий иқтисодиётда иштирок этишга ўтишни англатиши мумкин.

Минтақа мамлакатларида мазкур ҳисса асосан икки йўналишда намоён бўлади: инсонларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ва ҳамжамиятлар ҳамда ҳудудлар даражасида иқтисодий фаоллик учун шароитларни яхшилаш. Иқтисодий йўналиш ННТлар фаолиятида сезиларли ўрин тутати. Масалан, Қирғизистонда қашшоқликка қарши курашиш ва иқтисодий имкониятларни кенгайтириш ННТлар лойиҳа фаолиятининг тахминан 25 фоизини ташкил этади.

Шу билан бирга, тўғридан-тўғри кўрсаткичлар бутун таъсирни акс эттирмайди. Иқтисодий қийматнинг катта қисми кейинчалик бенефициарларнинг даромадлари, ўзини ўзи банд қилиши, кичик бизнеси ва иқтисодий фаоллиги орқали юзага келади, буни эса стандарт статистика воситалари билан тўлиқ ўлчаш қийин.

8.1. Ижтимоий тадбиркорлик ва инклюзив ривожланиш

ННТларнинг ижтимоий тадбиркорлик соҳасидаги фаоллиги инклюзив ривожланишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Бу меҳнат бозорига кириши қийин бўлган инсонларни иқтисодий фаолиятга жалб этишни назарда тутати. Бу, айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган аёллар, қишлоқ аҳолиси, касбий кўникмаларга эга бўлмаган ёшлар, мигрантлар ва кам таъминланган уй хўжаликлари учун муҳим аҳамиятга эга. ННТлар мазкур тўсиқларни таълим бериш, менторлик қилиш, иш ўринларини мослаштириш, ишлаб чиқариш майдончаларини ташкил этиш, пуллик ижтимоий хизматларни йўлга қўйиш, жиҳозлар тақдим этиш ва стартапларни қўллаб-қувватлаш орқали енгиб ўтишга кўмаклашади.



МИСОЛ:

Туркменистон: ногиронлиги бўлган шахсларнинг ишлаб чиқариш бандлиги

Туркменистонда Кўзи ожизлар ва карлар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари кўриш ва эшитиш бўйича ногиронлиги бўлган 400 нафардан ортиқ шахсни иш билан таъминлаб, меҳнат реабилитациясига жалб қилмоқда. Қўшимча равишда, Ногиронларни қўллаб-қувватлаш марказининг мослаштирилган иссиқхонаси ҳам ушбу гуруҳ учун иш ўринларини яратмоқда. Ушбу мисоллар шуни кўрсатадики, ННТлар ҳузуридаги ижтимоий тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш фаолияти бир вақтнинг ўзида иқтисодий, реабилитацион ва интеграцион вазифани бажариши мумкин: инсон нафақат қўллаб-қувватлашга, балки меҳнат фаолиятида иштирок этиш, даромад шакллантириш ва ижтимоий фаоллигини сақлаб қолиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Тожикистонда ННТларнинг бир қисми ҳақ тўланадиган ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали қисман ўзини ўзи молиялаштириш моделларига ўта бошлади. Ушбу амалиётнинг аҳамияти ташкилотларнинг грантларга қарамлигини камайтиришдагина эмас, балки аҳолининг эҳтиёжманд гуруҳлари учун иш ўринлари ва иқтисодий фаоллиқнинг янги шакллари яратишдадир. Донорлик ёрдами қисқариб бораётган шароитда бундай моделлар ижтимоий хизматларни сақлаб қолишга ёрдам беради ва бир вақтнинг ўзида меҳнат



бозорига чиқишда қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган шахслар учун иқтисодий имкониятларни шакллантиради.



МИСОЛ

Қозоғистон: меҳнат интеграцияси ва ижтимоий ишлаб чиқариш

Қозоғистонда ижтимоий тадбиркорлик меҳнат интеграцияси ва оғир ҳаётӣ вазиятга тушиб қолган инсонларни қўллаб-қувватлаш амалиётлари орқали намоён бўлади. «ДОС» маркази инва-СТО ва ногиронлар аравачаларини ишлаб чиқариш орқали ногиронлиги бўлган шахслар учун иш ўринларини яратади. Оқтов шаҳрида аёллар учун инқироз марказлари ўз ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантирмоқда, бу эса хизматларнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлашга муҳтож аёлларни иш билан таъминлаш имконини беради. Бундай ҳолатларда иқтисодий самара ижтимоий ёрдам, касбий мослашув ва бенефициарларнинг мустақил даромадга чиқишини уйғунлаштириш орқали юзага келади.

8.2. Тадбиркорлик, ўзини ўзи банд қилиш ва иқтисодий кўникмаларни ривожлантириш

Иқтисодий фаолликка тўсиқлар кўпинча фақат капитал етишмаслиги билан эмас, балки бизнес кўникмалари, молиявий саводхонлик, бозорларни тушуниш, ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, рақамли компетенциялар ва мураббийлардан фойдаланиш имкониятининг етишмаслиги билан ҳам белгиланади. Шунинг учун ННТларнинг иқтисодий ҳиссасининг муҳим йўналишларидан бири нафақат эҳтиёжманд гуруҳлар, балки аҳолининг кенгроқ қатламлари орасида ҳам тадбиркорликни, ўзини ўзи банд қилишни ва иқтисодий кўникмаларни ривожлантириш ҳисобланади. ННТлар фаолиятини бошлаётган ва фаолият юритаётган тадбиркорлар, ёшлар, аёллар, қишлоқ аҳолиси, кичик корхоналар, ишсизлар ҳамда билим, маслаҳат, мураббийлик, рақамли воситалар ёки бошланғич қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган инсонлар билан ишлайди. Марказий Осиёдаги ННТлар тадбиркорликнинг умумий ғоясини амалий шакллarga — таълим, маслаҳат бериш, менторлик, стартапларни кузатиб бориш ва дастлабки натижаларгача қўллаб-қувватлашга айлантирмоқда. Бунда самаранинг салмоқли қисми лойиҳалар доирасидан ташқарида юзага келади: таълим олган тадбиркор, қишлоқ оиласи, аёллар ташаббуси ёки ўзини ўзи банд қилиш кўникмаларини олган ёш инсон кейинчалик ўз фаолияти орқали иқтисодий қиймат яратади.



МИСОЛ

Қирғизистон: аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш

Қирғизистонда Қирғиз Республикаси Фан, олий таълим ва инновациялар вазирлиги ҳамда минтақавий университетлар билан ҳамкорликда ҳудудларда агромарказлар ташкил этиш ривожланди. Фақат битта ННТ томонидан 2024 йил охирига қадар 6 та вилоятда 6 та агромарказ ташкил этилди. Ҳар бир агромарказ йилига 800 нафар бенефициарни ўқитади. ННТлар, шунингдек, 36 ёшгача бўлган ёшлар учун таълим марказлари тармоғини шакллантирмоқда, бу ерда бўлажак ва фаолият юритаётган фермерлар тадбиркорлик ва амалий кўникмаларга эга бўладилар. Ўндан ортиқ ННТлар бевосита аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга жалб қилинган. Улар фаолият юритаётган тадбиркор аёлларга менторлик ва таълим беради, стартапларни қўллаб-қувватлайди, ёшларни тадбиркорлик асосларига жалб қилади, туризм, молиявий саводхонлик, бизнес стратегиялари бўйича таълим ўтказиш ҳамда ҳуқуқий ёрдам кўрсатади. Айниқса, менторлик ва коучинг, шу жумладан, ҳудудлар учун масофавий ҳамроҳлик қилиш ва тадбиркор аёлларнинг минтақавий ассоциацияларини қўллаб-қувватлаш муҳим воситага айланди: бундай форматлар аёлларга нафақат билим олиш, балки бизнес юритиш йўлидаги психологик ва ташкилий тўсиқларни ҳам енгиб ўтишга ёрдам беради.



МИСОЛ

Туркменистон: қишлоқ аёлларининг рақамли саводхонлиги

Туркменистонда 450 нафар қишлоқ аёли «Йенме» ЖБ иштирокида рақамли саводхонлик курсларини тугатди. Тадбиркорлик ва иқтисодий кўникмалар ҳақидаги ушбу бўлим учун мазкур мисол шу жиҳатдан муҳимки, у ННТлар қишлоқ жойлардаги аёлларнинг ўзини ўзи банд қилиши, микробизнес юритиши, товар ва хизматларни илгари суриши ҳамда замонавий иқтисодиётда янада фаол иштирок этиши учун зарур шартга айланиб бораётган асосий рақамли компетенцияларга эга бўлиш имкониятларини кенгайтириши мумкинлигини кўрсатади.

ННТлар кўмагида минтақада тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш марказларининг ташкил этилиши намунали тенденциялардан бирига айланмоқда. Айниқса, уларнинг нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ жойларда ҳам ташкил этилаётгани муҳимдир. Бундай марказларда бизнесни қўллаб-қувватлашнинг асосий масалалари, жумладан, ҳуқуқий, молиявий, маркетинг ва коммуникация компетенциялари бўйича мутахассислар фаолият юритади. Бу моделнинг аҳамияти шундаки, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш пойтахтдан ташқарида ҳам фойдаланиш мумкин бўлган доимий хизматга айланади. Масалан, Қирғизистонда бундай марказлар республиканинг беш вилоятида ташкил этилган.

Минтақавий миқёсда мазкур йўналиш ННТлар иқтисодий билимларнинг амалий етказувчиси вазифасини бажариши мумкинлигини кўрсатади. Улар тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурлари ҳаддан ташқари умумий бўлиши мумкин бўлган, тижорат маслаҳатлари эса фаолиятини бошлаётган тадбиркорлар, қишлоқ аҳолиси ёки кичик ташаббуслар учун мавжуд бўлмаган жойларда фаолият юритади. Бу ерда иқтисодий натижа инсонларнинг мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик қарорлари сифатининг яхшиланиши, янги даромад манбаларининг пайдо бўлиши ва аҳолининг маҳаллий иқтисодиётдаги иштирокининг кенгайиши орқали юзага келади.

8.3. Инфратузилмавий ва сервис лойиҳалар ҳамда уларнинг иқтисодий шароитларга таъсири

ННТларнинг инфратузилмани ривожлантиришдаги иштироки, аввало, иқтисодий фаоллик учун маҳаллий шароитларни яхшилаш орқали намоён бўлади: жамоалар эҳтиёжларини аниқлаш, ҳамкорлар ва ресурсларни жалб қилиш, аҳоли иштирокини ташкил этиш, яратилган хизматларни бошқаришни қўллаб-қувватлаш ва инфратузилмавий ечимларни маҳаллий ривожланиш вазифалари билан боғлаш. Тадбиркорлар, фермер хўжаликлари ва маҳаллий жамоалар учун нафақат йўллар, сув, энергия ва алоқа, балки ахборотдан фойдаланиш имконияти, ташкилий қўллаб-қувватлаш, иштирокчилар ўртасидаги ишонч ва жамоанинг яратилган хизматни бошқариш қобилияти ҳам аҳамиятга эга. Ушбу йўналишда ННТлар инфратузилмавий чекловларни камайтириш, ташқи ресурсларни жалб қилиш, хизматларни бошқариш кўникмаларини шакллантириш ва шу орқали маҳаллий инвестиция муҳитининг айрим элементларини яхшилашга ёрдам беради.



МИСОЛ

Ўзбекистон: сув таъминоти маҳаллий инвестиция муҳитининг элементи сифатида

Ўзбекистонда «Taraqqiyot» аҳолининг турмуш шароитларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш республика маркази қишлоқ ҳудудларини ичимлик суви таъминотининг автоном ташкилотларини яратиш орқали ривожлантириш моделини амалга оширди. Бу ижтимоий соҳани ривожлантириш ҳамда жойлардаги иқтисодий шароитларни яхшилаш учун сезиларли натижа берди. Ишончли сув таъминотидан фойдаланиш имконияти хонадонлар харажатларини камайтиради, мактаблар, болалар боғчалари ва ижтимоий объектлар фаолиятини яхшилайди, қишлоқ аҳоли пунктларининг барқарорлигини оширади ва маҳаллий иқтисодий фаоллик учун янада башорат қилинадиган муҳит яратади. Натижада 170 мингдан ортиқ қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди, 43 та марказлаштирилмаган сув таъминоти тизими қурилди ва 850 кмдан ортиқ сув қувурлари тармоғи ётқизилди. Айниқса, 33 та тизим маҳаллий ННТлар орқали жамоалар бошқарувига топширилгани муҳим бўлиб, бу инфратузилмавий натижани хизматни маҳаллий бошқаришнинг барқарор моделига айлантиради.



8.4. Маҳаллий иқтисодий фаоллик ва жамоаларни ривожлантириш

ННТлар жамоаларга эҳтиёжларни аниқлаш, қўшма ҳаракатларни ташкил этиш, маҳаллий ресурсларни бошқариш, молиялаштиришни жалб қилиш ва яратилган хизматларни қўллаб-қувватлашда ёрдам берганда маҳаллий иқтисодий ривожланишга ҳисса қўшади. Бундай ҳисса, айниқса, иқтисодий фаоллик кўпинча заиф инфратузилма, ахборот етишмаслиги, хизматлардан фойдаланиш имкониятининг пастлиги ва қарор қабул қилиш жараёнларида аҳоли манфаатларининг чекланган даражада ифодаланиши билан чекланадиган қишлоқ, олис ва камроқ таъминланган ҳудудлар учун муҳимдир.

Ушбу йўналишда ННТлар маҳаллий ўзгаришларни ташкил этувчилар сифатида намоён бўлади. Улар аҳолининг тарқоқ эҳтиёжларини лойиҳаларга, аризаларга, дастурларга, шерикликларга ва амалий ечимларга айлантиришга ёрдам беради. Жамоалар даражасида ННТларнинг иқтисодий ҳиссаси амалий вазифаларни ҳал қилиш бўйича жамоавий салоҳиятни ривожлантириш билан боғлиқ: устувор йўналишларни аниқлаш, қўшма ҳаракатлар бўйича келишиб олиш, ресурсларни жалб қилиш, яратилган хизматларни бошқариш ва маҳаллий ҳокимият органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш. Бундай ҳисса маҳаллий ривожланишнинг ташкилий асосини шакллантиради ва маҳаллий иқтисодий ташаббусларнинг барқарорлигини оширади.



МИСОЛ

Тожикистон: ФЖТларнинг минтақавий тармоқлари ва етиб бориш қийин бўлган жамоалар

Тожикистоннинг Хатлон вилояти, Суғд вилояти ва Тоғли Бадахшон автоном вилоятидаги ФЖТларнинг минтақавий тармоқлари ёрдам, билим ва амалий ёндашувларни етиб бориш қийин бўлган жамоаларга етказиш вазифасини бажаради. Уларнинг ҳиссаси шундан иборатки, халқаро ҳамкорлар ва маҳаллий жамоалар билан ишлаш давомида тўпланган тажриба миллий чора-тадбирларни амалга ошириш ва маҳаллий ривожланишни қўллаб-қувватлаш учун қўлланилади. Бундай тармоқлар, айниқса, хизматлардан фойдаланиш, ахборот олиш ва иқтисодий имкониятлар чекланган ҳудудларда экспертлик ва операцион ресурсларнинг йўқолишининг олдини олишга ёрдам беради.



МИСОЛ

Қирғизистон: маҳаллий ҳокимият органларига инвестиция муҳитини яхшилашда кўмаклашиш

Қирғизистонда ННТлар туман маъмуриятларига ҳудудларнинг инвестиция профиллари ва маркетинг маҳсулотларини, жумладан, ҳудудлар брендинги бўйича материалларни ишлаб чиқишда ёрдам беради, шунингдек, бизнес билан ҳамкорлик платформаларини яратади, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фестиваллари ва инвестиция форумларини ўтказишда. Қирғизистонда ННТлар маҳаллий инфратузилма ва хизматларни ривожлантиришда ҳам иштирок этади, кўпинча маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан шерикликда ишлайди. Бундай ташаббуслар иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва маҳаллий инфратузилма учун ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш, донорлик молиялаштиришини излаш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги, хизматлар ва хўжалик фаолияти учун шароитлар билан боғлиқ лойиҳаларни амалий жиҳатдан амалга оширишни ўз ичига олади.

Ўзбекистонда «Taraqqiyot» модели (юқорига қаранг) маҳаллий иқтисодий ривожланиш нафақат инфратузилмани қуриш, балки ушбу инфратузилмани самарали бошқариш жараёнларини институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш билан ҳам боғлиқ эканини кўрсатади. Бу ҳолатда гап сув таъминоти тизимларини бошқариш топшириладиган маҳаллий ННТларни ташкил этиш ҳақида кетмоқда. Бу жамоаларнинг ташкилий мустақиллигини кучайтиради ва хизматни маҳаллий бошқариш амалиётини шакллантиради, бу эса турмуш сифати ҳамда қишлоқ ҳудудларининг иқтисодий шароитларини яхшилаш учун бевосита аҳамиятга эга.



8.5. Инновациялар ва иқтисодий самарага эга рақамли ечимлар

ННТлар учун инновационлик, аввало, муайян гуруҳ ёки ҳудуд эҳтиёжларига мос ечимларни тезроқ мослаштириш қобилияти сифатида муҳимдир. Давлат дастурлари одатда узоқ муддатли тайёргарликни, расмий тартиб-таомилларни ва маъмурий тизим орқали кенгайтиришни талаб қилади. ННТлар эса кичик форматдан бошлаши мумкин: пилот хизмат, ўқув курси, менторлик модели, рақамли восита, ишлаб чиқариш майдончаси ёки маҳаллий шерикликдан. Агар бундай амалиёт натижа кўрсатса, уни кенгайтириш ва янада кенгроқ қўллаш мумкин — давлат дастури, ижтимоий буюртма, бизнес билан шериклик, донорлик қўмағи ёки ташкилотнинг мустақил ривожланиши орқали. Минтақавий таҳлил мақсадлари учун ННТларнинг иқтисодий ривожланишга қўшаётган инновацион ҳиссасини шартли равишда тўрт турдаги ечимлар орқали кўриб чиқиш мумкин:

-  бандлик ва кўникмалар соҳасидаги инновациялар – меҳнат бозорига чиқиш учун қўшимча қўллаб-қувватлаш талаб этиладиган ногиронлиги бўлган шахслар, аёллар, ёшлар ва бошқа гуруҳлар учун таълим, менторлик, касбга йўналтириш, IT-кўникмаларни ривожлантириш ва меҳнат интеграциясининг янги моделлари;
-  тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш моделларидаги инновациялар – ўзини ўзи банд қилиш, ижтимоий тадбиркорлик, кичик ишлаб чиқаришлар, сервис ташаббуслари ва стартапларни ташкил этишнинг янги усуллари, жумладан, таълим бериш, менторлик, жиҳозлар тақдим этиш, бозорга чиқишни кузатиб бориш ва иш ўринлари яратиш;
-  технологик ва рақамли инновациялар – электрон тижорат, масофавий менторлик, рақамли саводхонлик, ассистив технологиялар, ёрдам кўрсатиш, мониторинг ва хизматларни мувофиқлаштириш учун рақамли воситалар;
-  экологик ва ресурсларни тежовчи инновациялар – харажатларни камайтирадиган, ҳудудлар барқарорлигини оширадиган ва маҳаллий ривожланишнинг янги моделларини яратадиган «яшил» ечимлар, иқлим ўзгаришига мослашиш, энергия самарадорлиги ва ресурсларни тежаш амалиётлари.

Иқтисодий нуқтаи назардан бундай инновациялар яна бир нечта турдаги самараларни ҳам яратади. Биринчидан, улар стандарт меҳнат бозорига кириши қийинроқ бўлган инсонлар учун бандлик ва ўзини ўзи банд қилиш имкониятларини кенгайтиради. Иккинчидан, улар рақамли ва масофавий форматлар ҳисобига билимлар, хизматлар ва маслаҳатлардан фойдаланиш харажатларини камайтиради. Учинчидан, улар таълим, ишлаб чиқариш, ассистив технологиялар ва ижтимоий тадбиркорликни ўз ичига олган ҳолда ижтимоий хизматларни қўллаб-қувватлашнинг янада барқарор моделларига айлантиришга ёрдам беради. Тўртинчидан, агар улар ресурсларни тежаш, экологик ечимлар, умумий хизматларни бошқариш ёки маҳаллий компетенцияларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлса, маҳаллий иқтисодий барқарорликни кучайтиради.



МИСОЛ

Қозоғистон: ITeachMe ва ITMIab — рақамли таълимдан инклюзив технологияларга ўтиш

Қозоғистонда ITeachMe жамоат фонди маҳаллий ташаббусдан ногиронлиги бўлган шахслар ва бошқа эҳтиёжманд гуруҳлар вакилларида рақамли компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган таълим платформасига айланди. Фонд дастурлари SMM, digital-маркетинг, график дизайн, копирайтинг, видеомонтаж ва рақамли коммуникацияларни қамраб олади, таълим жараёни эса касбий ва юмшоқ кўникмаларни уйғунлаштиради. Беш йиллик фаолият давомида платформа 1 500 нафардан ортиқ битирувчини тайёрлади, 35 тадан ортиқ таълим ва ижтимоий лойиҳани амалга оширди, битирувчиларнинг 90 фоизи эса ўқишни тугатгач иш билан таъминланди.

Кейинги босқич ITMIab — ассистив технологиялар инкубаторини ишга тушириш бўлди. У ишлаб чиқувчилар, дизайнерлар ва фойдаланувчиларни кўзи ожиз фойдаланувчилар учун «ақлли» кўзойнақлар, сенсорли интерфейслар ва бошқа рақамли ечимлар прототипларини яратиш мақсадида бирлаштирди. 2025- йилда ишлаб чиқувчиларнинг 10 та жамоаси лойиҳаларни ривожлантириш учун ҳар бирига 600 минг тенгеден (1 250 АҚШ доллари) грант олди, якуний тақдимотлар эса Astana Hub майдончасида ўтказилди. Ушбу мисол ННТлар инклюзия, рақамли кўникмалар, бандлик ва технологик тадбиркорликни қандай уйғунлаштириши мумкинлигини кўрсатади.



Қирғизистонда иқтисодий йўналишдаги ННТларнинг инновацион амалиётлари рақамли саводхонликни, электрон тижоратни, масофавий менторликни ва касбий таълимнинг янги шакллари ривожлантириш билан боғлиқ. Мисоллар қаторига кам таъминланган хонадонларни рақамли платформалардан фойдаланишга ўқитиш, жумладан меҳмон уйлари хизматларини Booking.com платформасига жойлаштириш; ҳудудлардаги тадбиркор аёлларни масофавий кузатиб бориш; ногиронлиги бўлган ёшларда IT-кўникмаларни ривожлантириш; тадбиркорлар ва маслаҳатчиларни минтақавий қўллаб-қувватлаш марказлари орқали ўқитиш киради. Бундай амалиётларнинг иқтисодий мазмуни бизнесни қўллаб-қувватлашнинг стандарт каналларидан фойдаланиши қийинроқ бўлган инсонлар ва ҳудудлар учун бозорлар, билимлар ва менторликдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришдан иборат.



ХУЛОСА

ННТларнинг Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий ривожланишига қўшаётган ҳиссаси бандлик, ўзини ўзи банд қилиш, тадбиркорлик, барқарор хизматлар, маҳаллий инфратузилма ва жамоаларнинг иқтисодий фаоллиги учун шароитлар яратиш орқали намоён бўлади. Бу ҳисса секторнинг институционал ҳиссасидан фарқ қилади: бу ерда ННТларнинг ўз ичидаги иш ўринлари ёки уларнинг солиқ тўловлари эмас, балки ташкилотлар фаолияти туфайли бенефициарлар, маҳаллий гуруҳлар, аҳолининг эҳтиёжманд тоифалари ва ҳудудларда юзага келадиган ўзгаришлар муҳим аҳамиятга эга.

Минтақавий амалиёт бундай ҳиссанинг бир нечта барқарор йўналишларини кўрсатади. Қирғизистонда ННТлар тадбиркорлик, молиявий ва рақамли кўникмаларни ривожлантиради, ўзини ўзи банд қилиш ва маҳаллий инфратузилмани қўллаб-қувватлайди. Қозоғистонда ижтимоий тадбиркорлик, ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат интеграцияси ва оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган аёллар учун иш ўринлари яратиш амалиётлари кўзга ташланади. Ўзбекистонда жамоатчилик бошқаруви ва жамоалар иштирокида қишлоқ сув таъминотини ривожлантириш кучли мисол ҳисобланади. Тожикистонда иқтисодий ҳисса ижтимоий тадбиркорлик, экспертлик ва етиб бориш қийин бўлган жамоалар билан ишлайдиган минтақавий тармоқлар орқали намоён бўлади. Туркманистонда даромад келтирувчи корхоналар ва ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлашнинг ўқув-ишлаб чиқариш моделлари муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу турдаги ҳиссанинг асосий хусусияти шундан иборатки, унинг салмоқли қисми ННТ лойиҳаси доирасидан ташқарида юзага келади. Ташкилот таълим ўтказиши, хизмат яратишга ёрдам бериши, ижтимоий корхонани қўллаб-қувватлаши ёки сув таъминотини бошқаришни йўлга қўйиши мумкин, ammo асосий иқтисодий натижа кейинроқ — бандликда, даромадларда, харажатларнинг камайишида, хонадонлар барқарорлигида ва жамоаларнинг ривожланишга оид амалий вазифаларни мустақил ҳал қилиш қобилиятида намоён бўлади.



9. ННТларнинг ижтимоий ҳиссаси ва хизматлардан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш

Қўллаб инсонлар учун ННТларнинг фойдаси мустақил равишда ёки стандарт маъмурий тартиб-таомиллар орқали ҳал қилиш қийин бўлган вазиятда амалий ёрдам олиш имкониятидан бошланади. Бу оиладаги зўравонлик, ногиронлик, ҳужжатларнинг йўқлиги, қашшоқлик, миграция хавфи, ижтимоий яқкаланиш, оғир касаллик, ҳуқуқий ҳимоясизлик ёки оила ичидаги инқироз бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда ННТлар инсон эҳтиёжини қўллаб-қувватлаш олишнинг тушунарли йўлига айлантиришга ёрдам беради: дастлабки мурожаат ва маслаҳатдан тортиб хизматдан фойдаланиш, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, ҳужжатларни тиклаш, реабилитация, инқирозли ёрдам ёки ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига киритилишгача.

ННТларнинг ижтимоий роли, айниқса, муассасаларга нисбатан ишончсизлик, стигма, ахборотнинг етарли эмаслиги, хизматларнинг узоқлиги, оила аъзоларига қарамлик, ҳуқуқий саводхонликнинг пастлиги ёки мустақил равишда ёрдам сўраб мурожаат қилиш учун ресурслар етишмаслиги билан мураккаблашган гуруҳлар учун муҳим аҳамиятга эга. ННТлар инсоннинг ҳаётий вазиятига яқинроқ ишлайди ва кўпинча муаммони комплекс тарзда кўра олади: ҳуқуқий масалалар, психологик ҳолат, хавфсизлик, ҳужжатлар, даромад, уй-жой, соғлиқ, оиладаги муносабатлар ва давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти.

9.1. Ижтимоий ёрдам ва ихтисослаштирилган хизматлар

ННТларнинг ижтимоий хизматлари индивидуал ёндашув, ишонч ва касбий ихтисослашувни талаб қиладиган эҳтиёжлар атрофида шаклланади. Бу уларни қабул қилувчиларнинг кенг доираси ва стандарт тартиб-таомилларга мўлжалланган оммавий дастурлардан ажратиб туради.





ННТлар кўпинча инсонга битта хизмат эмас, балки ўзаро боғлиқ ҳаракатлар кетма-кетлиги зарур бўлган вазиятлар билан ишлайди: маслаҳат бериш, эҳтиёжларни баҳолаш, мутахассисга йўналтириш, давлат органларига мурожаат қилишда ёрдам бериш, оилани қўллаб-қувватлаш, реабилитация ёки кейинги алоқа.

Минтақа мамлакатларида ННТлар ижтимоий, реабилитацион, маслаҳат, таълим, тиббий-ижтимоий, психологик ва гуманитар хизматлар кўрсатади. Уларнинг роли, айниқса, қўшимча ҳамроҳликсиз стандарт хизмат расман мавжуд бўлса-да, амалда ундан фойдаланиш қийин бўлган гуруҳлар билан ишлашда яққол кўринади. Бундай ҳолатларда ННТлар инсон ва ёрдам тизими ўртасида воситачи сифатида ҳаракат қилади: ҳуқуқларни тушунтиради, ҳужжатларни расмийлаштиришга ёрдам беради, мурожаатни кузатиб боради, мутахассисларга йўналтиради, оила, жамоа ва давлат тузилмалари билан алоқани қўллаб-қувватлайди.

Ихтисослаштирилган хизматлар минтақанинг шундай ижтимоий соҳаларида пайдо бўладики, бу ерда одатий ёрдам тизими ҳар доим ҳам етарли даражада мослашувчанлик ёки тор ихтисослашган компетенцияга эга эмас. Бундай йўналишларга қуйидагилар киради:

- ❁ аутизми бўлган болаларга ёрдам бериш;
- ❁ ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш;
- ❁ зўравонликдан жабр кўрганлар учун инқирозли хизматлар;
- ❁ болалар уйлари битирувчиларини кузатиб бориш;
- ❁ хоспис беморларига ёрдам бериш;
- ❁ кам учрайдиган касалликларга чалинган инсонларни қўллаб-қувватлаш;
- ❁ кекса ёшдаги инсонлар учун хизматлар;
- ❁ мигрантларга ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш.

Ушбу йўналишларда ННТлар бенефициарлар ва уларнинг оилалари билан ҳар кунлик ишлаш жараёнида олинadиган амалий билимларни тўплайди.

ННТларнинг ижтимоий ёрдами давлат учун ҳам аҳамиятга эга, чунки у манзиллилик ва хизмат олувчи билан доимий мулоқотни талаб қиладиган хизматларга бўлган эҳтиёжнинг бир қисмини қоплайди. Бундай ёрдам инсон мураккаб тартиб-таомиллар, ахборот етишмаслиги ёки мурожаат қилишдан қўрқиш сабабли қўллаб-қувватлаш тизимидан ташқарида қолиб кетиши хавфини камайтиради. Оилалар ва жамоалар учун эса бу кўпинча барқарорликни тиклаш ва ижтимоий тарангликни камайтириш сари қўйилган биринчи қадамга айланади



МИСОЛ

Қирғизистон: ярим стационар ижтимоий хизматлар

Қирғизистонда ярим стационар ижтимоий хизматларнинг 72 фоизи нодавлат хизмат кўрсатувчилар томонидан тақдим этилади, уларнинг аксарияти ННТлар ҳисобланади. Бундай хизматларга ногиронлиги бўлган болалар учун ривожлантириш марказлари, инқироз марказлари, ижтимоий-тиббий ва ижтимоий-психологик хизматлар кўрсатиш марказлари, кекса ёшдаги инсонлар учун кундузги уйлар ва эҳтиёжманд гуруҳларни қўллаб-қувватлашнинг бошқа шакллари киради. Ушбу мисол ННТларнинг юқори ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ва хизмат олувчилар билан ишлашни янада мослашувчан ташкил этишни талаб қиладиган хизматларни кўрсатишдаги тизимли ролини намоён этади.

9.2. Эҳтиёжманд гуруҳларни қўллаб-қувватлаш ва фойдаланишдаги тўсиқларни камайтириш

Эҳтиёжмандлик қашшоқлик, ногиронлик, зўравонлик, ёш, миграция, ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги, ижтимоий стигма, олис ҳудудда яшаш ёки бошқа оила аъзоларига қарамлик билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда хизматнинг расман мавжудлиги ундан ҳақиқий фойдаланиш имкониятини кафолатламайди.

ННТлар инсон билан индивидуал ишлаш орқали ушбу тўсиқларни камайтиришга ёрдам беради ва бундай ёндашув, айниқса, муассасаларга бевосита мурожаат қилишга тайёр бўлмаган ёки муаммони ҳал қилишни қайси қадамдан бошлашни билмайдиган инсонлар учун муҳим аҳамиятга эга.



МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ННТлар:

РИВОЖЛАНИШГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ, БОШҚАРУВ ВА БАРҚАРОРЛИК 2026 й.

ННТлар томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам кўпинча битта хизматни эмас, балки ҳаракатлар кетма-кетлигини ўз ичига олади ҳамда ваколатли давлат органлари билан яқин ҳамкорликда, белгиланган протоколлар ва давлат стандартларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади: муаммони аниқлаш, маслаҳат бериш, ҳамроҳлик қилиш, манфаатларни ҳимоя қилиш, реабилитация ва такрорий қўллаб-қувватлаш.

Ҳаётий вазиятларнинг мураккаблиги ННТларнинг ролини, айниқса, яққол намоён қилади. Зўравонликни бошидан кечирган аёл бир вақтнинг ўзида бошпанага, ҳуқуқий ҳимояга, психологик ёрдамга, тиббий қўллаб-қувватлашга, болаларни ҳимоя қилишга ва даромад манбасини тиклашга муҳтож бўлиши мумкин. Ногиронлиги бўлган шахс реабилитацияга, муҳитни мослаштиришга, таълимдан фойдаланиш имкониятига, ҳуқуқий ҳимояга ҳамда оила ёки жамоа муносабатини ўзгартиришга муҳтож бўлиши мумкин. ННТлар ушбу элементларни изчил амалий ёрдамга бирлаштира олади.



МИСОЛ

Тожикистон: аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун рақамли воситаларни жорий этиш

Тожикистонда Жамоат бирлашмалари коалицияси Тожикистон Республикаси Ҳукумати ҳузуридаги Аёллар ва оила ишлари қўмитаси билан ҳамкорликда аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини рўйхатга олишнинг электрон тизимини ишлаб чиқди ва жорий қилди. Тизим миллий даражада жорий этилди; давлат хизматчилари ва ижтимоий ходимларнинг салмоқли қисми рақамли маълумотлар базаси билан ишлаш кўникмаларига ўқитилди. Шу тариқа, ННТлар нафақат жабрланганларга ёрдам кўрсатди, балки муаммони давлат томонидан мониторинг қилиш учун технологик асосни ҳам яратди.

Психологик ёрдам мустақил аҳамиятга эга, чунки кўплаб бенефициарлар ННТларга инқироз, қўрқув, саросима ёки узоқ давом этган эмоционал зўриқиш ҳолатида мурожаат қилади. Зўравонлик, эксплуатация, оилавий можаро, оғир касаллик, камситиш ёки ижтимоий яқкаланишни бошидан кечирган инсонлар учун бундай қўллаб-қувватлаш суҳбат учун хавфсиз муҳит яратади, жароҳатли тажриба оқибатларини камайтиришга ёрдам беради ва мустақил қарор қабул қилиш қобилиятини тиклайди. Ҳуқуқий, ижтимоий ва тиббий ёрдам билан биргаликда у қўллаб-қувватлашни янада тўлиқ қилади ҳамда инсоннинг инқироздан чиқиш эҳтимолини оширади.

Ўзбекистонда ННТлар аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар, болалар, кам таъминланган оилалар ва ёрдамга муҳтож бошқа гуруҳларга ҳуқуқий ва психоижтимоий қўллаб-қувватлаш кўрсатади. Ногиронлик соҳасида бундай ташкилотлар хайрия ёндашувидан ҳуқуқларни ҳимоя қилишга, меҳнатдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга, иш берувчилар билан ҳамкорлик қилишга ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат ҳаётида янада фаол иштирок этишига кўмаклашади.



МИСОЛ

Туркманистон: одам савдосига қарши кураш бўйича ишонч телефони

Туркманистонда «Ынам» жамоат бирлашмаси 15 йилдан ортиқ вақтдан бери одам савдосига қарши кураш бўйича ишонч телефонини юритиб келмоқда. Фаолияти давомида 10 мингдан ортиқ инсон маслаҳат олган. Ишонч телефони ахборот, ҳуқуқий ва маслаҳат ёрдамини уйғунлаштиради, эксплуатация хавфларини аниқлашга ва инсонларни кейинги қўллаб-қувватлашга йўналтиришга ёрдам беради. Ижтимоий ҳисса нуқтаи назаридан ушбу мисол шу жиҳатдан муҳимки, ННТлар ишонч ва тезкор муносабатни талаб қиладиган сезгир муаммо бўйича ёрдамдан фойдаланиш имкониятини таъминлайди.



МИСОЛ

Тожикистон: одам савдосига қарши кураш бўйича ишонч телефони

Тожикистонда 20 дан ортиқ ташкилотни бирлаштирган «Умед» тармоғининг фаолияти «олис қишлоқлар овози»ни одам савдосига қарши кураш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳ фаолиятига интеграция қилиш имконини берди. Бу ердаги сифат жиҳатидан ўзгариш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорликнинг кучайишида намоён бўлди, бу эса давлат ҳаракат режаларини трансформация қилиб, уларни мигрантларни эксплуатация қилиш хавфларининг олдини олиш соҳасида янада манзилли ва самарали қилди.



МИСОЛ

Ўзбекистон: IshPlus.uz платформаси орқали инклюзив иш билан таъминлаш

Sharoit Plus ННТси ногиронлиги бўлган шахсларнинг иқтисодий интеграциясини 2021 йилда ишга туширилган IshPlus.uz платформаси орқали ривожлантирмоқда. Платформа иш изловчиларга маслаҳат олиш, тайёргарликдан ўтиш ва иш топишга ёрдам беради, иш берувчиларга эса ходимларни танлаш ва инклюзив иш билан таъминлаш масалалари бўйича ҳамроҳлик хизматларини тақдим этади. Фақат дастлабки олти ой ичида ногиронлиги бўлган 130 нафардан ортиқ шахс иш билан таъминланган.

9.3. Инқирозли ва реабилитация хизматлари

Минтақадаги ННТларнинг инқирозли ва реабилитация хизматлари алоҳида аҳамиятга эга, чунки улар инсонга шошилиш, махфий ёки ихтисослаштирилган ёрдам зарур бўлган вазиятлар билан боғлиқ. Бу зўравонлик, одам савдоси, оилавий инқироз, ҳужжатларни йўқотиш, ногиронлик, оғир касаллик, қарамлик, қонун билан боғлиқ можаро, уйсизлик ёки шошилиш аралашув ва кейинги тикланишни талаб қиладиган бошқа вазият бўлиши мумкин. Инқирозли ёрдам юқори даражада сезгирлиги билан ажралиб туради. Бу ерда нафақат касбий компетенциялар, балки ишонч, хавфсизлик, тезкор алоқа қилиш имконияти, инсон билан ностандарт вазиятда ишлашга тайёрлик ва бир нечта турдаги ёрдамни мувофиқлаштириш қобилияти ҳам муҳимдир. ННТлар кўпинча инсон қўллаб-қувватлаш сўраб мурожаат қиладиган биринчи бўғинга айланади.

Реабилитация хизматлари узоқроқ муддатли истиқболга эга. Улар инсонга кўникмаларни, соғлиқни, мустақилликни, ижтимоий алоқаларни, таълим олиш, меҳнат қилиш ёки жамоа ҳаётида иштирок этиш қобилиятини тиклашга ёрдам беради. Ногиронлиги бўлган болалар, оғир касалликка чалинган инсонлар, зўравонликдан жабрланганлар ёки оғир ҳаётини вазиятга тушиб қолган инсонлар билан ишлашда реабилитация кўпинча доимий ҳамроҳлик қилишни, оиланинг иштирокини ва хизматни тикланиш жараёнидаги илгарилашга мос равишда мослаштириб боришни талаб қилади.



МИСОЛ

Ўзбекистон: зўравонликдан жабр кўрган аёлларга инқирозли ёрдам

Бибисора Арипова раҳбарлигидаги «Раҳмдиллик» ННТси Ўзбекистонда оиладаги зўравонликдан жабр кўрган аёллар учун ташкил этилган илк инқироз марказларидан бири бўлди. Марказ аёллар ва болалар учун мўлжалланган 4-ўриндан тахминан 50-ўрингача кенгайди, вақтинчалик бошпана, тиббий, психологик, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатади. 1000 нафардан ортиқ аёл реабилитациядан ўтди, жумладан, касб-ҳунарларга ўқитиш, ҳунармандчиликка ўргатиш ва ўзини ўзи банд қилишни қўллаб-қувватлаш хизматларини олди.



МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ННТлар:

РИВОЖЛАНИШГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ, БОШҚАРУВ ВА БАРҚАРОРЛИК 2026 й.

ННТларнинг инқирозли ва реабилитация ишлари ижтимоий ҳимоя тизими учун ҳам аҳамиятга эга. Улар стандарт хизматлар билан етарлича қамраб олинмаган гуруҳларни аниқлаш, янада манзилли ёрдам моделларини синовдан ўтказиш ва давлатга қўллаб-қувватлашнинг қайси турлари узоқ муддатли молиялаштириш ёки институционал мустаҳкамлашга муҳтож эканини кўрсатиш имконини беради.

Қозоғистонда ННТлар маиший зўравонликдан жабр кўрганларга, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оилаларга, аутизми бўлган болаларга, болалар уйлари битирувчиларига, кекса ёшдаги инсонларга ва хоспис беморларига инқирозли ҳамда ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатишда иштирок этади. Бундай хизматлар эҳтиёжларни индивидуал баҳолашни, фанлараро ёндашувни ва инсон ёки оила билан барқарор мулоқотни талаб қилади.

Туркменистонда жамоат ташкилотлари сурдотаржима, реабилитация ва ногиронлиги бўлган шахсларни меҳнатга мослаштириш хизматларини кўрсатади.



МИСОЛ

Қозоғистон: фуқаролик ҳамжиҳатлиги ва инқирозли вазиятларга жавоб қайтариш

«Кислород SOS» ташаббуси Тараз шаҳрида COVID-19 пандемияси даврида тиббий кислород танқислиги ва ёрдам тизимининг ортиқча юкланишига жавоб сифатида пайдо бўлди. Волонтерлар кислород баллонлари, дори-дармонлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришди, кекса ёшдаги инсонларни, ҳаракатланиш имконияти чекланган фуқароларни ва ўзини ўзи яқкалаштирган оилаларни қўллаб-қувватлашди. Пандемиянинг ўткир босқичидан кейин ташаббус жамоат бирлашмаси сифатида рўйхатдан ўтди ва ёрдамни Жамбил вилоятининг туманларига ҳам кенгайтирди. Ташкилот ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган оилалар, хусусий болалар уйларидаги болалар ва кекса ёшдаги фуқароларни қўллаб-қувватлайди, шунингдек, автомобиль йўлларидаги қишки бўронлар каби фавқулодда вазиятларда ҳам ёрдам кўрсатишда иштирок этади. Ушбу мисол ННТлар ва волонтерлик ташаббуслари маҳаллий ресурсларни тезкор сафарбар қилиши ва инқирозли шароитларда жамоаларнинг барқарорлигини ошириши мумкинлигини кўрсатади.



МИСОЛ

Қирғизистон: оиладаги зўравонликдан жабр кўрганлар учун инқироз марказлари

Қирғизистонда оилавий зўравонликдан жабрланган шахслар учун кризис марказларининг аксарияти ННТлар томонидан ташкил этилган ва фаолият юритади. Бундай марказлар вақтинчалик жойлаштириш, психологик ёрдам, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя олиш учун мурожаат қилишда ёрдам кўрсатади. Давлат ижтимоий буюртмаси механизми орқали давлат томонидан қўллаб-қувватлаш махфийлик ва жабрланганлар билан ихтисослаштирилган ишлашни талаб қиладиган соҳада ННТлар салоҳиятидан фойдаланиш имконини беради.

9.4. Бенефициарларнинг имкониятлари ва ҳаёт сифатидаги ўзгаришлар

ННТларнинг ижтимоий ҳиссаси инсон ёрдам олгандан кейин унинг ҳолатида юз берадиган ўзгаришлар билан боғлиқ: хавфсизликнинг тикланиши, ҳуқуқлардан фойдаланиш имконияти, соғлиқнинг яхшиланиши, яққаланишнинг камайиши, кўникмаларнинг пайдо бўлиши, мустақилликнинг ошиши, ижтимоий алоқаларнинг кенгайиши ва жамоа ҳаётида иштирок этиш.



Кўплаб бенефициарлар учун ННТлар ёрдами ҳаётий вазиятнинг барқарор ўзгаришига олиб борувчи «кириш нуқтаси»га айланади. Ҳуқуқий маслаҳат ҳужжатларни тиклашга ёки қонуний қўллаб-қувватлашни олишга олиб келиши мумкин. Психологик ёрдам инсонга инқироздан чиқишда ёрдам бериши мумкин. Реабилитация хизмати ногиронлиги бўлган бола ёки катта инсоннинг мустақиллигини ошириши мумкин. Таълим ва мунтазам қўллаб-қувватлаш бандлик, таълим ёки ижтимоий интеграция сари йўл очиши мумкин.

Бундай ўзгаришлар кўпинча босқичма-босқич шаклланади. Бир хизмат бутун муаммони камдан-кам ҳолларда ҳал қилади, аммо изчил ишлаш, ташкилотга бўлган ишонч ва давлат қўллаб-қувватлаш механизмлари билан боғлиқлик инсон ёки оиланинг ҳаёт йўналишини ўзгартириши мумкин. Шунинг учун ижтимоий ҳиссани баҳолаш кўрсатилган хизматлар ҳажмига эмас, балки ўзгаришлар сифатига ҳам эътибор қаратишни талаб қилади.

Умуман олганда, ННТларнинг ижтимоий ҳиссасини ягона кўрсаткичлар тўпламига келтириб бўлмайди, чунки хизматлар қамрови ҳар доим ҳам инсон ҳаётидаги ўзгаришлар чуқурлигини акс эттирмайди. Шунга қарамай, миқдорий кўрсаткичлар иш кўламини тушуниш учун муҳимдир: улар маслаҳат, хизмат ёки қўллаб-қувватлаш олган инсонлар сонини, яратилган сервислар, тайёрланган мутахассислар, волонтерлар, иш ўринлари ёки фаолият юритаётган марказлар сонини кўрсатади.

Минтақа мамлакатларида турли хил миқдорий маълумотлар мавжуд. Айрим кўрсаткичлар бенефициарларнинг бевосита қамровини акс эттирса, бошқалари хизмат кўрсатиш инфратузилмасини, яна бошқалари эса ёрдамнинг кадрлар ёки волонтерлик базасини ифодалайди. Бу маълумотлар ҳар доим ҳам мамлакатлар ўртасида таққосланавермайди, аммо улар ННТларнинг ижтимоий ҳиссаси амалий ва ўлчанадиган ифодага эга эканини тасдиқлайди.



ХУЛОСА

Марказий Осиё мамлакатларида ННТларнинг ижтимоий ҳиссаси инсонларнинг эҳтиёжмандлик, хавф-хатарлар, ҳуқуқларнинг бузилиши ёки қўллаб-қувватлаш учун мустақил мурожаат қилиш имкониятларининг чекланганлиги билан боғлиқ вазиятларда ёрдам, хизматлар ва ҳимоядан амалий фойдаланиш имкониятини таъминлаш орқали шаклланади. ННТлар инсонларга дастлабки муаммодан аниқ ечимгача бўлган йўлни босиб ўтишда ёрдам беради: маслаҳат, хизмат, ҳужжатлар, ҳимоя, реабилитация, хавфсиз жойлаштириш ёки ижтимоий ёрдам тизимига киритилиш.

Минтақавий амалиёт ННТларнинг ижтимоий ҳиссаси бир нечта барқарор хусусиятларга эга эканини кўрсатади. У манзиллидир, чунки инсоннинг муайян ҳаётий вазиятига йўналтирилган. У комплексдир, чунки ҳуқуқий, психологик, ижтимоий, реабилитацион ва маслаҳат ёрдамини бирлаштиради. У ишончга асосланган, чунки кўплаб бенефициарлар сезгир ва инқирозли вазиятларда қўллаб-қувватлаш сўраб мурожаат қилади. У қамров бўйича ўлчаниши мумкин, аммо унинг янада чуқурроқ натижалари инсонларнинг ҳаёт сифати, мустақиллиги ва ҳимояланганлигидаги ўзгаришлар билан боғлиқ.

ННТларнинг ижтимоий ҳиссасини янада кучайтириш учун барқарор молиялаштириш, ихтисослаштирилган хизматларни давлат тизимларида тан олиш, давлат ижтимоий буюртмасини ривожлантириш, натижаларни сифат жиҳатидан баҳолаш ва муваффақиятли моделларни ижтимоий сиёсат амалиётига янада тизимли равишда киритиш муҳим аҳамиятга эга.



10. ННТларнинг тематик ҳиссаси: Марказий Осиё бўйича умумий «харита»

Аввалги бўлимларда ҳисоботнинг институционал ҳиссаси, бошқарув сифатидаги иштироки, иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари ёритилган эди. Ушбу бўлимда эътибор фаолиятнинг тематик йўналишлар бўйича тақсимланишига қаратилган: соғлиқни сақлаш, таълим, гендер масалалари, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, экология, қашшоқликка қарши кураш, маҳаллий ривожланиш, ёшлар, маданият ва ижтимоий бирдамлик.


ННТлар камдан-кам ҳолларда тематик йўналиш доирасида фақат битта функция билан чекланади. Соғлиқни сақлаш соҳасида улар бир вақтнинг ўзида профилактика, беморларни кузатиб бориш, мутахассисларни ўқитиш ва ресурсларни жалб қилиш билан шуғулланиши мумкин. Таълим соҳасида — кўникмаларни ривожлантириш, эҳтиёжманд гуруҳларга ёрдам бериш, янги методикалар яратиш ва педагоглар малакасини ошириш билан. Адлия соҳасида эса — фуқароларга маслаҳат бериш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар экспертизасида иштирок этиш ва ҳуқуқлардан фойдаланишдаги тизимли тўсиқларни қайд этиш билан. Шунинг учун тематик харита алоҳида «фаолият соҳалари»ни эмас, балки ҳар бир ривожланиш соҳасида ННТлар функцияларининг турли комбинацияларини кўрсатади.

Марказий Осиё мамлакатлари учун бундай харита маълумотларнинг бир хил эмаслиги сабабли умумий манзарани яхшироқ акс эттиради. Айрим мамлакатларда миқдорий кўрсаткичлар яхшироқ тақдим этилган бўлса, бошқаларида сифатли кейслар, давлат дастурларида иштирок, эксперт майдончалари ёки муайян гуруҳлар билан ишлаш мисоллари кўпроқ учрайди. Шунинг учун ушбу бўлим мамлакатларни тематик ҳисса кўлами бўйича рейтингламайди, балки минтақада ННТларнинг асосий ривожланиш йўналишларидаги иштироки қандай умумий манзарани шакллантираётганини кўрсатади.

Минтақанинг умумий манзарасини кўргазмали тарзда тақдим этиш учун қуйида ННТларнинг ривожланишнинг асосий секторлари бўйича тематик фаоллиги оид баҳолаш диаграммаси келтирилган (11-расм).

Диаграмма Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркменистоннинг сектор маълумотлари, шунингдек, Ўзбекистон ва Тожикистон бўйича мамлакат материалларида ННТларнинг тематик намоён бўлиш даражасига берилган эксперт баҳоси асосида тузилган. Улушлар баҳолаш хусусиятига эга бўлиб, ташкилотлар сони ёки молиялаштириш ҳажмининг расмий статистикасини эмас, балки тематик фаоллик тақсимотини кўрсатади.

11-расм. Марказий Осиёда ННТларнинг тематик фаоллиги тақсимотини баҳолаш кўриниши.






ННТларнинг тематик ҳиссаси

ННТларнинг Марказий Осиё ривожланишига қўшадиган ҳиссасининг 7 та асосий йўналиши



БАРЧА СОҲАЛАРДА ННТЛАРНИНГ КЕСИШУВЧИ ФУНКЦИЯЛАРИ:



10.1. Соғлиқни сақлаш

Соғлиқни сақлаш ва у билан боғлиқ йўналишларда ННТлар профилактика, ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, беморларни қўллаб-қувватлаш ҳамда стандарт тиббий хизмат қўшимча ижтимоий, психологик ёки ахборот компонентида муҳтож бўлган гуруҳлар билан ишлашга оид соҳаларда фаолият юритади. Уларнинг роли, айниқса, ОИВ, сил, сурункали ва оғир касалликлар, реабилитация, паллиатив ёрдам, беморлар ҳамжамиятлари ва тиббий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларида яққол намоён бўлади. Асосий фаолият йўналишлари:

- касалликларнинг олдини олиш ва аҳоли ўртасида ишончли ахборотни тарқатиш;
- беморлар ҳамжамиятлари ва стигмага дуч келаётган гуруҳлар билан ишлаш;
- ижтимоий-тиббий ва ижтимоий-психологик хизматлар;
- реабилитация хизматлари ва беморларнинг мустақиллигини қўллаб-қувватлаш;
- сурункали ва оғир касалликларда ўзини ўзи қўллаб-қувватлаш дастурлари;
- барқарор молиялаштиришни талаб қиладиган йўналишлар учун ташқи ресурсларни жалб қилиш;
- мутахассисларни ўқитиш ва муассасаларнинг беморлар эҳтиёжларига нисбатан сезгирлигини ошириш;
- даволаниш, дори воситалари ва хизматлардан фойдаланиш имкониятлари бўйича жамоатчилик мониторинги;
- профилактика ва соғлиқни қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва ҳ.к.и т. д.



МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ННТлар:

РИВОЖЛАНИШГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ, БОШҚАРУВ ВА БАРҚАРОРЛИК 2026 й.

Қозоғистонда ННТлар беморларни қўллаб-қувватлаш, хоспис ёрдами, кам учрайдиган ва ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар соҳасида фаолият юритади. Туркменистонда ижтимоий йўналтирилган ташкилотлар тиббий-ижтимоий ва реабилитация қўллаб-қувватлашига муҳтож гуруҳлар билан ишлайди. Ўзбекистон ва Тожикистонда ННТларнинг соғлиқни сақлаш соҳасига қўшаётган ҳиссаси кўпроқ ижтимоий ҳимоя, психоижтимоий қўллаб-қувватлаш ва эҳтиёжманд гуруҳлар билан боғлиқ дастурлардаги иштирок орқали намоён бўлади. Қирғизистонда ННТлар ижтимоий-тиббий хизматлар, реабилитация хизматлари ва профилактика тадбирларини ташкил этиш ва кўрсатишда иштирок этади, соғлиқни мустаҳкамлаш дастурларини амалга оширади, оғир ва сурункали касалликларга чалинган беморларни қўллаб-қувватлайди. Муҳим йўналишлардан бири ОИВ ва сил билан боғлиқ ишлар бўлиб, бу соҳада ННТлар қўшимча ресурсларни жалб қилишга ва ишончли мулоқотни талаб қиладиган гуруҳлар билан ишлашга ёрдам беради.



МИСОЛ

Қирғизистон: ОИВ ва сил — ННТлар ва давлат шериклигининг соҳаси

Қирғизистонда ННТларнинг ОИВ ва сил йўналишларидаги иштироки давлат механизмлари, халқаро молиялаштириш ва мақсадли гуруҳлар билан тўғридан-тўғри ишлашни ўзаро боғлаш имконини беради. ННТларнинг фаол иштироки ушбу йўналишларда давлат бюджети қўллаб-қувватланиши учун йилига 24 миллиондан 30 миллион АҚШ долларигача бўлган қўшимча маблағларни жалб қилишга ёрдам беради. Ушбу мисол ННТларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳиссаси нафақат алоҳида хизматларни кўрсатиш, балки секторнинг ресурс базасини кенгайтириш, беморлар гуруҳларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш ва ёрдамнинг узлуксизлигини сақлаб қолиш билан ҳам боғлиқ эканини кўрсатади.

Соғлиқни сақлаш сектори ННТларнинг энг характерли ролларидан бирини намоён қилади: улар соғлиқни сақлаш тизимининг давлат томонидан камроқ қўллаб-қувватланадиган ва хусусий сектор учун тижорий қизиқиш уйғотмайдиган элементларини кучайтиради (профилактика ва хабардор қилиш, ишончга асосланган ва манзилли ёндашув, беморлар билан узоқ муддатли мулоқот ва хизматларни эҳтиёжманд гуруҳларга мослаштириш).

10.2. Таълим ва кўникмаларни ривожлантириш

Таълим ННТлар учун энг табиий фаолият соҳаларидан бири ҳисобланади, чунки инсонга кўрсатиладиган деярли ҳар қандай барқарор ёрдам билимлар, кўникмалар ва мустақил ҳаракат қилиш қобилиятини кенгайтириш билан боғлиқ. ННТларнинг таълим соҳасига қўшаётган ҳиссаси ўқув дастурлари доирасидан ташқарига чиқади ва инсон капитали, касбий кўникмаларни ривожлантириш ҳамда стандарт таълим тизимида тўсиқларга дуч келаётган гуруҳлар учун таълимдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришда намоён бўлади. Асосий фаолият йўналишлари:

- ❁ катталар ва ёшлар учун норасмий таълим;
- ❁ касбий таълим ва қайта тайёрлаш;
- ❁ ижтимоий, таълим ва ҳуқуқий соҳалар мутахассисларининг малакасини ошириш;
- ❁ рақамли кўникмаларни ривожлантириш ва замонавий таълим шаклларида фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;
- ❁ ногиронлиги бўлган болалар ва катталар учун инклюзив таълим;
- ❁ мактабгача таълим, мактабдан ташқари таълим ва қўшимча таълим амалиётларини қўллаб-қувватлаш;
- ❁ молиявий, ҳуқуқий ва фуқаролик саводхонлиги бўйича таълим;
- ❁ волонтерлар ва жамоатчилик етакчиларини тайёрлаш;
- ❁ ўқув материаллари ва мослаштирилган методикаларни ишлаб чиқиш;
- ❁ давлат органлари вакилларини сезгир ижтимоий масалалар бўйича ўқитиш.

Ўзбекистонда ННТларнинг таълим соҳасига қўшаётган ҳиссаси ижтимоий, маданий, ҳуқуқий ва маърифий ташаббуслар билан боғлиқ. Туркменистонда жамоат ташкилотлари касбий ривожланиш,



ёшлар сиёсати, волонтерлик ва маърифий тадбирларда иштирок этади. Тожикистонда ННТлар таълимдан ҳуқуқий, гендер, рақамли ва жамоатчилик компетенцияларини ривожлантириш воситаси сифатида фойдаланади. Қирғизистонда ННТлар малака ошириш, катталар учун норасмий касбий таълим, эҳтиёжманд гуруҳлар учун қўшимча таълим, инклюзив таълим ва мактабгача таълим хизматларидан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш соҳаларида фаол ишлайди. Қозоғистонда ногиронлиги бўлган шахсларни замонавий касбий кўникмаларга ўқитишни ҳам ўз ичига олган рақамли ва инклюзив таълим амалиётлари ривожланмоқда.



МИСОЛ

Туркменистон: рақамли саводхонлик, касбий таълим ва волонтерларни тайёрлаш

Туркменистонда «Йенме» жамоат бирлашмаси ҳузурида 450 нафар қишлоқ аёли рақамли саводхонлик курсларини тугатди, 200 нафарга яқин волонтер эса «Волонтерлик академияси» лойиҳаси доирасида ижтимоий дастурларда иштирок этиш учун тайёрланди. Шунингдек, Туркменистон бухгалтерлар иттифоқи мамлакатда бухгалтерларни масофавий ўқитиш ва сертификатлаш учун биринчи онлайн-платформани ишлаб чиқди ва жорий қилди; 2024- йилда ҳудудлардан 2 000 нафардан ортиқ мутахассис малака оширишдан ўтди. Ушбу мисоллар ННТларнинг замонавий компетенциялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, касбий ривожланиш ва волонтерликни қўллаб-қувватлашдаги ролини кўрсатади.



МИСОЛ

Қозоғистон: фуқаролик таълими ва жамоат ташаббуслари учун майдон яратиш

Қозоғистонда «Еркіндік Қанаты» жамоат фонди инсон ҳуқуқлари бўйича таълим, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташаббуслари, жамоатчилик муҳокамалари ва маданий-маърифий тадбирлар учун кўп функцияли Human Rights Hub майдонини ташкил этди. Хаб 2019 йилда очилган бўлиб, фаолияти давомида 6 000 нафардан ортиқ ташриф буюрувчиларни қабул қилди. Фақат 2023–2024- йилларда унинг майдончасида 116 та тадбир ўтказилди ва уларда тахминан 2 000 нафар инсон иштирок этди. Фаолият шаклларида инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув курслари, оммавий маърузалар ва муҳокамалар, кино намоишлари, кўргазмалар ва дебатлар киради. Ушбу мисол ННТларнинг фуқаролик таълими, етакчилик кўникмалари, ҳуқуқий маданият ҳамда ёшлар ва жамоатчилик ташаббуслари учун барқарор муҳитни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини кўрсатади.



МИСОЛ

Ўзбекистон: рақамли кўникмалар ва аёлларнинг ўзини ўзи банд қилиши

2020–2025- йилларда «SHARQ AYOLI» халқаро хотин-қизлар жамоат фонди аёлларнинг, айниқса, қишлоқ жойлардаги аёлларнинг рақамли ва тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган «Аёл ва рақамли иқтисодиёт» лойиҳасини амалга оширди. 5365 нафар аёл таълим олди; 2000 нафарга яқин аёл, жумладан ногиронлиги бўлган аёллар, микрокредитлар олди ва soliq.uz орқали ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтди. 2025- йилда яна 800 нафар тадбиркор аёл онлайн-бизнес ва сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича таълим олди.

ННТларнинг таълим соҳасига қўшаётган ҳиссаси нафақат индивидуал кўникмаларни олаётган ёки тақомиллаштираётган мақсадли гуруҳлар манфаатларига дахл қилади. У давлат ва жамиятга янги эҳтиёжларга — рақамлаштириш, инклюзия, меҳнат бозорининг ўзгариши, эҳтиёжманд гуруҳлар билан ишлаш ва мутахассисларни ностандарт амалий ёндашувларга ўқитиш заруратига тезроқ жавоб беришга ёрдам беради.



10.3. Гендер тенглиги, ижтимоий интеграция ва эҳтиёжманд гуруҳлар

Гендер тенглиги ва ижтимоий интеграция минтақадаги ННТлар фаолиятининг энг барқарор соҳаларидан бири ҳисобланади. Ушбу йўналишда ташкилотлар аёллар, болалар, ногиронлиги бўлган шахслар, кекса ёшдаги инсонлар, мигрантлар, ёшлар, қишлоқ аҳолиси ва бошқа гуруҳларнинг ҳуқуқлари, ҳавфсизлиги, иштироки, ижтимоий кўриниши ва имкониятлардан фойдаланишига таъсир қилувчи муаммолар билан ишлайди. Асосий фаолият турлари:

- гендер тенглигини илгари суриш ва аёлларнинг жамоат ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш;
- зўравонликнинг олдини олиш ва унга жавоб чораларини кўриш;
- инқирозли хизматлар, бошпаналар ва психологик ёрдам;
- ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- мустақил ҳаёт кечириш ва ижтимоий интеграцияни қўллаб-қувватлаш;
- оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган болалар ва оилалар билан ишлаш;
- қишлоқ аёллари, мигрантлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятлари чекланган бошқа гуруҳларга ёрдам бериш;
- оилалар ва жамоаларни маърифатлантириш;
- қонунлар, дастурлар ва ҳаракат режаларини тайёрлашда иштирок этиш;
- таълим, маслаҳатлар, вазият мониторинги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти орқали жамоатчилик қарашларини ўзгартириш.

Минтақа мамлакатларида гендер тенглиги, ижтимоий интеграция ва эҳтиёжманд гуруҳларни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ННТлар фаолияти ўхшаш манзилли гуруҳларга қаратилган: аёллар, болалар, ногиронлиги бўлган шахслар, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оилалар, кекса ёшдаги инсонлар, мигрантлар, интернат муассасалари битирувчилари ва хизматлар ҳамда ҳимоядан фойдаланиш имкониятлари чекланган бошқа гуруҳлар. Ушбу бенефициар гуруҳлари учун ННТлар бир вақтнинг ўзида бир нечта муҳим ролни бажаради:

- сервис роли – инқироз марказлари, бошпаналар, психологик ёрдам, ярим стационар хизматлар, реабилитация, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оилаларга ёрдам;
- ҳуқуқларни ҳимоя қилиш роли – аёллар, болалар, ногиронлиги бўлган шахслар, мигрантлар, зўравонликдан жабрланганлар ва ҳужжатлари бўлмаган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- интеграцион роль – аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларга, аутизми бўлган болаларга, болалар уйлари битирувчиларига, кекса ёшдаги инсонларга ва бошқа гуруҳларга таълим, меҳнат, мулоқот ва жамоат ҳаётидан фойдаланиш имкониятларини яратиш;
- экспертлик ва адвокация роли – қонунлар, ҳаракат режалари, хизматлар стандартларини ишлаб чиқишда, гендер сиёсати ва ижтимоий дастурларни муҳокама қилишда иштирок этиш;
- воситачилик роли – бенефициарлар, оилалар, давлат муассасалари, маҳаллий органлар ва хизмат кўрсатувчилар ўртасида боғловчи вазифасини бажариш;
- жамоатчилик қарашларини ўзгартириш – маърифат ишлари, оилалар ва жамоалар билан ишлаш, стигмани камайтириш ва муаммоларнинг кўринишини ошириш.

Минтақавий фарқлар устувор йўналишларда намоён бўлади. Тожикистонда аёллар ташкилотларининг гендер сиёсати ва қонунчиликни ривожлантиришга қўшаётган экспертлик ва адвокация ҳиссаси кучлироқ намоён бўлади. Туркманистонда ижтимоий интеграция зўравонликдан жабр кўрган аёллар ва ногиронлиги бўлган шахсларга амалий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ. Қозоғистонда сектор узоқ муддатли қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган гуруҳлар учун кенг қўламли ихтисослаштирилган хизматлар билан фойдаланган. Қирғизистонда ННТларнинг инқироз марказлари ва ярим стационар ижтимоий хизматлардаги сервис роли, шунингдек аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчиликдаги илғор ўзгаришларни илгари суришга қаратилган адвокация фаолияти айниқса яққол кўринади. Ўзбекистонда ННТлар ижтимоий, ҳуқуқий ва психоижтимоий ёрдамни жамоатчилик иштирокини ва ҳуқуқларни ҳимоя қилишни босқичма-босқич кучайтириш билан уйғунлаштиради.



МИСОЛ

Тоҷикистон: тенг ҳуқуқлар ва тенг имкониятлар тўғрисидаги қонунни илгари суриш

Тоҷикистон аёллар ташкилотлари коалицияси тенг ҳуқуқлар ва тенг имкониятлар тўғрисидаги қонунни кўп йиллик илгари суриш жараёнида иштирок этди. Ишлар қонун лойиҳасини экспертлик жиҳатидан кузатиб бориш, жамоатчилик эшитувлари, давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш ва ёндашувларни халқаро мажбуриятлар билан уйғунлаштиришни ўз ичига олди. Ташаббусни илгари суришнинг бутун даври мобайнида 50 дан ортиқ раунд жамоатчилик эшитувлари ва эксперт учрашувлари ўтказилди.

Аёллар ташкилотлари коалициялари (масалан, «Гендер ва ривожланиш» ЖБ ва «Юридик тенгликдан амалий тенгликка» коалицияси) томонидан концепциядан тортиб парламент ўқишларигача бўлган барча босқичларда амалга оширилган экспертлик ҳамроҳлиги миллий қонунчиликни халқаро мажбуриятлар (CEDAW) билан уйғунлаштириш имконини берди. Аёллар ва оила ишлари қўмитаси билан доимий мулоқот кўприги яратилиши ННТларни гендер нормалари ижросининг тизимли кузатувчиларига айлантирди.



МИСОЛ

Туркманистон: зўравонликдан жабр кўрган аёлларни ишонч асосида қўллаб-қувватлаш

Туркманистонда «Кейик Окара» жамоат бирлашмаси зўравонликдан жабр кўрган аёлларга бошпана ва психологик ёрдам кўрсатади. 2024- йилда 1 200 нафар аёл маслаҳат олган. Бундай ёрдам шакли махфийликни, ишончни ва жабр кўрган аёл учун қўшимча ижтимоий эҳтиёжмандликни юзага келтирмасдан туриб, сезгир ҳаётий вазият билан ишлаш қобилиятини талаб қилади.

10.4. Адолат судловидан фойдаланиш имкониятлари ва ҳуқуқларни ҳимоя қилиш

ННТлар учун адолат судловидан фойдаланиш имкониятлари инсоннинг ҳимояланганлигининг энг амалий жиҳатларидан бири билан боғлиқ: инсоннинг ўз ҳуқуқларини тушуниш, ҳимоя сўраб мурожаат қилиш ва ўз муаммосининг ҳуқуқий майдонда кўриб чиқилишига эришиш қобилияти билан. Қўллаб-қувватлаш эҳтиёжманд гуруҳлар учун ҳуқуқий муаммо камдан-кам ҳолларда ижтимоий вазиятдан алоҳида мавжуд бўлади — у зўравонлик, миграция, ҳужжатларнинг йўқлиги, ногиронлик, қашшоқлик, оилавий можаро, меҳнат эксплуатацияси ёки давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Адолат судловидан фойдаланиш имкониятлари соҳасида ННТлар фуқароларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тартиб-таомилларни тушуниш, ҳуқуқий ёрдам олиш, давлат органларига мурожаат қилиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўзгартиришда иштирок этишга ёрдам беради. Ушбу сектор ҳуқуқий тўсиқлар, мурожаат қилишдан қўрқиш, ҳуқуқий саводхонлиkning пастлиги ёки ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун ресурсларнинг чекланганлигига дуч келаётган фуқаролар учун алоҳида аҳамиятга эга. Асосий йўналишлар:

- бепул ҳуқуқий маслаҳатлар;
- мурожаатлар, шикоятлар, аризалар ва апелляцияларни тайёрлаш;
- бенефициарлар манфаатларини давлат органлари ва судларда ифодалаш;
- ҳужжатларни тиклашда ёрдам бериш;
- аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;
- инсон ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва экспертизасида иштирок этиш;
- эҳтиёжманд гуруҳлар манфаатларини илгари суриш;
- давлат органлари ва мутахассислар вакилларини ўқитиш;
- кафолатланган юридик ёрдам механизмларини қўллаб-қувватлаш;
- адолат судловидан фойдаланишдаги тизимли тўсиқларни аниқлаш.



Минтақа мамлакатларида адолат судловидан фойдаланиш имкониятлари соҳасида ННТлар томонидан қўлланиладиган воситалар тўплами кўп жиҳатдан ўхшаш, аммо амалиётдаги устувор йўналишларда фарқлар мавжуд. Қирғизистонда ушбу сектор бепул ҳуқуқий ёрдам, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонун лойиҳаларининг мустақил экспертизаси ва ҳуқуқларга риоя этилишининг жамоатчилик мониторинги уйғунлиги орқали яққол намоён бўлади. Тожикистонда ҳуқуқий кун тартиби гендер сиёсати, миграция, одам савдосига қарши кураш ва ННТларнинг идоралараро майдончалардаги иштироки билан чамбарчас боғлиқ. Туркменистонда одам савдоси ва зўравонликдан жабрланганларни қўллаб-қувватлашни ҳам ўз ичига олган сезгир масалалар бўйича маслаҳат ёрдами кўпроқ кўзга ташланади. Ўзбекистонда ННТлар фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик мониторинги ва муҳокамаси билан уйғунлаштиради. Қозоғистонда ННТларнинг ҳуқуқий роли жамоатчилик мониторинги, ижтимоий эҳтиёжманд гуруҳлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва экспертлик майдончаларида иштирок этиш орқали намоён бўлади.



МИСОЛ

Қирғизистон: давлат томонидан кафолатланган юридик ёрдамни ривожлантириш бўйича ННТлар миллий тармоғи

Қирғизистонда ННТлар «ДКЮЁ тизимини ривожлантиришга кўмаклашиш» коалициясини туздилар, кейинчалик у давлат томонидан кафолатланган юридик ёрдамни ривожлантириш бўйича ННТлар миллий тармоғига айлантирилди ва 44 та ташкилотни бирлаштирди. Тармоқ ҳуқуқий ёрдам бўйича давлат кафолатларининг амалий бажарилишига, эҳтиёжманд гуруҳлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга кўмаклашди. Ушбу фаолият доирасида ҳудудларда 83 нафар параюрист тайёрланди, давлат томонидан кафолатланган юридик ёрдам тизими мониторинги ўтказилди, ҳуқуқий хизматлар сифати ва улардан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш бўйича тавсиялар тақдим этилди; натижада давлат томонидан кафолатланган юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестри кенгайтирилди, адвокатлар меҳнатига ҳақ тўлаш тарифлари қайта кўриб чиқилди ва уларнинг хизматлари учун ажратиладиган бюджет оширилди.

10.5. Атроф-муҳит ва иқлим

Экологик ва иқлим кун тартиби ННТлар учун тобора муҳимроқ йўналишга айланмоқда, чунки атроф-муҳит масалалари турмуш сифати, соғлиқ, ҳудудлар барқарорлиги ва ривожланишнинг узоқ муддатли шарт-шароитлари билан бевосита боғлиқ. Фуқаролик сектори учун ушбу соҳа яна шу жиҳатдан муҳимки, экологик муаммолар аҳолининг хабардорлигини, кундалик амалиётларни ўзгартиришни, маҳаллий жамоалар иштирокини, маълумотларга ишончни ва муайян ҳудудлар учун оқибатларни муҳокама қилишга тайёрликни талаб қилади.

Ушбу секторда ННТлар экологик сиёсат, маҳаллий муаммолар ва инсонлар хатти-ҳаракатлари ўртасида воситачи вазифасини бажаради. Улар иқлим ўзгариши, биологик хилма-хиллик, ифлосланиш, ресурсларни тежаш, атроф-муҳит хавфсизлиги каби мураккаб мавзуларни мактаблар, ёшлар, жамоалар, маҳаллий ташаббуслар ва табиий ресурсларга боғлиқ гуруҳлар учун тушунарли ҳаракатларга айлантиришга ёрдам беради. Шу туфайли экологик кун тартиби амалий ўлчовга эга бўлади: маърифат ишларидан ва мониторингдан тортиб соғлиқ, озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ ҳудудлари барқарорлиги ва шаҳар муҳити сифатини яхшилашга таъсир кўрсатувчи маҳаллий ечимларгача. Асосий йўналишлар:

- ❁ экологик маърифат ва аҳоли билан ишлаш;
- ❁ табиатни муҳофаза қилиш ташаббусларини илгари суриш;
- ❁ иқлим ўзгаришига мослашишда иштирок этиш;
- ❁ яшил ва ресурсларни тежовчи ечимларни ривожлантириш;
- ❁ биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш;
- ❁ маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;
- ❁ ёшлар ва мактабларни экологик кун тартибига жалб қилиш;
- ❁ экологик хавфларнинг жамоатчилик мониторинги;
- ❁ экологик қарорлар ва дастурларни муҳокама қилишда иштирок этиш;
- ❁ экологик кун тартибини маҳаллий ривожланиш, соғлиқ ва жамоалар барқарорлиги билан боғлаш.



Асосий йўналишларнинг ўхшашлиги минтақанинг барча мамлакатларида ННТларнинг роли бир хил эканини англатмайди. Қирғизистонда ННТларнинг экологик фаолияти кўпроқ маърифат ишлари, иқлим ўзгаришига мослашиш, яшил ечимларни илгари суриш ва экологик хавфсизликни таълим муҳити билан боғлаш орқали намоён бўлади. Тожикистонда экологик кун тартиби кўпроқ биологик хилма-хиллик, озиқ-овқат хавфсизлиги ва қишлоқ жамоаларининг барқарорлиги билан боғлиқ. Туркменистонда экологик жамоат ташкилотлари миллий табиатни муҳофаза қилиш ва иқлим устувор йўналишлари доирасида фаолият юритади, жумладан кўкаламзорлаштириш, маърифат ишлари ва аҳолини амалий тадбирларга жалб қилиш билан шуғулланади. Қозоғистонда экологик хавфлар ва табиатни муҳофаза қилишга оид қарорлар атрофида жамоатчилик мониторинги ва сафарбарлик йўналиши яққолроқ намоён бўлади. Ўзбекистонда ННТларнинг экологик фаолияти жамоатчилик иштироки, маҳаллий ташаббуслар ва фуқаролик секторининг барқарор ривожланиш кун тартибига босқичма-босқич жалб этилиши билан боғлиқ.



МИСОЛ

Қозоғистон: Атбасарда жамоатчилик мониторинги ва экологик хавфсизлик

Атбасар шаҳрида «Ангел» жамоат бирлашмаси 2009, 2014 ва 2017 йиллардаги вайронкор тошқинлардан кейин тошқинга қарши чора-тадбирлар мониторингини бошлади. Ташкилот маълумотларни тўплади, илмий экспертизани жалб қилди ва олимлар, ОАВ, Парламент депутати ҳамда халқаро механизмлар иштирокида коалиция шакллантирди. Натижада тошқинга қарши чора-тадбирларни бошқаришдаги тизимли хатолар аниқланди, экспертлар тавсиялари эса шаҳарнинг муҳандислик ҳимоясини такомиллаштиришда инobatга олинди. Амалий натижа сифатида тошқиндан жабр кўрган 90 та оилага янги уй-жой тақдим этилди. Ушбу мисол ННТлар жамоатчилик назоратини кучайтириши, бюджет қарорларининг шаффофлигини ошириши ва давлатга экологик хавфсизлик соҳасида янада асосланган қарорлар қабул қилишда ёрдам бериши мумкинлигини кўрсатади.



МИСОЛ

Тожикистон: биологик хилма-хиллик ва маҳаллий уруғлик фондлари

«Зан ва замин» жамоат бирлашмаси уч йил давомида Тожикистонни Биологик хилма-хиллик бўйича халқаро мамлакатлар реестрига киритишни илгари сурди. Натижада қишлоқ ҳудудларидаги аёллар томонидан маҳаллий уруғлик банкларини шакллантириш учун асослар яратилди. Ушбу мисол экологик ҳиссанинг озиқ-овқат хавфсизлиги, маҳаллий ресурсларни сақлаб қолиш ва аёлларнинг табиий ҳамда қишлоқ хўжалиги меросини бошқаришдаги ролини кенгайтириш билан боғлиқлигини кўрсатади.



МИСОЛ

Туркменистон: илмий экспертизадан оммавий акцияларгача

Туркменистон Табиатни муҳофаза қилиш жамияти (ТТМЖ) юқори даражадаги экспертлик ролини фуқароларни оммавий сафарбар қилиш билан уйғунлаштирган ННТ намунасидир. Ташкилот Қизил китобни тайёрлашда иштирок этади ва ҳукумат даражасида илмий конференциялар ташкил қилади, шу билан бир вақтнинг ўзида минглаб волонтерларни 1,5 миллион туп дарахт кўчатини экиш бўйича умуммиллий акцияларга жалб қилади. Бу ННТлар давлатнинг экологик сиёсати билан аниқ инсонларнинг амалий ҳаракатлари ўртасида кўприк вазифасини қандай бажаришини кўрсатувчи мисолдир.

Жамият мамлакатнинг экологик сиёсатини шакллантиришда Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича Ихтиёрий миллий шарҳни тайёрлаш механизмлари ҳамда Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг Барқарор ривожланиш бўйича ҳукуматлараро комиссияси ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашидаги фаолияти орқали иштирок этади. Ташкилот алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган амалий лойиҳаларни амалга оширади, жумладан, флора ва фаунанинг камёб турлари учун сув таъминотини яхшилаш ва яшил энергетика элементларини жорий этиш ишларини бажаради.



Шу билан бирга, Жамият ҳужжатли фильмлар, таълим дастурлари ва волонтерлик акциялари орқали кенг кўламли экологик маърифат ишларини олиб боради, шунингдек мамлакатнинг миллий кўаламзорлаштириш дастурини амалга оширишда иштирок этади.

10.6. Ёшлар, маданият ва ижтимоий бирдамлик

Ёшлар, маданият ва жамоатчилик кун тартиби ННТларнинг ҳиссаси ижтимоий алоқаларни, ишончни, фуқаролик фаоллигини ва инсонларнинг жамоа ҳаётида иштирок этиш қобилиятини шакллантириш орқали намоён бўладиган соҳалар қаторига киради. Ушбу йўналишлар орқали биргаликда иштирок этиш кўникмалари, авлодлараро мулоқот, маҳаллий идентиклик, волонтерлик ва ёшларнинг ижтимоий аҳамиятга эга вазифаларни ҳал этишдаги иштироки мустаҳкамланади. Минтақа мамлакатлари учун бу аҳоли таркибида ёшларнинг улуши юқори экани, шаҳар ва қишлоқ имкониятлари ўртасидаги фарқлар, миграция жараёнлари ҳамда жамоатчилик мулоқотининг янада барқарор шаклларига эҳтиёж мавжудлиги шароитида айниқса муҳимдир.

Ушбу секторда ННТлар шундай макон яратадики, унда ёшлар, ижодий гуруҳлар, волонтерлар, маҳаллий жамоалар ва маданий ташаббуслар ўзини намоён қилиш, етакчилик ва коммуникация кўникмаларини эгаллаш, жамоатчилик лойиҳаларида иштирок этиш ҳамда маҳаллий идентиклик билан алоқани сақлаб қолиш имкониятига эга бўлади. Бундай ҳисса ижтимоий муҳит сифатига таъсир кўрсатади: яққаланишни камайтиради, мансублик ҳиссини қўллаб-қувватлайди, можароларнинг олдини олишга ёрдам беради ва фуқароларнинг ҳудудларни ривожлантиришдаги янада фаол иштироки учун асос яратади. Асосий йўналишлар:

- ✿ ёшлар учун таълим ва етакчилик дастурлари;
- ✿ волонтерликини ривожлантириш;
- ✿ ёшларнинг фуқаролик ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;
- ✿ маданий ташаббуслар ва меросни сақлаш;
- ✿ ижодий ва жамоат бирлашмаларини қўллаб-қувватлаш;
- ✿ қишлоқ ва олис ҳудудлардаги ёшлар билан ишлаш;
- ✿ ижтимоий яққаланиш ва хавfli хулқ-атворнинг олдини олиш;
- ✿ қарор қабул қилишда иштирок этиш кўникмаларини ривожлантириш;
- ✿ гуруҳлараро мулоқот ва ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлаш;
- ✿ давлатнинг ёшлар, маданият ва ижтимоий дастурларида иштирок этиш.

Туркменистонда ушбу сектор, айниқса, ёшлар ташкилотлари, маданий бирлашмалар, ижодий уюшмалар, спорт ташкилотлари ҳамда миллий анъаналар, соғлом турмуш тарзи ва жамоатчилик иштироки билан боғлиқ тадбирлар орқали яққол намоён бўлади. Ўзбекистонда ННТларнинг ёшлар ва маданий ташаббуслари ижтимоий шериклик, таълим, фуқаролик иштироки ва маҳаллий жамоаларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ. Қозоғистонда ёшлар фаоллиги волонтерлик, фуқаролик форумлари, жамоатчилик майдончалари ва ижтимоий лойиҳалар орқали ривожланмоқда.



МИСОЛ

Туркменистон: ёшлар, маданият ва жамоатчилик иштироки

Туркменистонда Ёшлар иттифоқи, ижодий уюшмалар ҳамда маданий ва спорт ташаббуслари билан ишловчи ташкилотлар ёшлар сиёсатини амалга ошириш, миллий анъаналарни сақлаш, жамоатчилик иштирокини ривожлантириш ва маҳаллий даражада тадбирлар ўтказишда иштирок этади. Бундай фаолият ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлайди, ёшларни ижтимоий фойдали ташаббусларга жалб этади ва маданий ворисийликни қўллаб-қувватлайди.



Қирғизистонда ННТлар ёшлар сиёсати, фуқаролик таълими, етакчилик дастурлари ва ёшларнинг ривожланишдаги иштироки билан боғлиқ лойиҳаларда иштирок этади. Тожикистонда ёшлар ННТларнинг асосий мақсадли гуруҳларидан бири ҳисобланади, айниқса ҳуқуқий ёрдам, миграция, меҳнат хавфлари, гендер тенглиги ва маҳаллий ривожланишда иштирок этиш соҳаларида.

Сектор таҳлили ННТларнинг ҳиссаси ҳар доим ҳам тез ўлчанадиган натижага эга хизмат ёки лойиҳа билан чекланмаслигини кўрсатади. Таъсирнинг сезиларли қисми иштирок, ишонч, умумий меъёрлар, волонтерлик ва инсонларнинг жамоа ҳаётига қўшилиш қобилияти орқали шаклланади.



ХУЛОСА

Мавзулар харитаси Марказий Осиё мамлакатларидаги ННТлар ривожланишнинг кенг кўламли йўналишларида фаолият юритишини кўрсатади. Уларнинг ҳиссаси соғлиқни сақлаш, таълим, гендер тенглиги ва ижтимоий интеграция, адолат судловидан фойдаланиш имкониятлари, экология, қашшоқликка қарши кураш, маҳаллий ривожланиш, ёшлар сиёсати, маданият ва ижтимоий бирдамлик соҳаларида намоён бўлади. Ҳар бир мавзуда ННТлар турли вазифаларни бажаради: хизматлар кўрсатади, ўқитади, маслаҳат беради, ҳуқуқларни ҳимоя қилади, қарорлар ишлаб чиқишда иштирок этади, ресурсларни жалб қилади, жамоаларни ташкил этади, мониторинг ўтказади ва янги ёндашувларни жорий қилади.

Мавзули таҳлилнинг асосий хулосаси шундан иборатки, ННТлар ривожланишнинг алоҳида «параллел» соҳасини ташкил этмайди. Улар минтақанинг ижтимоий-иқтисодий кун тартибидаги асосий йўналишларга интеграциялашган бўлиб, кўпинча бир нечта вазифалар кесишмасида фаолият юритади. Бир ташкилотнинг ўзи бир вақтнинг ўзида хизмат кўрсатиши, мутахассисларни ўқитиши, муайян гуруҳ ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, молиялаштиришни жалб қилиши ва давлат сиёсатини муҳокама қилишда иштирок этиши мумкин.

Кейинги таҳлил учун ушбу харита ННТлар ҳиссасини янада тизимли баҳолашнинг асоси сифатида муҳим аҳамиятга эга. У қайси секторларда миқдорий кўрсаткичлар талаб қилинишини, қайсилари сифатли кейслар орқали яхшироқ очиб берилишини ва қаерда қамров, хизматлар, институционал иштирок ҳамда бенефициарлар аҳволидаги ўзгаришларга оид маълумотларни уйғунлаштириш зарурлигини кўрсатади.



11. ННТларнинг ҳиссасининг сифат хусусиятлари

ННТларнинг ҳиссаси ривожланишнинг бошқа институционал иштирокчилари (акторлари) — оила, давлат ва хусусий сектор ҳиссасидан фарқ қилади. ННТларнинг айрим ечимлари стандарт хизматлардан фарқланади, янги ёндашувларни яратади, инсонларнинг эҳтиёжларига манзилли жавоб қайтаради, барқарор амалиётда мустақамланиши мумкин ҳамда одатий бошқарув механизмлари орқали қамраб олиш қийин бўлган гуруҳлар ва ҳудудларгача етиб бориш қобилиятига эга.

Фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг натижалари ва тўпланган тажрибага асосланиб, ННТлар ҳиссасининг бешта асосий сифат хусусиятини ажратиш мумкин:


- 🌸 ўзига хослик;
- 🌸 инновационлик;
- 🌸 самарадорлик;
- 🌸 барқарорлик; ва
- 🌸 ривожланишни олиш, четда қолган ва эҳтиёжманд гуруҳлар ҳамда ҳудудларгача «етказиб бериш» функциясини бажариш қобилияти.

ННТлар ҳиссасининг сифат хусусиятлари

Нима учун ННТлар ҳиссаси нафақат кўлами, балки яратилаётган ечимларнинг сифати билан ҳам муҳим?

1 ЎЗИГА ХОСЛИК ННТлар давлат ёки бозор томонидан етарли даражада қамраб олинмаган эҳтиёжларни қоплайди. Мисоллар: мураккаб ва сезгир гуруҳлар, узоқ ҳудудлар учун хизматлар.	2 ИННОВАЦИОНЛИК ННТлар ҳудудда янги ёндашувлар ва ёрдам моделларини тез синовдан ўтказиши. Мисоллар: эрта аралашув, масофавий менторлик, рақамли ва инклюзив ечимлар.	3 САМАРАДОРЛИК ННТлар чекланган ресурслар билан натижага эришади. Мисоллар: кўнгиллилар меҳнати, ҳамкорликлар, манзилли ёрдам моделлари.	4 БАРҚАРОРЛИК Муваффақиятли ечимлар лойиҳа тугагандан кейин ҳам мустақамланади. Мисоллар: давлат дастурлари ва ижтимоий буюртма, тармоқлар ва коалициялар, маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш.	5 РИВОЖЛАНИШНИНГ "СЎНГИ БОСҚИЧИ"ГА ЕТИБ БОРИШ ННТлар ресурс, хизмат ва ҳуқуқни аниқ инсонгача етказиши. Мисоллар: узок жамоалар, "қуйидан" қайта алоқа, жараёнлардан ўтишда ёрдам.
---	--	---	--	---

БУ ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ:



ТИПИК МИСОЛЛАР:

- фуқароларга ҳуқуқий ёрдам;
- инқироз ва реабилитация хизматлари;
- рақамли кўникмаларга ўқитиш;
- тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш;
- қишлоқ ва тоғли ҳудудларда ишлаш.



Асосий хулоса:

ННТларнинг кучи фақат фаолият ҳажмида эмас, балки ечимлар сифатида ҳам намоён бўлади: улар ўзига хос, инновацион, самарали ва барқарор бўлиши ҳамда стандарт механизмлар билан қамраб олиш қийин бўлган инсонларга етиб бориши мумкин.

Ўзига хослик шундаки, ННТлар давлат ёки бозор томонидан етарлича қамраб олинмаган ва махсус ёки манзилли иш шакллари талаб қиладиган соҳалардаги фаолиятни тўлдириб, мавжуд бўшлиқларни тўлдиради. Бу, айниқса, кам сонли гуруҳлар, сезгир муаммолар, олиш ҳудудлар ва узоқ муддатли мулоқот ҳамда ишонч талаб этиладиган мураккаб ҳолатлар билан ишлашда яққол намоён бўлади. Бундай ечимларга кўзи ожиз ва заиф кўрувчи шахсларга компьютер саводхонлигини ўргатиш; олиш қишлоқларни интернет билан таъминлаш; инъекцион гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчи шахслар билан кўча шароитида ишлаш; ОИВ билан яшаётган инсонларни қўллаб-қувватлаш; сил билан касалланган беморларга ёрдам бериш; руҳий бузилишлари бўлган шахсларга психоижтимоий хизматлар кўрсатиш; аутизми бўлган болалар учун хизматлар; ногиронлиги бўлган болалар ва катталарни реабилитация қилиш; зўравонликдан жабр кўрган аёллар ва болалар учун инқирозли хизматлар; шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг мустақил ҳаётини қўллаб-қувватлаш ва кўшимча таълим хизматлари киради.



Инновационлик ННТларнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал қилишнинг янги усулларини биринчи бўлиб синовдан ўтказиш қобилиятини англатади. Бу ерда гап нафақат технологиялар, балки ёрдам, таълим, интеграция ва иштирокнинг янги шакллари ҳақида ҳам бормоқда. Бундай ечимлар қаторига эрта ривожланиш ва эрта аралашув методикалари, аутизми бўлган болаларни реабилитация қилишнинг инновацион дастурлари, ота-оналар мактаблари, оғир ва сурункали касалликларга чалинган беморларнинг ўзини ўзи қўллаб-қувватлаш дастурлари, Брайл алифбосида китоблар ва дарсликлар нашр этиш, олис ҳудудларда таълимнинг мобил шакллари, аёл тадбиркорлар учун масофавий менторлик, электрон тижорат бўйича таълим, ногиронлиги бўлган ёшларда IT-қўникмаларни ривожлантириш, ассистив технологиялар, «яшил» ечимлар ва маълумотларни йиғиш ҳамда мониторинг қилишнинг жамоатчилик воситалари киради.

Самарадорлик ННТларнинг амалий ва нисбатан тежамкор ечимларни топиш, камроқ ресурслар билан аҳамиятли натижаларга эришиш ва бюджетга тушадиган юкни камайтириш қобилиятида намоён бўлади. Бу бенефициарлар эҳтиёжларини аниқ тушуниш, шерикликлар, волонтерлик меҳнати, ташқи ресурсларни жалб қилиш ва янада мослашувчан иш моделлари ҳисобига таъминланади. Бундай амалиётларга ярим стационар ижтимоий хизматлар, таълим, менторлик ва жиҳозлар орқали тадбиркорлик қўникмалари ҳамда стартапларни ривожлантириш, бир марталик хайрия ўрнига ўзини ўзи банд қилишни қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжманд гуруҳларни иқтисодий жиҳатдан фаолроқ ҳолатга ўтказиш, ОИВ ва сил бўйича дастурлар учун қўшимча ресурсларни жалб қилиш, давлат ижтимоий буюртмасидан фойдаланиш, харажатлар устидан жамоатчилик мониторингини ўтказиш ва аҳоли иштирокига асосланган маҳаллий сервис моделларини ривожлантириш киради.

Барқарорлик ННТлар ечимлари алоҳида лойиҳа тугаганидан кейин ҳам сақланиб қолишини ва давлат дастурлари, ижтимоий буюртма, норматив ўзгаришлар, методикалар, коалициялар, маҳаллий сервислар ёки ижтимоий тадбиркорлик орқали доимий амалиётга айланишини англатади. Бу хусусиятда ННТ томонидан бошланган пилот лойиҳа тизимнинг бир қисмига айланган ҳолатлар алоҳида аҳамиятга эга: бепул ҳуқуқий ёрдам барқарор давлат хизматида айланади; ижтимоий буюртма орқали ярим стационар хизматлар ва инқироз марказлари мустаҳкамланади; ОИВ ва силнинг олдини олиш ҳамда даволаш дастурлари ривожлантирилади; инклюзив таълим ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш механизмлари илгари сурилади; ҳудудларда филиалларга эга тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этилади; экологик коалициялар шакллантирилади; маҳаллий хизматлар жамоалар бошқарувига топширилади; тайёрланган мутахассислар, волонтерлар, ота-оналар ва маслаҳатчилар эса янги методикалардан фойдаланишда давом этади.

Ривожланишни олис, четда қолган ва эҳтиёжманд гуруҳлар ҳамда ҳудудларга «етказиб бериш» функцияси ушбу хусусиятларни тўлдирди ва ННТларнинг мавжуд ресурслар, хизматлар, ҳуқуқлар ва дастурларни аниқ инсонлар, oilалар ва жамоаларга етказиш қобилиятини кўрсатади. Бу, айниқса, миллий сиёсат даражасида кам кўринадиган олис ҳудудлар, кичик жамоалар ва эҳтиёжманд гуруҳлар учун муҳимдир. ННТлар эҳтиёжларни «қуйидан» аниқлайди, инсонларни давлат ва маҳаллий органлар билан боғлайди, тартиб-таомиллардан ўтишга ёрдам беради, стандарт каналлардан фойдаланиш имконияти чекланган гуруҳларга ахборотни етказди ва қарор қабул қилиш тизимига қайта алоқани узатади.



ХУЛОСА

Умуман олганда, ушбу хусусиятлар ННТларнинг ҳиссаси нафақат институционал, иқтисодий, ижтимоий ёки тематик ўлчовга эга эканини кўрсатади. Унинг муҳим хусусияти яратилаётган ечимлар сифатида намоён бўлади: улар ўз соҳаси бўйича ўзига хос, усули бўйича инновацион, ресурслардан фойдаланиш нуқтаи назаридан самарали, оқибатлари жиҳатидан барқарор ва инсонлар учун етиб бориши мумкин бўлган ечимлар бўлиши мумкин. Айнан шундай хусусият ННТлар ҳиссасининг моҳиятини белгилайди ва нега уларнинг натижаларини стандарт статистик кўрсаткичлар орқали тўлиқ фойдалаш қийин бўлган ҳолатларда ҳам ННТлар ривожланишнинг муҳим иштирокчиси бўлиб қолишини тушунтиради.



12. Минтақавий хулосалар

Қуйида келтирилган хулосалар Марказий Осие мамлакатларида ННТларнинг ҳиссасини таҳлил қилиш жараёнида аниқланган асосий қонуниятларни умумлаштиради.

01

Марказий Осие мамлакатларида ННТлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарор иштирокчисига айланган. Уларнинг ҳиссаси иқтисодиётда, ижтимоий хизматларда, бошқарув сифатида, маҳаллий ривожланишда, ҳуқуқларни ҳимоя қилишда, эҳтиёжманд гуруҳлар билан ишлашда ва ривожланишнинг асосий секторларида иштирок этишда намоён бўлади. Бу ННТларни хизматлар сифатига, инсонларнинг қўллаб-қувватлашдан фойдаланиш имкониятларига ва давлат устувор йўналишларининг амалий ижросига таъсир кўрсатувчи доимий институтлардан бири сифатида қараш имконини беради.

02

Минтақада ННТлар ҳиссаси турли мамлакат моделлари орқали баҳоланади. Қирғизистон секторнинг ўлчанадиган институционал ҳиссасини яхшироқ намоён қилади; Қозоғистон — ННТлар ва давлат ўртасидаги ривожланган шериклик механизмларини; Ўзбекистон — ННТларни қўллаб-қувватлашнинг кучайиб бораётган ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий инфратузилмасини; Тожикистон — ННТларнинг стратегик ва идоралараро жараёнлардаги экспертлик иштирокини; Туркменистон — жамоат ташкилотларининг давлат устувор йўналишлари ва ижтимоий аҳамиятга эга дастурларга интеграциялашганлигини намоён этади. Ушбу моделлар ҳиссанинг турли намоён бўлиш каналларини акс эттиради ва мамлакатларни ягона шкала бўйича бевосита таққосламасдан туриб ҳиссани баҳолашга ёрдам беради.

03

ННТларнинг институционал ҳиссаси секторнинг иқтисодий аҳамиятини тасдиқлайди. ННТлар бандликни яратади, меҳнатга ҳақ тўлайди, товарлар ва хизматларни харид қилади, молиявий ресурсларни жалб қилади, маблағларни ижтимоий аҳамиятга эга мақсадларга қайта тақсимлашда иштирок этади ва солиқ тушумларини шакллантиради. Бироқ тўлиқ миқдорий манзара барча мамлакатлар бўйича мавжуд эмас, шунинг учун минтақавий таҳлил статистик ҳисоб, ҳисобот бериш ва миллий маълумотларда ННТларни ажратиш кўрсатишдаги фарқларни ҳисобга олиши лозим.

04

ННТларнинг устав фаолияти қўшимча ижтимоий, иқтисодий ва бошқарув самараларини яратади. Ўз дастурлари ва хизматлари орқали ННТлар тадбиркорликни, ўзини ўзи банд қилишни, иқтисодий кўникмаларни, ижтимоий тадбиркорликни, маҳаллий инфратузилмани, ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятларини, инқирозли ёрдамни, реабилитацияни, фуқаролар иштирокини ва жамоалардан қайта алоқани ривожлантиради. Ушбу самаралар кўпинча ташкилотларнинг тўғридан-тўғри ҳисоботлари доирасидан ташқарида юзага келади, чунки улар инсонлар имкониятларининг ўзгариши, оилалар барқарорлиги, жамоалар фаоллиги ва жойлардаги қарорлар сифатида намоён бўлади.

05

ННТларнинг энг кучли жиҳатлари манзиллилик, мослашувчанлик, инновационлик ва инсон ёки жамоанинг муайян ҳаётий вазияти билан ишлаш қобилияти билан боғлиқ. ННТлар оммавий дастурлар орқали қамраб олиш қийин бўлган гуруҳлар ва муаммолар учун ечимлар яратади: зўравонликдан жабрланганлар, ногиронлиги бўлган шахслар, мигрантлар, ҳужжатлари бўлмаган шахслар, оғир касалликларга чалинган беморлар, қишлоқ аёллари, ёшлар, кекса ёшдаги инсонлар ва олис ҳудудлар аҳолиси.

06

ННТлар давлатни экспертлик орқали кучайтиради. Улар дастурлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича таклифлар тайёрлайди, қўшимча ресурсларни жалб қилади ва давлат учун махсус билимлар муҳим бўлган соҳаларда хизматлар кўрсатади. Бундай ҳисса давлат қарорларининг сифати ва турлилигини оширади.



- 07** ННТлар давлатни қайта алоқа ва қарорларни амалга оширишда иштирок этиш орқали кучайтиради. Улар аҳоли эҳтиёжларини аниқлашга ёрдам беради, ишчи гуруҳлар ва жамоатчилик майдончаларида иштирок этади, мониторинг ўтказиши, бенефициарлар билан алоқани таъминлайди. Бундай ҳисса давлат қарорларининг амалга оширилишининг реал шароитларига нисбатан сезгирлигини оширади.
- 08** Тематик харита ННТлар фаолиятининг кенг тематик қамровини кўрсатади. Ташкилотлар соғлиқни сақлаш, таълим, гендер тенглиги ва ижтимоий интеграция, адолат судловидан фойдаланиш имкониятлари, экология ва иқлим, қашшоқликка қарши кураш, маҳаллий ривожланиш, ёшлар сиёсати, маданият ва ижтимоий бирдамлик соҳаларида фаолият юритади. Ҳар бир секторда ННТлар турли вазифаларни бажаради: хизматлар кўрсатади, ўқитади, маслаҳат беради, ҳуқуқларни ҳимоя қилади, қарорлар ишлаб чиқишда иштирок этади, ресурсларни жалб қилади, жамоаларни ташкил этади ва янги ёндашувларни жорий қилади.
- 09** Минтақавий далиллар базасининг асосий чеклови натижалар ва таъсир ҳақидаги маълумотларнинг етарлича таққосланмаслиги бўлиб қолмоқда. Мамлакатларда ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш, айрим молиявий оқимлар, лойиҳалар, тадбирлар, хизматлар ва бенефициарларни қамраб олиш ҳақидаги маълумотлар яхшироқ (лекин тўлиқ эмас!) қайд этилади. Инсонлар аҳволидаги узоқ муддатли ўзгаришлар, хизматлар сифати, жамоалар барқарорлиги, давлат сиёсатининг самарадорлиги ва бенефициарларнинг иқтисодий фаоллиги камроқ тизимли акс эттирилади. Бу ННТлар ҳиссасини тўлиқ минтақавий баҳолаш имкониятларини чеклайди ва такомиллаштириш учун йўналиш ҳисобланади.
- 10** ННТлар ролининг янада кенг эътироф этилиши улар фаолиятини тавсифлашдан уларнинг ҳиссасини тизимли баҳолашга ўтишни талаб қилади. Бунинг учун янада таққосланадиган маълумотлар, жумладан, ўзини ўзи баҳолаш маълумотлари ва механизмлари, натижалар ҳақида ахборотни мунтазам тақдим этиш, таъсирнинг сифат ва миқдорий индикаторлари тизими, давлат ва статистик тизимларда ННТлар ҳиссасини ҳисобга олиш, шунингдек инсонлар, жамоалар ва ҳудудлар аҳволидаги ўзгаришларни кўрсатувчи кейслардан янада фаол фойдаланиш зарур. Биринчи қадам ННТлар секторига нисбатан ёрдамчи (сателлит) ҳисобларни жорий этиш бўлиши мумкин, бу эса ННТлар ҳиссасини давлат, жамият, бизнес ва халқаро ҳамкорлар учун янада кўринарли қилиш имконини беради.
- 11** ННТлар ролининг янада кенг эътироф этилиши улар фаолиятини тавсифлашдан уларнинг ҳиссасини тизимли баҳолашга ўтишни талаб қилади. Бунинг учун янада таққосланадиган маълумотлар, жумладан, ўзини ўзи баҳолаш маълумотлари ва механизмлари, натижалар ҳақида ахборотни мунтазам тақдим этиш, таъсирнинг сифат ва миқдорий индикаторлари тизими, давлат ва статистик тизимларда ННТлар ҳиссасини ҳисобга олиш, шунингдек инсонлар, жамоалар ва ҳудудлар аҳволидаги ўзгаришларни кўрсатувчи кейслардан янада фаол фойдаланиш зарур. Биринчи қадам ННТлар секторига нисбатан ёрдамчи (сателлит) ҳисобларни жорий этиш бўлиши мумкин, бу эса ННТлар ҳиссасини давлат, жамият, бизнес ва халқаро ҳамкорлар учун янада кўринарли қилиш имконини беради.
- 12** Асосий минтақавий хулосалардан бири шундан иборатки, ННТлар инвестиция муҳити ва хусусий сектор ривожланишига асосан билвосита таъсир кўрсатади, бироқ бу таъсир тизимли хусусиятга эга бўлиб, кўникмаларни ривожлантириш, ўзини ўзи банд қилиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инфратузилма ва сервисларни яхшилашда иштирок этиш, дастурлар ижросининг шаффофлигини ошириш ҳамда давлатга жойлардаги ривожланишнинг ҳақиқий чекловларини аниқроқ кўриш имконини берувчи қайта алоқа каналларини яратиш орқали амалга оширилади.



13. Тавсиялар

Тавсиялар умумлаштирилган таҳлил якунлари асосида шакллантирилган бўлиб, ННТлар ҳиссасининг кўринишини ошириш, маълумотлар сифатини яхшилаш, шерикликнинг барқарор механизмларини ривожлантириш ва фаолиятни тавсифлашдан натижаларни баҳолашга ўтишга қаратилган. Ушбу тавсиялар давлат органларига, жумладан, статистика органларига, ННТларнинг ўзига, ривожланиш бўйича ҳамкорларга, тадқиқот ташкилотларига ҳамда фуқаролик сектори ҳиссасини баҳолаш бўйича эҳтимолий минтақавий кун тартиби иштирокчиларига қаратилган.

13.1. Давлат органлари учун (секторлараро шерикликни янада ривожлантириш бўйича таклифлар)

ННТ секторининг тизимли ҳисобини ривожлантириш

Давлат органларига миллий ҳисоблар тизимида ННТлар бўйича ёрдамчи (сателлит) ҳисобни жорий этиш орқали ННТлар бўйича агрегат статистикани ривожлантириш, рўйхатдан ўтган, фаолият юритаётган ва фаол ишлаётган ташкилотларни фарқлаш, шунингдек бандлик, меҳнатга ҳақ тўлаш, солиқлар, ижтимоий ажратмалар, молиявий оқимлар, волонтерлик меҳнати ва молиялаштириш манбаларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Бундай ёндашув ННТларни муайян тармоқда ривожланишнинг мустақил омили сифатида кўриш ва давлат стратегиялари, дастурлари ҳамда режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳисобга олиш имконини беради. Агрегат статистикадан ташқари, адлия органлари, солиқ органлари, статистика идоралари ва соҳавий вазирликлар ўртасида маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш муҳимдир. Бу рўйхатдан ўтган, амалда фаолият юритаётган ва фаол ННТларни яхшироқ фарқлаш, шунингдек бандлик, молиялаштириш, солиқлар, хизматлар, волонтерлик меҳнати ва бенефициарлар қамровининг янада тўлиқ манзарасини шакллантириш имконини беради.

Тадбирларни ҳисобга олишдан натижаларни баҳолашга ўтиш

Давлат молиялаштириши, давлат ижтимоий буюртмаси, грантлар ва қўшма дастурлар тизимларида нафақат тадбирлар ва иштирокчилар сонини, балки бенефициарлар, хизматлар, жамоалар ва бошқарув институтлари учун юзага келадиган ўзгаришларни ҳам ҳисобга олиш муҳим. Бу натижаларнинг аниқроқ индикаторларини, хизматлардан фойдаланувчиларнинг қайта алоқасини ва эришилган ўзгаришлар барқарорлигининг мунтазам таҳлилини талаб қилади.

ННТларнинг «жойлардан» маълумот етказиб бериш имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш

ННТлар инсонларнинг эҳтиёжлари, хизматлардан фойдаланишдаги тўсиқлар, эҳтиёжманд гуруҳларнинг аҳволи ва маҳаллий даражада ислохотларни амалга ошириш муаммолари ҳақида амалий маълумотларга эга. Давлат органлари учун бундай ахборотни дастурлар мониторингига, хизматларни баҳолашга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича маслаҳатлашувларга ва қўллаб-қувватлаш чораларини режалаштиришга киритиш, айниқса қишлоқ, олис ва ижтимоий эҳтиёжманд гуруҳларга нисбатан фойдали бўлади.

ННТларни молиялаштиришнинг ички механизмларини ривожлантириш

Ички қўллаб-қувватлаш механизмлари чекланган мамлакатлар, жумладан, Қирғизистон ва Тожикистон учун ННТ хизматларини молиялаштиришнинг янада барқарор воситаларини ривожлантириш муҳим: давлат ижтимоий буюртмаси, грант дастурлари, ҳаммолиялаштириш, маҳаллий қўллаб-қувватлаш дастурлари ва ихтисослаштирилган хизматлар бўйича кўп йиллик келишувлар. Бу муҳим хизматларнинг қисқа муддатли ташқи молиялаштиришга қарамлигини камайтириш имконини беради. Шунингдек, деярли тўлиқ ташқи манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган, аммо мамлакат ичида юқори эҳтиёж мавжуд бўлган маслаҳат ва экспертлик хизматларини молиялаштиришнинг миллий механизмларини яратиш муҳимдир.



Маҳаллий (жамоавий, локал) ННТларни қўллаб-қувватлаш

Пойтахт ва йирик шаҳарлардан ташқаридаги ННТлар, шунингдек, маҳаллий эҳтиёжлар ва эҳтиёжманд гуруҳлар билан ишлайдиган ташкилотлар алоҳида эътиборни талаб қилади. Улар учун кичик грантлар, молиялаштиришдан фойдаланишнинг соддалаштирилган тартиблари, минтақавий қўллаб-қувватлаш фондлари (масалан, субмиллий (минтақавий) ривожланиш фондларининг грантлар пули), маслаҳат ёрдами ва ортиқча маъмурий юкламани камайтириш фойдали ҳисобланади.

Кўп йиллик ва институционал молиялаштиришни ривожлантириш (давлат органлари ва донорлар учун)

Қисқа муддатли лойиҳавий молиялаштириш лойиҳалар, хизматлар, кадрлар ва мониторинг тизимлари натижаларининг барқарорлигини чеклайди. Жамоатчилик учун фойдали хизматлар кўрсатувчи ёки қамраб олиш қийин бўлган гуруҳлар билан ишлайдиган ташкилотлар учун кўп йиллик келишувлар, асосий операцион харажатларни қўллаб-қувватлаш, давлат ижтимоий буюртмасини ривожлантириш ва ташкилий ривожланишни молиялаштириш муҳим аҳамиятга эга.

ННТларнинг маҳаллий даражада инвестиция муҳитини яхшилаш салоҳиятидан фойдаланиш

Давлат органларига ННТлар салоҳиятидан нафақат ижтимоий соҳада, балки ҳудудлар, тадбиркорлик ва хусусий ташаббусларнинг ривожланишини тўсиб турган омилларни аниқлашда ҳам кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу ахборотдан фойдаланиш имкониятлари, маҳаллий сервислар сифати, инфратузилмавий чекловлар, аҳоли кўникмалари ва дастурлар ижроси бўйича қайта алоқа масалаларига тааллуқлидир.

Хусусий секторни ривожлантириш дастурларини такомиллаштиришда ННТлар сигналларини (нафақат бизнес-ассоциацияларникини) ҳисобга олиш

Тадбиркорлик, бандлик, ўзини ўзи банд қилиш ва маҳаллий ривожланишни қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда амалий маълумотларни тизимли равишда ҳисобга олиш муҳимдир. Одатда ҳукуматлар буни бизнес-ассоциациялар билан ҳамкорлик орқали амалга оширади. Бироқ улар таркибига асосан шаклланган бизнес субъектлари киради. ННТлар эса аҳоли, жамоалар ва фаолиятини энди бошлаётган тадбиркорлар билан ишлаш жараёнида маълумот тўплайди. ННТлар кузатувларининг ушбу қисмини ҳисобга олиш чора-тадбирларни янада аниқроқ жорий этиш, уларни манзиллироқ қилиш ва расмий ислохот ҳамда унинг амалий ижроси ўртасидаги тафовутни қисқартириш имконини беради.

ННТлар иштирокини эмас, балки унинг ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қўшган ҳиссасини баҳолаш

Бошқарув сифатини ошириш учун нафақат ННТлар иштирокидаги маслаҳатлашувлар, келишувлар ва лойиҳалар сонини, балки бундай иштирокнинг оқибатларини ҳам қайд этиш лозим: хизматлар ва инфратузилма яхшиландими, тадбиркорлар учун тўсиқлар камайдими, чора-тадбирларни амалга оширишнинг башорат қилиниши ошдими ва иқтисодий фаоллик учун янада барқарор шароитлар яратилдими.

13.2. ННТлар учун

Мониторинг, баҳолаш ва барқарор фаолият моделларини ривожлантириш

ННТлар мониторинг ва баҳолаш кўникмаларини кучайтириши, натижаларнинг асосий индикаторларидан фойдаланиши, ижтимоий тадбиркорликни, қисман ўзини ўзи молиялаштиришни, бизнес ва маҳаллий органлар билан шерикликни ривожлантириши муҳим. Ушбу чоралар ташкилотлар барқарорлигини оширади ва алоҳида лойиҳалар доирасидан ташқаридаги ҳиссани яхшироқ намоён қилиш имконини беради.



Бенефициарлар учун натижалар ва ўзгаришларни яхшироқ ҳужжатлаштириш

ННТлар ўзини ўзи баҳолаш механизмларини ва ёрдам олувчилар, кўрсатилган хизматлар, қўллаб-қувватлашдан кейин қандай ўзгаришлар юз бергани ҳамда қайси тўсиқларни бартараф этишга эришилгани ҳақидаги маълумотларни йиғишни кучайтириши лозим. Қамров ва натижаларни, масалан, хизматлардан фойдаланиш имконияти, иш билан таъминланиш, эҳтиёжмандликнинг камайиши, муассаса амалиётининг ўзгариши, қарор қабул қилиниши ёки яратилган хизматларнинг барқарорлигини қайд этиш муҳимдир.

Агрегатлаштирилган ва кенг жамоатчилик учун тушунарли ҳисоботларни эълон қилиш

Оммавий ҳисоботдорлик нафақат донорлар ва давлат органларига, балки фуқароларга ҳам йўналтирилган бўлиши керак. Рақамлар, ўзгаришлар тарихи, харажатлар, натижалар ва шерикликлар тавсифи акс этган қисқа ва тушунарли ҳисоботлар секторга бўлган ишончни оширишга ҳамда ННТлар ҳиссасини жамият, бизнес ва маҳаллий жамоалар учун янада кўринарли қилишга ёрдам беради. Буни фақат йирик ННТлар номидан эмас, балки агрегатлаштирилган форматда амалга ошириш муҳим. Мамлакат бўйича географик ва тематик қамровни кўрсатиш учун ННТлар ҳисса ва таъсирнинг оддий индикаторлари тизимига асосланган, фуқаролар учун содда ва тушунарли агрегат ҳисоботларни тайёрлаш ва нашр қилиш мақсадида ўзини ўзи ташкил этиши лозим.

Инвестиция муҳити ва хусусий сектор ривожланишига қўшилаётган ҳиссани намоён қилиш

ННТларга нафақат ижтимоий натижалар ва қамровни, балки иқтисодий муҳитни яхшилашга қўшган ҳиссани ҳам тизимли равишда ҳужжатлаштириш мақсадга мувофиқ: кўникмаларни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий тўсиқларни камайтириш, инфратузилма ва сервисларни яхшилашда иштирок этиш, шунингдек, жойларда фаолият юритиш учун янада башорат қилинадиган шароитларни яратиш.

Ижтимоий натижаларни иқтисодий самаралар билан янада аниқроқ боғлаш

Натижаларни тақдим этишда ННТларнинг ижтимоий ва таълим лойиҳалари иқтисодий самараларга қандай айланишини кўрсатиш муҳим: бандлик, ўзини ўзи банд қилиш, даромадларнинг ўсиши, харажатларнинг камайиши, кичик бизнес учун қарорлар сифатининг ошиши ва маҳаллий лойиҳаларга инвестициялар учун шароитларнинг яхшиланиши.

13.3. Ривожланиш бўйича ҳамкорлар учун

ННТларнинг институционал ривожланишини қўллаб-қувватлаш

Донорларга лойиҳавий фаолият билан бир қаторда ташкилий ривожланишни ҳам молиялаштириш мақсадга мувофиқ: мониторинг ва баҳолаш тизимлари, бенефициарларни рақамли ҳисобга олиш, оммавий ҳисоботдорлик, молиявий бошқарув, коммуникациялар, кадрлар барқарорлиги ва минтақавий тармоқларни ривожлантириш.

Таъсирни баҳолаш ва таққосланадиган индикаторларни қўллаб-қувватлаш

Таъсирни баҳолашни қўллаб-қувватлаш лойиҳавий ва дастурий молиялаштиришнинг бир қисмига айланиши лозим. Донорлар асосий индикаторларни унификация қилишга, маълумотларни йиғишнинг умумий воситаларини ривожлантиришга, мустақил баҳолашларни молиялаштиришга ва методикалар бўйича минтақавий тажриба алмашишни қўллаб-қувватлашга ёрдам бериши мумкин, шунда лойиҳалар натижаларини мамлакатлар ва секторлар ўртасида таққослаш имкони пайдо бўлади.

Донорларга ННТларнинг нафақат сервис ва ижтимоий лойиҳаларини, балки ривожланиш муҳитини яхшилайдиган йўналишларни ҳам қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ: тадбиркорлик кўникмалари, маҳаллий инфратузилма, рақамли имкониятлардан фойдаланиш, хизматлар барқарорлиги, қайта алоқа каналлари ва маҳаллий даражада инвестиция муҳити ҳамда хусусий сектор ривожланишига таъсир кўрсатувчи лойиҳалар.



13.4. Тадқиқот ташкилотлари учун

ННТлар ҳиссасини баҳолаш методикаларини ривожлантириш

Тадқиқот ташкилотлари учун баҳолаш методикаларини ННТларнинг турли турларига мослаштириш муҳим: сервис кўрсатувчи, ҳуқуқ ҳимояси билан шуғullanувчи, экспертлик, хайрия, маҳаллий, тармоқли ва ижтимоий тадбиркорлик ташкилотлари. Ҳиссани баҳолаш ЯИМ, солиқлар ва бандлик билан чекланиб қолмаслиги лозим; у институционал кўрсаткичлар, функционал ҳисса, сифат хусусиятлари ва ўзгаришлар тарихини бирлаштириши керак. Шунингдек, тадбирлар қамрови ва сонини ҳам, инсонлар ҳаётидаги ўзгаришларни ҳам ҳисобга олувчи ижтимоий таъсирни сифат жиҳатидан баҳолаш методикаларини ривожлантириш мумкин.

Тадқиқот ташкилотлари учун ННТларнинг ижтимоий ва институционал ҳиссасини баҳолашни уларнинг инвестиция муҳити ва хусусий сектор ривожланишига таъсирини ўлчаш билан тўлдириш муҳим. Бу кўникмаларни ривожлантириш, ўзини ўзи банд қилиш ва КЎБни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий сервислар ва инфратузилмани яхшилаш, иқтисодий фаолият учун тўсиқларни камайтириш ва ривожланиш дастурларини амалга оширишнинг башорат қилинишини ошириш бўйича кўрсаткичларни ўз ичига олиши мумкин.

13.5. Қўшма минтақавий кун тартиби учун

Билимлар ва индикаторларнинг умумий базасини шакллантириш

Минтақа мамлакатлари ва шерик ташкилотлар учун индикаторларнинг умумий тўпламини (ушбу ҳисоботнинг 3-иловасидаги таклифларга қаранг), кейсларнинг минтақавий базасини, ННТлар ҳиссасини баҳолаш бўйича методик қўлланмани ва амалиётлар алмашинуви майдонини ишлаб чиқиш фойдали бўлади. Бундай кун тартиби мувофиқлаштирувчи ёки маслаҳатлашув форматлари орқали, жумладан, фуқаролик сектори, тадқиқот ташкилотлари ва давлат шерикларининг минтақавий платформалари орқали ривожлантирилиши мумкин.

Минтақавий даражада ННТлар ҳиссасини нафақат ижтимоий соҳага, балки ривожланиш шароитларини яхшилашга ҳам баҳолаш имконини берувчи таққосланадиган индикаторларнинг минимал тўпламини шакллантириш мақсадга мувофиқ: тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий инвестиция муҳити, инфратузилма, сервислар барқарорлиги ва давлат, бизнес ҳамда жамоалар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик сифати. Бундай ёндашув ННТлар ҳиссасини иқтисодий идоралар, бизнес ва ривожланиш бўйича шериклар учун янада тушунарли қилади.

Минтақада ва унинг ташқарисида ННТларнинг халқаро ҳамкорлигини кучайтириш

Марказий Осиё мамлакатларининг ННТлари учун тажриба алмашиш, қўшма ўқувлар, тематик тармоқлар ва минтақанинг бошқа мамлакатлари ҳамда кенгроқ халқаро макондаги ташкилотлар билан шерикликни янада фаол ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Бундай ҳамкорлик муваффақиятли амалиётларни тезроқ тарқатиш, натижаларни баҳолаш бўйича ёндашувларни таққослаш, маълумотлар билан ишлашнинг умумий стандартларини ривожлантириш, профессионал компетенцияларни кучайтириш ва трансчегаравий ёки минтақавий аҳамиятга эга масалалар бўйича қўшма ташаббусларни шакллантириш имконини беради.

Минтақа даражасида секторлараро ҳамкорлик платформаларига жалб этилиш

ННТлар минтақа мамлакатлари раҳбарларининг «Марказий Осиё – 2040» Концепциясида ифодаланган сиёсий иродасидан фойдаланиб, бошқа секторлар иштирокчиларини, айниқса, давлат органлари вакилларини қамраб олган минтақавий ҳамкорлик платформаларига имкони қадар фаол жалб этилиши лозим. Айнан шундай платформаларда ННТлар ҳиссаси янада кўринарли, яхшироқ тан олинган ва пировардида янада самарали бўлиши мумкин. Бошқарув органлари иштирокида кўндаланг мавзулар бўйича ҳамкорлик ривожланаётган платформалар алоҳида эътиборга лойиқ. Масалан, ННТларнинг ривожланишини олис, четда қолган ва эҳтиёжманд ҳудудларгача «етказиб бериш» миссиясини ҳисобга олган ҳолда, ННТлар 2026- йилда ташкил этилаётган Марказий Осиёнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий ривожланиш бўйича Кенгашининг асосий шерикларидан бирига айланиши мумкин. Ушбу Кенгаш, жумладан, олис, бориш қийин бўлган ва эҳтиёжманд ҳудудларни ривожлантириш амалиётини кенгайтириш ва такомиллаштиришга йўналтирилган.



Юқорида келтирилган тавсиялар мамлакатлар ҳисоботларида келтирилган тавсияларнинг йиғиндиси эмас, чунки улар Марказий Осиёнинг бутун минтақаси бўйлаб ННТлар ҳиссасини баҳолаш билан боғлиқ умумий жиҳатларни акс эттиради. Ҳар бир мамлакат бўйича тавсиялар мамлакат ҳисоботларида мавжуд. Қуйида умумий маълумот учун умумий тавсияларни амалга оширишда ҳисобга олиниши лозим бўлган мамлакатларга хос устувор йўналишлар келтирилган.

13.6. Тавсияларни амалга оширишда ҳисобга олиш учун мамлакатларга хос устувор йўналишлар



Қозоғистон:

ННТлар ҳақидаги маълумотларнинг идоралараро интеграциясини ривожлантириш, жумладан, рўйхатдан ўтказиш, статистика, солиқ органлари, давлат ижтимоий буюртмаси, грант молиялаштириши ва ижтимоий хизматларга оид маълумотларни; нотижорат секторининг ёрдамчи (сателлит) ҳисобини ва волонтерлик меҳнатини ҳисобга олиш методикасини жорий этиш имкониятларини ишлаб чиқиш; тадбирлар ва қамровни ҳисобга олишдан бенефициарлар ҳаётидаги барқарор ўзгаришларни баҳолашга ўтиш учун лойиҳалар натижаларининг мустақил баҳосини кучайтириш.



Қирғизистон:

нотижорат секторининг ёрдамчи (сателлит) ҳисобини ва волонтерлик меҳнатини ҳисобга олиш методикасини жорий этиш имкониятларини ишлаб чиқиш; ННТларнинг иқтисодиёт, бошқарув ва ижтимоий ривожланишга қўшган ҳиссасини мунтазам баҳолашнинг барқарор механизмини мустаҳкамлаш; секторнинг бандлиги, солиқлари, молиявий тушумлари, харидлари ва ялпи қўшилган қиймати ҳақидаги маълумотларни оммавий агрегатлаштиришни таъминлаш; ННТларнинг ўзини ўзи баҳолаши ва устав фаолияти натижалари бўйича оммавий ҳисоботдорлигини ривожлантириш, шунда ўлчанадиган институционал ҳисса ижтимоий ва сифат ўзгаришларининг янада кўринарли баҳоси билан тўлдирилади.



Тожикистон:

ФЖТларнинг идоралараро ишчи гуруҳларда, стратегик режалаштиришда, давлат дастурларини мониторинг қилиш ва баҳолашда экспертлик иштирокини қўллаб-қувватлаш; ФЖТ таклифларини ҳисобга олиш ва уларни қабул қилиш ёки рад этиш бўйича қайта алоқа механизмларини ривожлантириш; минтақавий тармоқларни, ижтимоий тадбиркорликни, ташкилотларнинг рақамли оммавийлигини ва ривожланишни олис, четда қолган ва эҳтиёжманд гуруҳлар ҳамда ҳудудларгача «етказиб бериш» функциясини кучайтириш, айниқса, узоқ муддатли экспертизани талаб қиладиган мавзуларда. Нотижорат секторининг ёрдамчи (сателлит) ҳисобини ва волонтерлик меҳнатини ҳисобга олиш методикасини жорий этиш имкониятини кўриб чиқиш.



Туркманистон:

секторнинг агрегатлаштирилган шарҳларини ва ахборотдан фойдаланишнинг миллий тартиб-таомилларини бузмаган ҳолда жамоат ташкилотлари ҳиссасини яхшироқ кўриш имконини берувчи шахсизлантирилган маълумотларга кириш имкониятларини ривожлантириш; ижтимоий ҳимоя, ёшлар сиёсати, маданият, экология, профессионал ривожланиш ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш соҳаларида ижтимоий таъсирнинг сифат индикаторларини шакллантириш; секторнинг ҳиссаси нафақат лойиҳалар орқали, балки давлат устувор йўналишларини жойларда амалга оширишдаги ижтимоий-институционал роли орқали ҳам баҳоланиши учун пойтахт ва ҳудудлар ўртасида амалиётлар алмашинувини қўллаб-қувватлаш.



Ўзбекистон:

ННТ портали, давлат грантлари, давлат ижтимоий буюртмаси, ҳудудий жамғармалар ва жамоатчилик кенгашларини ривожлантириш билан бир қаторда, минтақавий ННТларни кучайтириш, ортиқча маъмурий юкламани камайтириш, кўп йиллик молиялаштиришни ривожлантириш ва муваффақиятли амалиётларни кенгайтириш муҳимдир. Алоҳида эътибор ННТларнинг жамоатчиликка танилишига қаратилиши лозим: фуқароларга секторнинг амалий ролини тушунарлироқ изоҳлаш ва натижалар бўйича оммавий ҳисоботдорликни ривожлантириш керак, шунда ННТларнинг ҳиссаси давлат, маҳалла ёки йирик хайрия тузилмаларининг умумий кун тартибда йўқолиб кетмай, фуқаролик сектори мустақил ҳиссаси сифатида кўринади.



ИЛОВАЛАР

1-илова. Адабиётлар рўйхати ва адабиётлар шарҳи учун манбалар

- [1] Weber M. Economy and Society. Berkeley: University of California Press, 1978; Weber M. Politics as a Vocation. Philadelphia: Fortress Press, 1965; рус. изд.: Вебер М. Избранные произведения. М.: Прогресс, 1990.
- [2] Suchman M. C. Managing Legitimacy: Strategic and Institutional Approaches // Academy of Management Review. 1995. Vol. 20. No. 3.
- [3] United Nations. Handbook on Non-Profit Institutions in the System of National Accounts. New York: United Nations, 2003.
- [4] United Nations. Satellite Account on Non-profit and Related Institutions and Volunteer Work. New York: United Nations, 2018.
- [5] UNDP, ICNL. Legal Frameworks for Civic Space: A Practical Toolkit. New York: United Nations Development Programme; International Center for Not-for-Profit Law, 2021.
- [6] CIVICUS. Civil Society Index: Methodology / Assessing and Strengthening Civil Society Worldwide. Johannesburg: CIVICUS, various editions.
- [7] Casey J. Comparing Nonprofit Sectors Around the World: What Do We Know and How Do We Know It? // Journal of Nonprofit Education and Leadership. 2016. Vol. 6. No. 3.
- [8] Kelly L., Kilby P., Kasynathan N. Impact Measurement for NGOs: Experiences from India and Sri Lanka // Development in Practice. 2004. Vol. 14. No. 3.
- [9] van Staveren I., Webbink E. Civil Society, Aid, and Development: A Cross-Country Analysis. The Hague: Policy and Operations Evaluation Department, Ministry of Foreign Affairs of the Netherlands, 2012.
- [10] Schmitz H. P., Raggo P., van der Vijfeijken T. NGO Accountability: A Conceptual Review across the Engaged Disciplines // International Studies Review. 2021. Vol. 23. No. 3.
- [11] Kilby P. Accountability for Empowerment: Dilemmas Facing Non-Governmental Organizations // World Development. 2006. Vol. 34. No. 6.
- [12] Kilby P. Nongovernmental Organizations and Accountability in an Era of Global Anxiety // The Whitehead Journal of Diplomacy and International Relations. 2004. Vol. 5. No. 1.
- [13] Herrold C. E., AbouAssi K. Can Service Providing NGOs Build Democracy? Five Contingent Features // Public Administration and Development. 2023. Vol. 43. No. 1.
- [14] Charities Aid Foundation. World Giving Index; World Giving Report. London: CAF, various editions.
- [15] НКО: помощь там, где ее не хватает. Вклад некоммерческих организаций в развитие Кыргызской Республики. Бишкек: Институт политики развития, 2023.
- [16] Обзор литературы по вкладу гражданского общества и НКО в развитие Кыргызской Республики: кабинетный аналитический материал. Бишкек, б. г.
- [17] Скокова Ю., Краснопольская И., Задорин И. и др. Влияние и вклад НКО в решение социальных проблем и повышение качества жизни в России. Аналитический доклад. М.: ЦИРКОН; Агентство социальной информации, 2024.
- [18] HSE University. Мониторинг состояния гражданского общества и некоммерческого сектора. М.: НИУ ВШЭ, various editions.
- [19] Centre for Studies of Civil Society and the Nonprofit Sector, HSE University. Исследования гражданского общества и некоммерческого сектора. М.: НИУ ВШЭ, various editions.
- [20] United Kingdom. Charities Act 2011. London: The Stationery Office, 2011.
- [21] Charity Commission for England and Wales. Charity Commission Strategy 2024–2029. London: Charity Commission, 2024.
- [22] Charity Commission for England and Wales. Campaigning and Political Activity Guidance for Charities (CC9). London: Charity Commission, current online edition.



- [23] Charity Commission for England and Wales. Research into Public Trust in Charities and Research with Charity Trustees 2025. London: Charity Commission, 2025.
- [24] World Bank Group. Investment Climate. Washington, DC: World Bank, current online resource.
- [25] World Bank Group. Citizen Engagement. Washington, DC: World Bank, current online resource.
- [26] OECD. Corporate Governance. Paris: OECD, current online resource.
- [27] OECD. Open Government and Citizen Participation; The Protection and Promotion of Civic Space. Paris: OECD, current online resources.
- [28] Charity Commission for England and Wales. Charity Commission Annual Report and Accounts 2024 to 2025. London: Charity Commission, 2025.
- [29] Charity Commission for England and Wales. Public Trust in Charities 2025. London: Charity Commission, 2025.
- [30] Charity Commission for England and Wales. Register of Charities: Full Register Download. London: Charity Commission, current online dataset.
- [31] Charity Commission for England and Wales. Public Benefit: Reporting (PB3). London: Charity Commission, current online guidance.

2-илова. Адабиётлар рўйхати ва ахборот манбалари

Адабиётлар рўйхати ва ахборот манбалари мамлакатлар ҳисоботларидан ўзгаришсиз шаклда шакллантирилган.

Қозоғистон

- 1. Анализ зарубежного опыта оценки вклада НКО в социально-экономическое развитие, Усть-Каменогорск, СКФ «ЗУБР» и ЦПГИ, 2017.
- 2. Аналитический доклад по состоянию волонтерства в Казахстане 2023, Астана, ОЮЛ «Национальная волонтерская сеть», 2024.
- 3. Аналитический отчет по результатам социологического исследования на тему «Оценка эффективности социальных проектов НПО в рамках государственного финансирования, Астана, МКИ РК, 2025.
- 4. Взгляд в будущее развития гражданского общества в Центральной Азии-2025, Алматы, АРГО, 2025.
- 5. Гражданское общество и неправительственные организации в Республике Казахстан, Алматы, АРГО, 2021.
- 6. Донцов С.С. Проблемы и перспективы развития взаимодействия государственных органов и неправительственных организаций Республики Казахстан // Вестник Карагандинского университета, Серия «Экономика» № 2(94)/ 2019.
- 7. Казахстан. Добровольный национальный обзор о реализации Повестки дня до 2030 года в области устойчивого развития, Астана, Министерство национальной экономики РК, АО «Институт экономических исследований», UNDP, 2025.
- 8. Комплексный доклад по развитию неправительственного сектора в Казахстане, Нур-Султан, Казахстанский Институт Общественного Развития, 2020.
- 9. Консультативный документ регуляторной политики к проектам Законов Республики Казахстан, МКИ, 2026.
- 10. О новом законе об НПО // InBusiness.kz и портал Открытые НПА, 06.02.2026.
- 11. Осуществление оценки вклада волонтерской деятельности в социально-экономическое развитие страны. Министерство информации и общественного развития РК, ЦПГИ, ОФ «Центр прикладных исследований TALAP», 2020.
- 12. Оценка вклада НПО в социально-экономическое развитие: от А до Я, Усть-Каменогорск, СКФ «ЗУБР» и ЦПГИ, 2019.
- 13. Оценка эффективности использования национальных кадровых ресурсов Республики Казахстан в контексте социально-экономического развития, Алматы, Алматинский гуманитарно-экономический университет, Статистика, Учет и Аудит том 1 № 96, 2025.
- 14. Руководство по некоммерческим организациям в Системе национальных счетов, Нью-Йорк, ООН, 2006.
- 15. Статистические материалы за 2021-2024 годы, Статистический сборник за 2024 год, ресурс <https://stat>.



gov.kz - Бюро национальной статистики Агентства по стратегическому планированию и реформам РК.

16. Шушаева К.Т. Неправительственные организации как институт гражданского общества // Вестник Инновационного Евразийского Университета, №1, 2016.
17. Электронные ресурсы <https://egov.kz> (электронное правительство РК) и <https://adilet.zan.kz> (Информационно-правовая система нормативно-правовых актов РК).
18. Open Budget Survey 2023-Kazakhstan - International Budget Partnership, 2023.
19. People's Score Card on National Delivery of the 2030 Agenda – Kazakhstan – Алматы, ЦИОМ, Action for Sustainable Development, АРГО, 2022.

Қирғизистон

1. Состояние и перспективы развития неправительственного сектора Кыргызстана. Отчет по исследованию. АЦПГО, Бишкек, 2013. URL: <https://civicspacemonitor.kg/wp-content/uploads/2022/11/otchet-po-issledovaniyu.pdf>
2. Can service providing NGOs build democracy? Five contingent features // public administration and development, 2022. URL: <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/full/10.1002/pad.1985>
3. Assessing the overall impact of civil society on development at the country level: an exploratory approach // Development policy revue, 2013. URL: <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/abs/10.1111/dpr.12011>
4. What affects employment by NGOs? P. Mikolajczak. Oeconomia Copernicana, Vol.12 No.3 (2021). URL: <http://economic-research.pl/Journals/index.php/oc/article/view/1907>
5. The ultimate how-to guide to social impact assessment. URL: <https://www.sureimpact.com/post/social-impact-assessment>
6. Assessing and Strengthening Civil Society Worldwide // Civicus, 2010. URL: https://www.civicus.org/images/Assessing_and_Strengthening_CS_Worldwide_2008-2010.pdf
7. Tender Document. Civic Engagement for Development (CED) project in Kyrgyzstan, June 2022. URL: www.eda.admin.ch
8. Доступно ИПР как со-исполнителю Проекта EGED.
9. Индекс благополучия и развития молодежи в Кыргызской Республике. Институт развития молодежи, Бишкек, 2017// - URL:<https://www.unicef.org/kyrgyzstan/media/1861/file/Youth%20Wellbeing%20and%20Development%20Index%20in%20Russian.pdf>.
10. НКО: помощь там, где ее не хватает. Вклад некоммерческих организаций в развитие Кыргызской Республики. Бишкек, 2023.
11. Civil society, aid, and development: a cross-country analysis. IOB study, Ministry of Foreign Affairs of the Netherlands, 2012
12. Non-governmental organizations as catalysts of economic growth. G.Rotich, M.Karanja. URL: <https://pwc-kenya.foleon.com/public-sector-infrastructure-insight/public-sector-infrastructure-insight-2020/non-governmental-organisations-as-catalysts-of-economic-growth/>
13. URL: https://sti.gov.kg/section/view-pdf?filePath=websti%2F2023%2F11%2F21%2Fstidocument_d69bd291-4be4-4672-bb6c-87ff1bc1d533.pdf
14. Краткий прогноз последствий (социальное прогнозирование) в результате негативного воздействия и деструктивности при принятии положительного решения относительно законопроекта об НКО как «иностранных агентов», 2014. URL: <http://www.municipalitet.kg/ru/article/full/821.html>
15. Белова Ю. И. Основы управления результативностью некоммерческих организаций, 2017. Электронный ресурс BStudy.net
16. Е. Борисова, Л. Полищук. Анализ эффективности в некоммерческом секторе: проблемы и решения, Научно-учебная лаборатория «Институциональный анализ экономических реформ», Государственный университет Высшая школа экономики, Москва, 2008.
17. Bell, J., Masoka, J., and Zimmerman, S. Nonprofit Sustainability: Making Strategic Decisions for Financial Viability, San Francisco: Jossey-Bass, 2010.
18. Varghese, J. Ajukurian, Financial Sustainability of Non-Profit Organisations, Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry, Volume 12, Issue 7, 2021.



19. Общественное признание организаций гражданского общества в Кыргызской Республике, Тянь-Шаньский аналитический центр Американского Университета Центральной Азии (АУЦА), по заказу Программы USAID по совместному управлению, реализуемый Ист-Вест Менеджмент Институтом, 2019.
20. Специальная публикация Национального статистического комитета «Некоммерческие организации в Кыргызской Республике», подготовленная в рамках проекта по применению «Руководства ООН по некоммерческим организациям в Системе национальных счетов», изданного ООН в 2003 г.

Тожикистон

1. Тожикистон Республикаси Конституцияси.
2. 2030 йилгача бўлган давр учун Тожикистон Республикасининг Миллий ривожланиш стратегияси (МРС–2030).
3. Тожикистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни.
4. Тожикистон Республикасининг «Давлат ижтимоий буюртмаси тўғрисида»ги Қонуни.
5. Тожикистон Республикасининг «Эркаklar ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва уларни амалга ошириш учун тенг имкониятларнинг давлат кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни.
6. Тожикистон Республикасининг 2021–2025-йилларга мўлжалланган ўрта муддатли ривожланиш дастури (ҳамда 2026–2030- йилларга мўлжалланган лойиҳа).
7. Осиё тараққиёт банки (ОТБ). Фуқаролик жамиятининг қисқача шарҳи: Тожикистон.
8. Осиё тараққиёт банки (ОТБ). Мамлакат бўйича гендер баҳолаши: Тожикистон.
9. БМТ Тараққиёт дастури (БМТТД) / Инсон ҳуқуқлари бўйича бюро (БПБ). Тожикистон Республикаси фуқаролик жамияти ташкилотларининг адолат судловидан фойдаланиш имкониятлари ва аёлларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш соҳаларидаги салоҳиятини баҳолаш натижалари бўйича қисқача ҳисобот.
10. Инсон ҳуқуқлари бўйича бюро (БНР). Тожикистон Республикасида ижтимоий тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқаролик жамияти ташкилотларини (ФЖТ) хариталаш натижалари бўйича ҳисобот, 2022- йил
11. Джумаев У. М. Индекс платформ участия — 2025: измерение уровня вовлечения и участия гражданского общества в диалоговых площадках (на примере 14-ти межведомственных рабочих групп Совета национального развития при Президенте РТ). — Душанбе: Ирфон, 2025.
12. Джумаев У. М. ИПУ 4 – 14 МРГ: презентация результатов исследования уровня вовлечения гражданского общества, август 2025.
13. Каримов Ш. Т. О гражданском обществе в Таджикистане (аналитический обзор).
14. Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги. Тожикистон Республикасининг статистик йилномаси, 2025- йил
15. Тожикистон Республикасининг 69 та фуқаролик жамияти ташкилоти фаолияти бўйича 2024- йил учун жамланма молиявий ҳисобот (таҳлилий маълумотлар базаси).
16. Тожикистон Республикаси Иқтисодий ривожланиш ва савдо вазирлигининг Инвестиция сиёсати бош бошқармаси раҳбарияти билан интервью стенограммаси, 2026- йил февраль.
17. Тожикистон Республикаси Ҳукумати ҳузуридаги Хотин-қизлар ва оила ишлари қўмитаси раҳбарияти билан интервью стенограммаси, 2026- йил февраль
18. ФЖТ раҳбарлари ва экспертлари иштирокидаги офлайн фокус-группа муҳокамаси (ФГМ) баённомаси, Душанбе шаҳри, 2026- йил 13- февраль.
19. Минтақавий ФЖТлар ва Аёллар ҳавза форумлари вакиллари иштирокидаги онлайн фокус-группа муҳокамаси (ФГМ) баённомаси, 2026- йил 14- февраль.
20. Тожикистон ФЖТларининг кейс-тадқиқотлари ва муваффақият ҳикоялари («Умед» тармоғи, Гендер тенглиги бўйича коалициялар, Ҳавза кенгашлари), материаллар тўплами, 2025–2026- йиллар

Туркменистон

Нормативные правовые акты Туркменистана

1. Конституция Туркменистана.
2. Закон Туркменистана «Об общественных объединениях»



3. Закон Туркменистана «О грантах».

Стратегические и программные документы

4. Национальная программа социально-экономического развития Туркменистана (общие положения).
5. Государственная программа поддержки молодежной политики Туркменистана.
6. Национальная стратегия Туркменистана по изменению климата.
7. Национальный план действий по борьбе с торговлей людьми.
8. Национальный план действий по гендерному равенству.
9. Программа «Саглык» (перевод «Здоровье»).

Официальные государственные информационные агентства и СМИ Туркменистана

10. Государственное информационное агентство «Туркменистан сегодня» (ТДХ).
11. Газета «Нейтральный Туркменистан».
12. Газета «Туркменистан».

Отчеты и материалы международных организаций

13. Отчеты Программы развития ООН (ПРООН) о совместных проектах с НКО Туркменистана (включая техническую поддержку Союза бухгалтеров).
14. Отчеты Детского фонда ООН (ЮНИСЕФ) о деятельности в Туркменистане.
15. Отчеты Европейского Союза (ЕС) о совместных проектах с НОКПТ.
16. Отчеты Организации по безопасности и сотрудничеству в Европе (ОБСЕ) о совместных проектах с ОО «Кейик Окара», ОО «Ынам».
17. Отчеты Управления Верховного комиссара ООН по делам беженцев (УВКБ ООН) о проектах по сокращению безгражданства в Туркменистане (совместно с НОКПТ и ОО «Кейик Окара»).
18. Материалы Бюро демократических институтов и прав человека (БДИПЧ) ОБСЕ (Варшава, заседания с участием ОО «Ынам»).

Информационные ресурсы и материалы общественных объединений Туркменистана (из открытых источников и ФГД)

19. Материалы и публичная отчетность Союза промышленников и предпринимателей Туркменистана (СППТ).
20. Материалы и публичная отчетность Союза экономистов Туркменистана.
21. Материалы и публичная отчетность Союза бухгалтеров Туркменистана.
22. Материалы и публичная отчетность Союза молодежи Туркменистана имени Махтумкули.
23. Материалы и публичная отчетность Национального Общества Красного Полумесяца Туркменистана (НОКПТ).
24. Материалы Общества охраны природы Туркменистана (ООПТ).
25. Материалы Общества слепых и глухих Туркменистана (ОСГТ).
26. Материалы Центра поддержки инвалидов.
27. Материалы Общественного объединения «Кейик Окара».
28. Материалы Общественного объединения «Ынам».
29. Материалы Общественного объединения «Йенме».
30. Материалы Общественного объединения «Мерт».
31. Материалы альпклуба «Агама».

Материалы полевого этапа исследования (качественные данные)

32. Данные двух фокус-групповых дискуссий (ФГД) с участием 20 ключевых НКО Туркменистана (проведены 27 и 28 января 2026 года). Тип данных: транскрипты выступлений, аналитические заметки, кейсы.

Вспомогательные источники (для методологии и контекста)

33. Закон Туркменистана «Об общественных объединениях» (первая редакция 2003 года) (для ретроспективного обзора).
34. Общие методологические рекомендации ООН по оценке вклада НКО в достижение Целей устойчивого развития (ЦУР).
35. Статистический ежегодник за 2024 год, Государственный Комитет Туркменистана по Статистике



Ўзбекистон

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992- йил 8- декабрда қабул қилинган (сўнгги ўзгартиш ва қўшимчалар иноватга олинган таҳрирда).
2. Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни. 1999- йил 14- апрелда қабул қилинган, № 763-I (кейинги ўзгартиш ва қўшимчалар билан). <https://lex.uz/docs/10863>.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни. 1991- йил 15- февралда қабул қилинган, № 223-XII (ўзгартиш ва қўшимчалар билан).
4. Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни. 2007- йил 3- январда қабул қилинган, № ЎРҚ-76.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуни. 2014- йил 25- сентябрда қабул қилинган, № ЎРҚ-376.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Хайрия тўғрисида»ги Қонуни. 2007- йил 2-майда қабул қилинган, № ЎРҚ-96.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018- йил 13- апрелдаги PQ-3666-сонли «Адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022- йил 22- августдаги PQ-357-сонли «2022-2023- йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025- йил 01- мартдаги 135-сон қарори (Lex.uz): <https://lex.uz/docs/7413952>
10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (gov.uz): ННТлар билан очиқ мулоқот ҳақидаги янгилик (02.12.2025), статистика: тахминан 10 000 та ННТ, 70 000 нафар банд аҳоли, давлат дастурларининг 350 та бандида иштирок: <https://gov.uz/en/adliya/news/view/107592>
11. Адлия вазирлигининг ННТлар портали e-ngo.uz (очиқ маълумотлар, реестр; акс этирилаётган агрегат кўрсаткичлар): <https://e-ngo.uz/>
12. UNDP. ICPE Uzbekistan (Independent Country Programme Evaluation), PDF (2025): <https://www.undp.org/sites/g/files/zskgke326/files/2025-07/icpe-uzbekistan-main-report.pdf>
13. Government portal dataset: Grant and social order projects submitted to NGOs (gov.uz, update 25.12.2024): <https://gov.uz/en/digital/sections/view/31351>
14. UNDP Uzbekistan project page: Women Entrepreneurship Support Programme (WESP): <https://www.undp.org/uzbekistan/projects/women-entrepreneurship-support-programme>
15. UNDP: Women Entrepreneurship Support Programme: <https://www.undp.org/uzbekistan/projects/women-entrepreneurship-support-programme>
16. UNDP: ICPE Uzbekistan (2025): <https://www.undp.org/sites/g/files/zskgke326/files/2025-07/icpe-uzbekistan-main-report.pdf>
17. UN Uzbekistan: SDGs in Aral Sea region (16.09.2023): <https://uzbekistan.un.org/en/246135-empowering-aral-sea-region-localized-leap-towards-sustainable-development-goals>
18. World Bank: Uzbekistan Digital Inclusion Project (Aug 2025): <https://documents1.worldbank.org/curated/en/099082125080051162/pdf/P179108-b64144dd-4ff9-477b-8c7d-a047df407339.pdf>
19. UNDP: PIR Uzbekistan (environmental NGOs mention): https://www.undp.org/sites/g/files/zskgke326/files/2024-07/pir_uzbekistan_0.pdf
20. Asian Development Bank. Civil Society Brief: Uzbekistan. <https://www.adb.org/sites/default/files/publication/753866/civil-society-brief-uzbekistan.pdf>
21. UNICEF, ILO, UNDP. Evaluation of the UN Joint Programme on Strengthening Social Protection in Uzbekistan. https://mptf.undp.org/sites/default/files/documents/2023-05/uzbekistan_final_evaluation_report.pdf
22. World Bank. Документ по инклюзии и правам лиц с инвалидностью в Узбекистане. <https://documents1.worldbank.org/curated/en/099051823030041628/pdf/P1783520c7133306c082d50f566673af55c.pdf>
23. European Training Foundation. The Role of Civil Society Organisations in Human Capital Development and Life-long Learning. <https://www.etf.europa.eu/sites/default/files/2025-01/CSO%20HCD%20LLL%20THEMATIC%20PAPER%202024%20FINAL.pdf>
24. UNDP Independent Evaluation Office. Independent Country Programme Evaluation: Uzbekistan. <https://www.undp.org/sites/g/files/zskgke326/files/2025-07/icpe-uzbekistan-main-report.pdf>



3-илова. Марказий Осиё бўйича ННТлар ҳиссасининг йиғма кўрсаткичлари

(баҳолаш асосида тузилган, статистик ёки расмий маълумотлар ҳисобланмайд).

Жами МА бўйича: **56 240**

Кўрсаткич	 Қозоғистон	 Қирғизистон	 Тожикистон	 Туркменистон	 Ўзбекистон
Рўйхатдан ўтган / ҳисобга олинган ташкилотлар	23 000 дан ортиқ рўйхатдан ўтган ННТ	Тадқиқотнинг мақсадли гуруҳида 21 399 та ННТ; 4 548 таси статистик ҳисобот тақдим этган	1 700 та ташкилот, 411 та филиал ва ваколатхона; мақсадли гуруҳда 968 та ташкилот	138 та жамоат ташкилоти	тахминан 10 000 та ННТ; филиаллар, бўлинмалар ва ваколатхоналар билан бирга 11,6 мингдан ортиқ ННТ
Фаолият юритаётган / фаол ишлаётган ташкилотлар	2024- йил охири ҳолатига кўра базада 17 964 та фаол ННТ	энг фаол 397 та ташкилот	мақсадли гуруҳдаги 105 та ташкилот молиявий ҳисобот тақдим этган; тадқиқот танланмасига 69 та ФЖТ киритилган	Барча 138 та ташкилот фаол ҳисобланади ва ҳисобот тақдим этади	м/й; амалда фаолият юритаётган / фаол ННТлар тоифаси алоҳида ажратилмаган
Ходимлар сони	97 758 нафар 2024 йилда; ННТлар базасида алоҳида 40 минг штат ходими кўрсатилган	24 414 нафар ходим	мақсадли гуруҳдаги фаол ташкилотлар бўйича 1 200 та иш ўрни	бутун сектор бўйича м/й	70 минг нафардан ортиқ киши
Ходимлар орасидаги аёллар	м/й	14 158 нафар аёл, жами 24 414 нафар ўртача рўйхатдаги ходимдан	м/й	м/й	м/й
Ташқи ўриндошлар / жалб қилинган мутахассислар	м/й; ННТлар базасида жалб қилинган мутахассислар бўйича «-» кўрсатилган	4 857 нафар ташқи ўриндош	м/й	м/й	м/й
Волонтерлар / ҳақ тўланмайдиган ходимлар	107 минг волонтер	5 411 нафар ҳақ тўланмайдиган ходим / волонтер	м/й	бутун сектор бўйича м/й; алоҳида кейслар мавжуд	м/й
Сектор фаолиятига жами жалб қилинганлар	ОКЭД бўйича 97 758 нафар ходим ва ННТлар базаси бўйича 107 минг волонтер	34 682 нафар киши	м/й	м/й	70 минг нафардан ортиқ ходим; волонтерлар алоҳида ажратилмаган
Ўртача иш ҳақи	318 853 тенге (664 USD) ойига, 2024 йилда	27 605 сом (317 АҚШ доллари) ойига	м/й	м/й	4 308 379 сўм ойига (тахминан 345 АҚШ доллари)
Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси	374 084,5 млрд тенге (773,1 млн USD) 2024 йилда, ОКЭД 94.99.0 бўйича	материалларда тайёр кўрсаткич сифатида м/й	м/й	м/й	м/й
Солиқлар ва ижтимоий ажратмалар	м/й; солиқ маълумотларидан фойдаланиш махфийлик билан чекланган	тахминан 1,3 млрд сом (тахминан 15 млн АҚШ доллари) 2024-йил учун	69 та ФЖТ танланмаси бўйича тахминан 4 млн сомони (440 минг АҚШ долларидан ортиқ)	м/й; ҳисоботда ҳисоблаш учун очиқ макростатистика мавжуд эмаслиги кўрсатилган	м/й; ажратмалар бўйича таққосланадиган маълумотлар ажратилмаган
Ялпи қўшилган қиймат	м/й	10 558 725,1 минг сом (120 млн АҚШ долларидан ортиқ)	м/й	м/й	м/й
ННТларнинг ЯИМдаги улуши	м/й	0,67% ЯИМ, 2024 йилда	м/й	м/й	м/й



МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ННТлар:

РИВОЖЛАНИШГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ, БОШҚАРУВ ВА БАРҚАРОРЛИК 2026 й.

Кўрсаткич	 Қозоғистон	 Қирғизистон	 Тожикистон	 Туркменистон	 Ўзбекистон
Умумий молиявий тушумлар / айланма	бутун сектор бўйича м/й; алоҳида молиялаштириш механизмлари мавжуд	2024-йилда тахминан 53 млрд сом (тахминан 609 млн АҚШ доллари), мақсадли гуруҳ бўйича эса 14,2 млрд сом (тахминан 161,7 млн АҚШ доллари)	69 та ФЖТ танланмаси бўйича 53,3 млн сомони (қарийб 6 млн АҚШ доллари)	бутун сектор бўйича м/й	2024 йилда 34 350,3 трлн сўм (тахминан 2,8 млрд АҚШ доллари)
Хорижий техник ёрдам / грантлар	бутун сектор бўйича м/й	2,7 млрд сом (тахминан 30,5 млн АҚШ доллари); тушумларнинг 19%	39,7 млн сомони (тахминан 4,4 млн доллар) (69 та ФЖТ танланмаси бюджетига нисбатан 74,5%)	2024 йилда умумий қиймати тахминан 1,2 млн АҚШ доллари бўлган 22 та грант лойиҳаси	1 206,5 млрд сўм (тахминан 100 млн АҚШ доллари) (3,5%)
Давлат / маҳаллий бюджет қўллаб-қувватлаши	ДИБ: 2 167 та лойиҳа, 33,56 млрд тенге (69,9 млн USD) 2024 йилда; грант молиялаштириши ҳар йили 2 млрд тенгедан (4,2 млн USD) ошади; ССУ — тахминан 45–55 млрд тенге (91,7–114,6 млн USD), 60% дан ортиғи бюджет ҳисобидан	тахминан 0,2 млрд сом (тахминан 1,8 млн АҚШ доллари); тушумларнинг 1%	3,57 млн сомони (тахминан 400 минг АҚШ доллари) (7%) давлат ижтимоий буюртмасини амалга ошириш бўйича шартномалардан олинган маблағларга тўғри келган	м/й; таққосланадиган сатр мавжуд эмас	7 йил давомида 718 млрд сўм (қарийб 60 млн АҚШ доллари); 3 йил ичида ҳудудий жамғармалар орқали 1 600 та лойиҳа учун 83 млрд сўм (қарийб 7 млн АҚШ доллари)
Товарлар ва хизматлар харидлари / КБСга ҳисса	м/й	семинарлар, тренинглар ва давра суҳбатларини ташкил этишнинг ўзидаёқ 917 млн сомдан ортиқ (тахминан 10,5 млн АҚШ доллари)	м/й	м/й	м/й
Давлат / ҳудудий механизмлар бўйича лойиҳалар сони	2 167 та лойиҳа, 2024 йилда 33 562,8 млн тенге (69,9 млн USD) маблағга	ягона кўрсаткич сифатида м/й	м/й	2024-йилда 22 та грант лойиҳаси	сўнгги 3 йилда ҳудудий жамғармалар орқали 1 600 та лойиҳа
Бенефициарлар / бутун сектор бўйича қамров	ягона кўрсаткич сифатида м/й; алоҳида кейслар мавжуд	ягона кўрсаткич сифатида м/й; алоҳида кейслар мавжуд	ҳар йили 250 000 нафар бенефициар (69 та ФЖТ танланмаси)	ягона кўрсаткич сифатида м/й; алоҳида кейслар мавжуд	ягона кўрсаткич сифатида м/й; алоҳида кейслар мавжуд



4-илова. ННТлар ҳиссасини баҳолашнинг таклиф этилаётган уч босқичли индикаторлар тизими

ННТлар ҳиссасини баҳолашнинг ягона индикаторлар тўпламига эга тизими сектор фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг тарқоқлигини бартараф этиш учун зарур. Ҳозирги вақтда ННТлар ҳақидаги маълумотлар кўпроқ лойиҳа ҳисоботлари, алоҳида кейслар, молиявий маълумотлар, идоравий ахборотлар ёки тадбирлар тавсифи кўринишида тақдим этилади, бу эса натижаларни агрегатлаштиришни қийинлаштиради ва секторнинг ривожланишга қўшаётган ҳиссасини изчил намоиш этиш имконини бермайди. Ягона индикаторлар баҳолашнинг умумий тилини шакллантиришга ёрдам беради: секторнинг асосий параметрларини, унинг ресурс базасини, функцияларини, қамровини, бенефициарлар учун натижаларини ҳамда жамоалар, хизматлар ва бошқарув институтлари даражасидаги ўзгаришларни қайд этади. Бундай тизим ННТлар ҳиссасининг давлат, жамият, бизнес ва донорлар учун кўринишини оширади, секторнинг кам баҳоланиши хавфини камайтиради ва унинг ижтимоий қийматини мунтазам, таққосланадиган ва далилларга асосланган тарзда тақдим этиш учун замин яратади.

ННТлар ҳиссасини баҳолаш учун уч босқичли индикаторлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. У секторнинг асосий ҳисобини, ташкилотларнинг функционал ҳиссасини ва таъсирни баҳолашни аралаштирмаслик имконини беради. Бундай ёндашув натижарат ташкилотлар статистикаси, волонтерлик меҳнатини ўлчаш ва ривожланиш натижаларини бошқариш бўйича халқаро ёндашувларга мос келади.

1-босқич. Секторнинг базавий ҳисоби (институционал ҳисса)

Ушбу босқич ННТлар ҳажми, тузилмаси ва ресурс базасини тушуниш учун зарур. У халқаро амалиётдаги ННТларнинг ёрдамчи (сателлит) ҳисоблари мантиғига энг яқин бўлиб, унда сектор иқтисодиётнинг бир қисми сифатида бандлик, маҳсулот/хизматлар, меҳнатга ҳақ тўлаш, даромад манбалари, харажатлар, волонтерлик меҳнати ва институционал тасниф орқали кўриб чиқилади.

Минимал индикаторлар:

- | | |
|--|--|
| • рўйхатдан ўтган ННТлар сони; | • пул тушумлари ҳажми; |
| • фаолият юритаётган ННТлар сони; | • фойдаланилган маблағлар ҳажми; |
| • агар бундай гуруҳни ажратиш мумкин бўлса, фаол ишлаётган ННТлар сони; | • молиялаштириш манбалари: давлат бюджети, маҳаллий бюджетлар, донорлар, хайриялар, аъзолик бадаллари, пуллик хизматлар, даромад келтирувчи фаолият ва ҳ.к. (сумма ва улуш); |
| • ННТларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллар бўйича тақсимоти (сони ва улуши); | • товарлар ва хизматлар хариди ҳажми; |
| • ННТларнинг фаолият соҳалари бўйича тақсимоти (сони ва улуши); | • лойиҳалар ва дастурлар сони (жами, фаолият турлари ва секторлар бўйича — сони ва улуши); |
| • штат ходимлари сони; | • бенефициарлар сони (жами, фаолият турлари ва секторлар бўйича — сони ва улуши); |
| • жалб қилинган экспертлар ва маслаҳатчилар сони; | • фаолиятнинг ҳудудий қамрови (ҳудудлар кесимидаги лойиҳалар ва бенефициарлар сони — сони ва улуши); |
| • волонтерлар сони; | • очиқ ҳисоботлар эълон қилувчи ташкилотлар улуши. |
| • волонтерлик меҳнати ҳажми (соатларда ёки тўлиқ бандлик эквивалентида); | |
| • меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси; | |
| • сектордаги ўртача иш ҳақи; | |
| • солиқлар ва ижтимоий ажратмалар; | |



2-босқич. Функционал ҳисса

Ушбу босқич ННТлар одамлар, жамоалар, давлат ва иқтисодиёт учун айнан нима қилаётганини кўрсатади. У ташкилотларнинг ролларини қайд этиши лозим: хизматлар кўрсатиш, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, сиёсатни шакллантиришда иштирок этиш, жамоатчилик мониторинги, ресурсларни жалб қилиш, заиф гуруҳлар билан ишлаш, ижтимоий тадбиркорлик ва маҳаллий ташаббуслар ва ҳ.к.

Функционал ҳисса индикаторлари:

- ❁ асосий гуруҳлар бўйича бенефициарлар сони (болалар, ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар, мигрантлар, кам таъминланган оилалар, зўравонликдан жабрланганлар, оғир ва сурункали касалликларга чалинган беморлар, қишлоқ ва олис ҳудудлар аҳолиси ҳамда ННТ фаолияти соҳасига қараб белгиланадиган бошқа гуруҳлар) (сони ва улуши);
- ❁ заиф гуруҳлардан бўлган бенефициарлар улуши;
- ❁ қишлоқ ва олис ҳудудларда кўрсатилган хизматлар сони (умумий хизматлар сонига нисбатан сони ва улуши);
- ❁ кўрсатилган ижтимоий, ҳуқуқий, психологик, таълим, реабилитация ва маслаҳат хизматлари сони;
- ❁ фаолиятнинг асосий тоифалари бўйича хизматлар сони ва улуши;
- ❁ ҳужжатлар, тўловлар, хизматлар ёки ҳуқуқий ҳимоя олишга кўмаклашиш ҳолатлари сони;
- ❁ бепул ҳуқуқий ёрдам олган шахслар сони;
- ❁ инқирозли, реабилитация, ярим стационар ва ихтисослаштирилган хизматлар сони;
- ❁ ўқитилган мутахассислар, волонтерлар, ота-оналар, тадбиркорлар ёки жамоа вакиллари сони;
- ❁ бандлик, ўзини ўзи банд қилиш ва тадбиркорлик дастурлари иштирокчилари сони;
- ❁ яратилган ёки қўллаб-қувватланган стартаплар, ижтимоий корхоналар ва маҳаллий ташаббуслар сони;
- ❁ бенефициарлар учун яратилган ёки сақлаб қолинган иш ўринлари сони;
- ❁ давлат, ижтимоий ёки маҳаллий дастурлар учун ННТлар томонидан жалб қилинган ресурслар ҳажми;
- ❁ стратегиялар, дастурлар, қонунлар ва МХҲларга ННТлар томонидан киритилган таклифлар сони;
- ❁ ННТлар иштирок этган ишчи гуруҳлар, кенгашлар, эшитувлар ва маслаҳат майдончалари сони;
- ❁ ННТлар томонидан ўтказилган мониторинглар, жамоатчилик экспертизалари ва баҳолашлар сони;
- ❁ давлат органлари томонидан кўриб чиқилган ННТ тавсиялари сони;
- ❁ дастурлар, МХҲлар ёки амалий қарорларда инобатга олинган ННТ тавсиялари сони;
- ❁ жамоалар иштирокида амалга оширилган маҳаллий ташаббуслар сони.
- ❁ ННТларнинг инвестиция муҳити ва хусусий сектор ривожланишига ҳиссаси:
- ❁ тадбиркорлик, ўзини ўзи банд қилиш ва иқтисодий кўникмаларни ривожлантириш бўйича ННТ дастурлари ва ташаббуслари сони;
- ❁ тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун қўллаб-қувватлов олган бенефициарлар сони;
- ❁ ННТлар иштирокида амалга оширилган маҳаллий сервис ва инфратузилма ечимлари сони;
- ❁ ННТлар иштироки тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ёки маҳаллий ривожланиш дастурларини амалга ошириш сифатини яхшилашга ёрдам берган ҳолатлар сони;
- ❁ ННТлар иштироки жойларда ҳўжалик фаолияти учун тўсиқларни камайтиришга кўмаклашган амалиётлар сони;
- ❁ иқтисодий шароитларга таъсир қилувчи хизматлар ва инфратузилмани маҳаллий бошқаришнинг барқарор моделлари сони;
- ❁ хусусий сектор ва маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш масалалари бўйича ННТларнинг давлат органлари, МСУ, бизнес ва таълим ташкилотлари билан шерикликлари сони.



3-босқич. Натижалар ва таъсирни баҳолаш

Ушбу босқич ННТлар фаолияти туфайли юзага келган ўзгаришларни кўрсатиши лозим: хизматлардан фойдаланиш имкониятининг яхшиланиши, заифликнинг камайиши, бандлик ва даромадларнинг ошиши, ҳаёт сифатидаги ўзгаришлар, институционал ўзгаришлар ва натижаларнинг барқарорлиги. Ривожланиш натижаларини бошқариш бўйича халқаро ёндашувларда бу индикаторлар узоқ муддатли натижалар (outcome) ва таъсир (impact)га яқин бўлиб, мақсадли гуруҳлар, тизимлар ва жамоалардаги ўзгаришларни баҳолайди.

Натижалар ва таъсирнинг эҳтимолий индикаторлари:

- ❁ зарур хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўлган бенефициарлар улушининг ўзгариши;
- ❁ хизмат олиш учун кетадиган вақт ёки харажатларнинг камайиши;
- ❁ ёрдамнинг тўлиқ йўлини босиб ўтган бенефициарлар улуши;
- ❁ 6–12 ойдан кейин ижобий натижани сақлаб қолган бенефициарлар улуши;
- ❁ ҳужжатларини, ҳуқуқларини ёки ижтимоий қўллаб-қувватлашдан фойдаланиш имкониятини тиклаган шахслар улуши;
- ❁ ҳуқуқий ёрдам олиб, ўз масаласи бўйича ечимга эришганлар улуши;
- ❁ бенефициарларнинг ҳуқуқлари ва мавжуд хизматлар ҳақидаги хабардорлик даражасининг ўзгариши;
- ❁ ногиронлиги бўлган шахслар ёки бошқа мақсадли гуруҳлар мустақиллиги даражасининг ўзгариши;
- ❁ дастур иштирокчиларининг бандлик ёки ўзини ўзи банд қилиш даражасининг ўзгариши;
- ❁ иқтисодий дастур иштирокчилари даромадларининг ўзгариши;
- ❁ кичик бизнес очган ёки кенгайтирган бенефициарлар сони;
- ❁ 12 ойдан кейин ҳам фаолият юритаётган ижтимоий корхоналар ёки стартаплар улуши;
- ❁ мақсадли жамоаларда сув, инфратузилма, таълим, соғлиқни сақлаш ёки ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятининг яхшиланиши (эҳтиёжга нисбатан улуш);
- ❁ бенефициарларнинг ёрдам сифатида қониқиш даражасининг ўзгариши;
- ❁ инқирозли хизматларда худди шу муаммо бўйича қайта мурожаатлар сонининг камайиши;
- ❁ ННТ таклифлари натижасида давлат органи, муассаса ёки маҳаллий маъмурият амалиётининг ўзгариши;
- ❁ ННТлар иштирокида қабул қилинган қонунлар, стратегиялар, дастурлар ёки МҲҲлар сони;
- ❁ давлат ижтимоий буюртмаси ёки мунтазам молиялаштириш тизимида киритилган ННТ хизматлари ёки моделлари сони;
- ❁ бошқа ҳудудлар ёки ташкилотларга кенгайтирилган муваффақиятли амалиётлар сони;
- ❁ бенефициарлар ва жамоалардан қайтар алоқа олишнинг ишлайдиган механизмлари мавжудлиги;
- ❁ натижалар ва ўзгаришлар ҳақида мунтазам очиқ ҳисобдорлик мавжудлиги.

Бундай тизимни жорий этишда барча ННТлардан бир хил даражада мураккаб ҳисобот талаб қилмаслик муҳим. Кичик маҳаллий ташкилотлар учун базавий ҳисоб ва функционал ҳиссанинг бир нечта кўрсаткичлари етарли. Йирик сервис, экспертлик ёки тармоқ ташкилотлари учун натижаларнинг кенгайтирилган индикаторларини қўллаш мумкин. Таъсирни баҳолаш танлаб қўлланилиши мумкин — йирик дастурлар, барқарор хизматлар, инновацион моделлар ва давлат ёки донор молиялаштиришига эга бўлган йўналишлар учун.



5-илова. Маълумотларнинг ишончлилиқ даражаси

Мамлакат	Нимани ишонч билан тасдиқлаш мумкин	Нима эҳтиёткорликни талаб қилади
Қозоғистон	Фаол ННТлар сони, бандлик, волонтерлар, давлат ижтимоий буюртмаси, ижтимоий хизматлар	Солиқ ҳиссаси ва тадқиқот доирасидан ташқаридаги ташкилотларни аниқ ажратиш
Қирғизистон	ЯИМдаги улуш, бандлик, солиқлар, молиявий тушумлар, харидлар	Бенефициарлар учун узоқ муддатли ўзгаришлар (outcomes)
Ўзбекистон	Рўйхатдан ўтказиш, бандлик, пул тушумлари, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш	Рўйхатдан ўтган ва амалда фаолият юритаётган ННТларни ажратиш
Тожикистон	Экспертлик иштирок, 69 та ФЖТ танланмаси бўйича маълумотлар	Бутун секторга экстраполяция қилиш
Туркманистон	Рўйхатдан ўтган ташкилотлар сони, алоҳида лойиҳалар ва ногиронлиги бўлган шахслар бандлигига оид мисоллар	Макроиқтисодий ҳисса, солиқлар, жами молиявий оқимлар

6-илова. Нотижорат секторининг иқтисодиёт ва бандликка қўшаётган ҳиссасини ўлчаш бўйича халқаро тажриба

Нега мамлакатлар ННТлар ҳиссасини ўлчайди?

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида нотижорат ташкилотлар нафақат фуқаролик жамияти институтлари, балки иш ўринлари яратувчи, ижтимоий фойдали хизматлар кўрсатувчи, ресурсларни жалб қилувчи ва қўшилган қиймат шакллантирувчи иқтисодиёт иштирокчилари сифатида ҳам қаралади.

Бироқ анъанавий давлат статистикаси узоқ вақт давомида ушбу ҳиссанинг тўлиқ кўламини кўриш имконини бермаган. Ушбу вазифани ҳал қилиш учун БМТ Статистика комиссияси Миллий ҳисоблар тизими (SNA) доирасида нотижорат ташкилотларни ҳисобга олиш бўйича махсус тавсияларни ишлаб чиққан бўлиб, улар нотижорат сектор ва волонтерлик фаолиятининг ёрдамчи (сателлит) ҳисобларидан фойдаланишни ҳам ўз ичига олади. Бундай ёндашув қуйидагиларни баҳолаш имконини беради:

- ❁ ННТларнинг ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) га ҳиссаси;
- ❁ ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га ҳиссаси;
- ❁ бандлик ва меҳнатга ҳақ тўлаш;
- ❁ ташкилотлар даромадлари ва харажатлари тузилмаси;
- ❁ волонтерлик фаолияти ҳиссаси;
- ❁ секторнинг иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг алоҳида тармоқларидаги роли.

Халқаро статистик асослар

Замонавий ёндашувлар БМТ тавсиялари ва Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) нинг халқаро амалиётига асосланади. Асосий ғоя шундан иборатки, нотижорат сектор расмий статистикада давлат сектори, бизнес ёки уй хўжаликлари каби кўринадиган бўлиши керак. Бунинг учун мамлакатлар рўйхатдан ўтган ташкилотларни оддий ҳисобга олишдан уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳиссасини баҳолашга босқичма-босқич ўтмоқда.



Халқаро тажриба

Жадвал X. Нотижорат секторининг ҳиссасини баҳолайдиган мамлакатларга мисоллар

Мамлакат	ЯҚҚ / ЯИМга ҳисса	Бандлик	Волонтёрлик меҳнати	Амалиёт хусусиятлари
Канада	Ҳа	Ҳа	Ҳа	ННТларнинг энг ривожланган ёрдамчи ҳисобларидан бири
Австралия	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Секторнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳиссасини мунтазам баҳолаш
Новая Зеландия	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Волонтёрлик ва маҳаллий жамоаларга урғу бериш
Норвегия	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Волонтёрлик ташкилотлари ҳиссасининг тизимли ҳисоби
Финляндия	Ҳа	Ҳа	Қисман	ННТ маълумотларини ижтимоий статистикага интеграция қилиш
Нидерланды	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ижтимоий фойдали фаолиятни ҳисобга олишнинг ривожланган тизими
Бельгия	Ҳа	Ҳа	Қисман	Маълумотлардан ижтимоий иқтисодиётни таҳлил қилишда фойдаланиш
Франция	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ассоциациялар ва ижтимоий иқтисодиёт ташкилотларини ҳисобга олиш
Чехия	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Сектор бўйича маълумотларни мунтазам эълон қилиш
Португалия	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ижтимоий иқтисодиётнинг миллий ёрдамчи ҳисоби
Республика Корея	Ҳа	Ҳа	Қисман	Маълумотлардан ижтимоий таъсирни баҳолаш учун фойдаланиш

Манба: нотижорат ташкилотларни ҳисобга олиш бўйича БМТ тавсиялари, миллий статистика хизматлари, ИХТТ амалиётининг халқаро шарҳлари.

Канада: комплекс статистик ҳисобнинг намунаси

Канада нотижорат секторни статистик ҳисобга олиш соҳасида жаҳон етакчиларидан бири ҳисобланади. Канада Статистика бошқармаси мунтазам равишда қуйидагилар бўйича маълумотларни эълон қилади:

- нотижорат секторнинг ЯИМга ҳиссаси;
- бандлик ва меҳнатга ҳақ тўлаш;
- ташкилотлар даромадлари ва харажатлари тузилмаси;
- волонтёрлик фаолияти;
- турли фаолият йўналишларининг (таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий хизматлар ва бошқалар) ҳиссаси.

Олинаётган маълумотлар давлат сиёсатини ишлаб чиқишда қўлланилади ва сектор динамикасини иқтисодиётнинг бошқа секторлари билан тенг даражада баҳолаш имконини беради.

Австралия ва Янги Зеландия: ижтимоий қийматни ҳисобга олиш

Австралия ва Янги Зеландия нафақат иқтисодий кўрсаткичларга, балки волонтёрлар ҳиссасига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Миллий статистикада қуйидагилар баҳоланади:

- волонтёрлар сони;
- волонтёрлик меҳнати ҳажми;
- волонтёрлик фаолиятининг иқтисодий эквиваленти;
- жамоат ташкилотларининг маҳаллий жамоалар ривожланишига ҳиссаси.



МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ННТлар:

РИВОЖЛАНИШГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ, БОШҚАРУВ ВА БАРҚАРОРЛИК 2026 й.

Бундай ёндашув анъанавий молиявий ҳисоботларда акс этмайдиган фуқаролар ҳиссасини ҳисобга олиш имконини беради.

Нидерландия, Бельгия ва Франция: ижтимоий иқтисодиёт билан боғлиқлик

Бир қатор Европа мамлакатларида нотижорат сектор ижтимоий иқтисодиётнинг кенгрок тизимининг бир қисми сифатида қаралади. Статистика қуйидагиларни баҳолаш имконини беради:

- жамоат ташкилотларининг бандликка ҳиссаси;
- аҳолининг заиф гуруҳларини интеграция қилиш;
- ижтимоий хизматлар кўрсатишдаги иштироки;
- ижтимоий неъматлар ишлаб чиқаришда иштирок этиш.
- маҳаллий жамоаларни ривожлантириш;

Бундай ёндашув ННТларнинг ҳудудларни барқарор ривожлантиришдаги ролини янада тўлиқроқ тушунишга ёрдам беради.

Халқаро тажрибанинг асосий сабоқлари

Мамлакатлар ўртасидаги фарқларга қарамай, ННТлар ҳиссасини ҳисобга олиш тизимини ривожлантириш одатда бир нечта изчил босқичлар орқали амалга ошади.

ННТлар ҳиссасини ўлчаш эволюцияси



Марказий Осиё мамлакатлари учун нима фойдали бўлиши мумкин?

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, Марказий Осиё мамлакатлари учун энг реалистик қадамлар қуйидагилардан иборат:

- фаол ННТлар реестрларини яратиш ва мунтазам янгиланган бориш;
- волонтёрлик фаолияти ҳисобини ривожлантириш;
- статистика, солиқ ва рўйхатга олиш органлари маълумотларини мувофиқлаштириш;
- нотижорат секторнинг пилот ёрдамчи (сателлит) ҳисобларини тайёрлаш;
- секторнинг бандлиги ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини мунтазам баҳолаш;
- ННТларнинг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожланишга қўшаётган ҳиссаси ҳақидаги йиғма маълумотларни мунтазам эълон қилиб бориш.
- ННТларнинг ялпи қўшилган қийматини ҳисоблаш;

ИХТТ мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, бундай чоралар нотижорат секторининг давлат ва жамият учун кўринадиганлигини ошириш, қабул қилинаётган қарорлар сифатини яхшилаш ҳамда ННТларнинг мамлакат ривожланишидаги роли ҳақида янада холис тасаввурни шакллантириш имконини беради.



QR-code